

УЗб.
Р
- Г14

ФАЙРАТИЙ

1



NATAMĀSI

BY RICHARD D. LINDNER



ҒАЙРАТИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

ИККИ

ТОМЛИК

НАШРИЕТИ

УЗБ
Р
Г14

ҒАЙРАТӢӢ

БИРИНЧИ ТОМ

ШЕҖРЛАР

ДОСТОНЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАВИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ

Тошкент - 1972



Y3 2
F 17

INTERVIEW

WITH JOHN H. BROWN

INTERVIEW

INTERVIEW

7-3-3-188
Γ-M-352-06-73 73

ДАВР АРДОҚЛАГАН ШОИР

Совет адабиёти ва санъати миллионларча кишилар учун шодлик ва илҳом манбай бўлиб хизмат қилиши, уларнинг иродаси, ҳисси ва фикрларини ифодалаш, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий тарбияси учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим. Ўзбек совет адабиётининг кекса ва талантли вакилларидан бири Абдураҳим Абдуллаев — Файратийнинг ижоди ана шу фикрининг ёрқин далили бўла олади.

Файратий бундан ярим аср аввал ғоявий кураш кескин давом этаётган бир даврда адабиёт майдонига кириб келди ва ижодининг илк саҳифасидаёқ ҳеч қанақа иккиласинмай марксистик позицияда мустаҳкам турди. Унинг «Шоир», «Шеърим», «Менинг туйғуларим», «Таңбурчи қизга» каби шеърларида ана шу эстетик позиция очиқ баёни қилинган:

Иўқлик достонин ҳар дамда ўқиб,
Афсоналардан маънолар түқиб,
Оммадан узоқ бўлмасин шоир...
Эркин меҳнатнинг нашъасин сезсин.
Мавҳум ва сирли йўллардан безсин.
Синфий ётларнинг кўксини ээсин.
Курашда қолоқ бўлмасин шоир.

Маълумки, 20-йилларда социалистик революциянинг туб моҳиятини тўгри тушунмаган ёки тушуниши истамаган батъи шоирлар ҳам бўлганки, уларнинг тасвирида гўё революция туфайли гўзал хаёт бузилгандек бўлиб чиқди. Файратий бошқа кўпгина ўзига ҳаммаслак шоирлар билан биргаликда юқорида зикр этилган бузук адабиётчилар билан дадил музокарага киради ва ўз асарларида революция самарларини ғурур билан куйлайди. Чунончи, у «Тузалган ўлкага» шеърида ёзади:

Тўхтаб қолган, қовжираган булоқлар
Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишидир.
Афдарилган, вайрон бўлган қишлоқлар
Чиндан бугун гўзал тусга кирмишдир.
Қамчи еган подачилар, чўпонлар

Эркин мөҳнат қўшигини кўйларлар.
Синфий кураш учун тўкиб соф қоплар
Янги ҳаёт оғушинда қувнарлар.

Ғайратийнинг кўпгина шеърлари ватанпарварлик мавзусига бағишланган. Агар миллатчи шоирлар Ватан тушунчасини Узбекистонинг жуғрофий чегараси билан чеклаб қўйсалар, интернационализм тоғояларининг пропагандисти бўлган Ғайратий Ватан сўзини кенг тушунади ва Бўзсув дарёсини, Арашон тоғларини, Бокунинг нефть булоғини, Москванинг тарихий кўчаларини, Қора дengиз тўлқинини, Фаргона пахтазорини, Днепр мавжларини илҳом билан кўйлади.

Она-Ватаннинг гўзал табиатга шоир ва унинг лирик қаҳрамонининг чексиз муҳаббати «Тоғ сувлари» сарлавҳали шеърида зўр нафосат билан акс эттирган:

Юксакдан келасиз, эй тоғ сувлари,
Садаф чўққиларнинг юзини ювиб,
Кумушдек чеҳрангиз тортар нигоҳим,
Чопасиз тошларни тубанг қувиб,
Бриллиант томчиси учар ҳар ёнга,
Ўйноқи кўпприклар бошлар ширин кўй.
Олтин киприкларин қадайди қуёш,
Рашк билан айтади: «Шўхлигингни қўй!»
Шўхликни қўймасдан бир дам, бир нафас,
Ўйноқи умримдай қайга оқасиз?
Биламан: сахий ер қўйнига кириб
Кўксига беғубор чечак тақасиз.

Реалист санъаткор сифатида Ғайратий адабиётни А. М. Горький таърифлаганидек «инсоншунослик» деб тушунади. Шунинг учун ҳам шоирнинг она-Ватан гўзаллиги ҳақидаги мақтоби биринчи навбатда ҳаётни гўзал қила билган совет кишиисига, унинг яратувчи меҳнатига қараштирган. Социалистик меҳнат темаси Ғайратий ижодида марказий ўрин эгаллайди.

Ғайратийнинг урушгача бўлган беш йилликлар давридаги ижоди жуда баракали. Бу даврда унинг «Эрк товуши» (1927) «Яшаш тароналари» (1928), «Темп» (1932), «Олов танлар» (1932), «Қора юраклар» (1932), «Танланган асарлар» (1934), «Севгি» (1939), «Олтин ёшлик» (1940) ва бошқа китоблари босилиб чиқди. Мазкур тўпламлардаги энг яхши асарлари билан Ғайратий ўзбек совет адабиётининг етакчи ёзувчилари қаторидан жой олди. Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг биринчи съездига борган ўзбек адабиётчилари делегацияси составида Ғайратий ҳам бор эди.

Чет эл ва шарқ ҳалқларининг озодлик учун курашини тасвирлаш Улуг Октябрь социалистик революциясининг оламшумул аҳамиятини тасдиқлаш ўзбек совет адабиётининг сиёсий вазифаларидан бири эди ва ҳозиргача ҳам шундайдир. Ҳамзанинг «Шанхай олиниши муносабати билан», Ҳ. Олимжоннинг «Икки Шарқ», F. Ғуломнинг «Хитойдан лавҳалар» каби шеър ва достонлари шу теманинг тўғри талқинини бошлаб берган асарлар ҳисобланади. Ана шу анъянага қўшилиб Ғайратий 1928 йилда «Исён аланглари» шеърини ёзди ва унда Улуг Октябрь мазлум Шарқни уйготганини, Шарқка озодлик йўлини курсатганини таъкидлайди. Кейинроқ шоир «Онамга хат», «Жинаста» поэмаларида бу мавзуни янада кенгроқ ишлайди.

1933 йилда ёзилган «Онамга хат» поэмасининг бosh қаҳрамони — уйгур йигити Тұхташ истибод ҳукм сурған үз мамлакатида минг хил азобни бошидан кечиради. Совет мамлакатига қочиб үтгач эса, үз меҳнати билан ҳәттә бахт топади. Тұхташининг Советлар үлкесини таърифлаб онасига ёзған мактуби бу асарнинг кульминациясыдир.

Хақиқиي ватанпарвар сифатида Тұхташ улуғ Совет мамлакатиң турмуш тартиби билан танишаркан, үз элига, уннинг үша давр ҳәтира ачиниш ҳислари қалбини тұлдиради. Шунинг учун ҳам Тұхташининг хати онасига эмас, балки уйгур юртидаги барча зулм азобини тортаётган ва озодлик курашига отланадетган меҳнаткашларға қаратылған:

Тұлқинлапмоқда сизда күз ёшлар сели
Құзғалмоқда күч олиб камбағал эли,
Парчаланаң кишиндер, занжирлар, албат
Қадоқ құллар зарбидан тугар зулму таҳт.

Реалист шоир Файратий Тұхташининг тилидаи айтган бу фикрлар нақадар ҳаққоний эканлыгыннан тарих исбот қылды. Айни вақтда, «Онамга хат» поэмаси үша йиіллардағы уйғур тилинга таржима қилинди, уйгур китобхонлари орасыда шуҳрат топиши, уйғур адабиетига катта таъсир үтказыши ва үша давр ҳукмронлари томонидан таъкид этилиши Файратий ижодининг халқаро ақамияттнни ҳам тасдиқлайды.

Файратий ижоди ранг-баранг бўлиб, у фақат турли жанрдаги шеърлар ва поэмалар авторигина эмас, балки айни вақтда болалар адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарлар, турмуш ва онгдаги эскилил сарқитларига қарши үт очган сатирик ҳикоялар, мазмундор драмалар автори сифатида ҳам ўқувчилар оммаси орасида машҳур. Турли жанрлардаги бу асарларнинг барчаси бир ният билан халқ оммасининг коммунистик руҳда тарбиялаш нияти билан ёзилған ва шу билан қимматлидир. Зотан, адабиёт ва санъеттада ривожлантиришдаги бosh йўл — халқ турмушки билан алоқани мустаҳкамлашдан, социалистик воқеликнинг бойликлари ва ранг-баранг томонларини ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан акс эттиришдан, янги, чинакам коммунистик воқеликни илҳом билан ва яққол гавдалантиришдан ҳамда жамияттнинг олға ҳаракат қилишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсани фош этиб боришдан иборат.

Файратий ўзбек совет адабиётининг кенжә авлодини тарбиялаб этиштиришда жонбозлик кўрсатган устоз адидир. Эркин Воҳидов, Сайёр, Ҳайриддин Салоҳ каби ўнлаб адилларимизнинг ilk машқлари устоз маслаҳати билан пишган.

Файратийнинг Коммунистик партиявиийлик билан суғорилган ярим асрлик ижодида шонли партия ҳақида ёзилған шеърлар салмоқли ўрин әгаллади. Шоир «Ленин», «Ота сүзи» каби қатор шеърларидан улуғ доҳий образини яратишга интилади. Шоир тушунчасида партияниң ҳар азми, ҳар қадами Ленин ишидир. Файратий партия ва Лениннинг бирлигини Маяковскийчасига тўғри талқин қиласди.

Партияниң ирода йули
Ленин фикри билан мустаҳкам.
Партияниң деганда Ленин
Сиймосини кўрдик мужассам.

Коммунистик партия адабиёт ва санъатининг социалистик жамиятдаги ролини белгилаганда В. И. Лениннинг: «Санъат халқ-никидир. Санъат бу оммага тушунарли ва севимли бўлиши лозим»— деган таълимотидан келиб чиқади. Оммага тушунарли ва севимли бўлиш учун санъаткор ҳамиша халқ билан бўлиши, халқнинг идеалларини куйлаши керак. Файратий ижодининг ёрқин белгиларидан бири ҳам унинг халқчиллигиdir.

Халқ истаса, қуёш заррин нуридан
Қуражакдир ойга бир олтин поя.
Халқ истади, ўлим кони чўлларни
Чаман қилди, ёйди олтингбахш соя.
Юрак торим ишқинг билан жаранглар,
Ишончимсан, паноҳимсан улур халқ.
Сенинг кучинг, қудратингда ҳар замон
Ижод селобига бўлдим буткул ғарқ.

Тахаллусни «Файрат» сўзидан танлаган севимли адибимиз Ўзбекистон ССР халқ шоири Файратийга бундан буён ижодига катта муваффақиятлар тилаймиз.

ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ

1923—1930

КОМСОМОЛ

Комсомол ўт-олов исёnda,
Комсомол қайтmas майдонда,
Комсомол курашнинг йўлида,
Лениннинг байроғи қўлида.

Комсомол уйдирма ёлғондан,
Мантиқсиз, ясама фармондан
Ўгирған бус-бутун юзини,
Ҳаётга тиккандир кузини.

Комсомол турмушда янгилик яратар,
Комсомол дунёга номини таратар.

РОҲАТДИР ЯШАШИМ

Ҳар томони
Ўт, кўкат қишлоғим.
Кетмоним —
Энг севган ўртоғим
Саҳарлаб тураман,
Далага юраман,
Жўяклар олмоққа,
Сувларни бурмоққа
Қўлимда кетмоним,
Ҳар ишни ишлайман,
Меҳнатдир қадрли йўлдошим.
Шу учун роҳатдир яшашим —
Ёз, қишим...

КУТГАНДА

Мусаффо кўкларда юлдуз чамани
Сайрига ҳар лаҳза кўзни отаман.
Ҳар куни шўх қўшиқ билан отган тонг
Руҳига кираман, завққа ботаман.

Барқ урган тонгларим шундай дилбарки,
Нефть оташ темирнинг ишқига боғлар,
Миллионлар баҳтини муждаловчи ел
Эсади, бағримга кирап, қучоқлар.

Нажоат чечакларин тақиб ўтгувчи
Шу тонглар шўхлиги чертар юрагим.
Кўп ширин туйғулар лаззати билан
Тўлади топ-тоза қонга билагим.

Вақт узоқ, гудокка олов сочини
Зўр қуёш бепарво тараб қўймасдан,
«Тиқ» этса эшикка бориб қайтардим,
Гўзал тонг хуснига қониб-тўймасдан.

«Юринг, тез кетайлик!» дея чақириб,
Қўнғироқ сингари товушин ишга
Соларди кучанинг сукутин тилиб,
Келарди ҳар тонгда таниш эшикка.

Мен қандай чиқайин, бўлмади дарак,
Тонг ёриб кетмакчи, юлдуз санайман.
На қилдим, мендан ҳеч кўнгли қолмаган,
Узоққа қарайман, чуқур ўйлайман.

Ҳамроҳин қолдириб кетарми ҳамроҳ,
Ҳамроҳин етаклаш одати унинг.
Шифобахш тонгларнинг майин қўшиғин
Тинглашга қистарди ғайрати унинг.

Ипак этаклари тутқазмай учиб,
Кетарди кўкларга хаёлим менинг.
Сиқилар юрагим унинг сайридан,
Хар нафас ортарди малолим менинг.

Шу кутиш-зорликнинг зўр чаңгалидаи
Келарди, оларди қутқазиб узи,
Шошилиб кўчага отилганимча,
Бир нафас тутарди ахтариб кўзи.

Қўрадим уни мен шундай тоигларда,
Ширмойдек юзида ўйнарди гурур.
Социал меҳнатга иноқ қалбида
Порларди ҳар соат туганмас сурур.

Ёш кийик кўзига сира тўймаслик
Одатим кўп ёмон қарадим унга.
«Мунча ҳам куттириш» гудок фурсати
Яқинлаб қелмакда, не бўлди сенга?

Ер тепиб, мавж урган қошни чимириб,
«Тез бўлинг, кетайлик?!» дея қистарди.
Меҳнатга чорлаган ҳар тонг олдида
Шу хилда зардасин кўнглим истарди.

Қиз ўйин хўплаган тонгги тўлқинда
Чайқалиб оқардик биз узоқларга.
Бир баҳор қучоғи ойли оқшомдек
Кўмилиб борардик нур — чироқларга.

Кетардик, қучоғим шу дилбар қизнинг
Кайфи-ла, завқи-ла кенгайиб, тўлиб.
Қўлтиққа чирмашиб, мулоимлашиб,
Бошлиди куттириш сабабин кулиб.

«Иккинчи смена иш қизғин чоқда
Бир оғир темир-ла кучли дастгоҳим
Энг муҳим нуқтаси синди, ушалди;
На қилай, шу онда йўқди гувоҳим.

Қарғадим ўзимни сүстликка йўйиб,
Асабим қақшади кўнглим паришон.
Маъносиз хаёллар олдилар чулғаб,
Ўзликни унудим бир лаҳза шу он

Кўп ўтмай орадан келди бош мастер,
Диққати, зеҳнини ташлади унга.
Бир зумда дастгоҳни изига солиб.
Суръатга миндириб топширди менга.

Шу жиндек воқеа, кечаги савдо
Тонггача кипригим жуфтлаштирамди,
Ўпишдан ҳам ширин уйқу булоғин
Қўзларим олдида бир топширмади!»

Меҳнатин, дастгоҳин ишқига тутқун
Даврнинг талабин қучоқловчи қиз.
Зорлиқнинг ишини кўзимга илган,
Англади шу ишқ-ла ўсдик иккимиз...

СИНГЛИМГА*

Эндигина чиқдинг
Чиркин пардадан,
Эскини йиқдинг
Билим зарбидан.

«Бошқа» сүзларга
Солма ҳеч қулоқ,
Алдовчи күзларга
Берилма ҳар чоқ.

«Чочпопук», маржон
Тақиши ярашмас,
Эркинг қувала,
Етмоқ келишмас.

Синдириб ташла
Ҳасрат чолғусин.
Иш учун ушла
Меҳнат чалғисин.

Сен бор иш учун
Қирга, далага.
«Хорманг!» сүзин айт
Құшчи бобога.

* Бу шеър Чүлпоннинг «Кеч кириш» деган шеърига қарши
әзилган.

Маржон ўрнига
Сомон парчалар
Сочинг учиға
Үнда ёпишар.
Синглим!
Бұшликқа кирма!

ФАЛАБА МАРШИ

Құшиқ

Бүйніга осиб лола
Келди шу гүзал күклам.
Хүсніга қилиб вола
Етди югуриб илдам.

Меңнат құли-ла ҳадсиз
Ер сийнаси кулди.
Тұсқинчи ғаним, душман
Йұқлиққа сурилди.

Ерларни қилиб ислоқ.
Хар ерда қадоқ құллар
Топди яшамоқ йүлин
Мазлума аёл-туллар.

Хар жабқада биз бұлдик
Ленин йұли-ла голиб.
Ёвлар тилагин этдик
Бизлар мангуға ғойиб.

ЕР ИШЛАГАННИКИ

(Er ислоҳоти мұнисабати билан)

Ер хұжалари қадсиз күлфатни
Солиб батракка, бермай роҳатни,
Бошига солдилар оғир меҳнатни,
Күп унумлардан құйдилар қуруқ.

Ер ишлаганга, бу кескин қонун,
Чиқди майдонга амалда бу кун,
Мулкдорлар энди яшомас бутун,
Бұлолмас ҳеч ким бу ишга түсиқ.

Берилди бу кун ерсизларга ер,
Қувониб ишлар хотин билан әр,
Эркин меҳнат-ла оқизишар тер,
Яшашга қандай яхши йүл-йүриқ.

Ер әгаллашиб чорикор, батрак,
Рұхлари юксак, үзлари қувноқ.
Келди уларга эркин яшамоқ,
Чин маъноси-ла берилди ҳуқуқ.



ҚҰШЧИ АШУЛАСИ

Илгарилаб сарф айладим бор кучни
Машъум бойлар қулидаги ерларга.
Хиссам билан олдим ерни ҳам үчни,
Чунки олиш навбатидир эрларга.

Йил ишладим булиб асир, коранда,
Шимарилиб билак, күзда ёш томчи.
Хосилотдан бермай қуварди мени,
Бошларимга тушиб саноқсиз қамчи.

Эрким билан энди ишлаб юраман
Соф ҳаволи қирлар ва кенг қишлоқда.
Меҳнатимнинг нашъасини сураман,
Хўжаларнинг зулмидан мен йироқда.

ФАРГОНА

Қабристондек бир вақтлар жим бүлган,
Қайғу-ҳасрат билан қалбин доғлатган,
Ҳеч ёзиқсиз мазлумларча инграган,
Жафо тортган қора кунлар кетмишdir.

Кезді күп чоғ бой ва бекларнинг оти,
Синди бева-бечоралар қаноти,
Тугатилди күп қадоқ қўл ҳаёти,
Юракларни аламлар-ла сиқмишdir.

Бир ғоя-ла иш кўрди бой, эшонлар,
Дин номидан бериб турли фармонлар,
Меҳнат аҳлин эзиг тўқдилар қонлар,
Оҳу фарёд кўк сарига етмишdir.

Кураш ўти ҳар дақиқа куч олди,
Маҳкум синф — беклар курашдан толди,
Бизнинг лагерь устунлик маршин чалди,
Ҳеч шафқатсиз ёвга кафан бичмишdir.

Вайроналик ортиқ кўздан йўқолмиш,
Севинч билан бир ўзгача тус олмиш,
Қўкат-майса, қиз-жувонлар ўйнамиш,
Қалбимизда оҳлар энди кетмишdir.
Тўхтаб қолган пок булоқлар оқмишdir.

МЕНИНГ ТУЙГУЛАРИМ

Ииғлоқлардек менинг ёниқ құзим йиғлаш билмайды,
Күкдан најот кутганлардек күкка құзин тикмайды.

Қувноқ руҳим қайғу-алам, ҳасратларни сезмайды,
Яшамоққа порлоқ умидларим кулиб турғанда.

Умидсизлик билан ҳаёт йүлларига боқмайман,
Хур, жаннат, пари қизни хаёлимга тақмайман.

Ватан ишқи, янги давр талабини ёқлайман,
Фан-техника билан борлық тұлиб-тошиб турғанда.

Синиқ сознинг синиқ күйин қачонгача тинглайнин,
Фақат булбулларнинг авж күйин күй деб билайнин.

Соғлом тана, ёш кучим-ла югурайин, ишлайнин,
Етайми мен «ишға»— дея тонгги гудок урганда.

Янглиш туйғу менда бўлмас! Янглиш сезги сезганлар,
Йўқлик сари бора беринг, эй, ҳаётдан безганлар!

ДЕНГИЗ-ҚҰЧОҒИДА

Денгиз, мунча ҳовлиқасан,
Қайиқларни иргитасан,
Тоғдай-тоғдай тұлқинларни
Соҳилларга сен отасан.

Күп ҳовлиқма, күп ошиқма,
Бизнинг кураш, бизнинг тұлқин
Қаби ҳеч бир бүлолмайсан,
Бизнинг ҳаёт минг бор жұшқин.

Бугун бизлар тоғлар ошдик,
Сен қырғоқдан чиқолмадинг.
Күпірасан, бироқ биздай
Тусиқларни йиқолмадинг.

ТУЗАЛІГАН ҰЛҚАГА

(Чұлпонга жавоб)

«Әй тоғлари күқларға салом берган зүр үлка»,
Әнди солмас бошинг узра қора булат күланка...

Тұхтаб қолған, қовжираган булоқлар
Шарақ-шарақ яна қайнаб чиқмишdir.
Ағдарилған, вайрон бўлған қишлоқлар
Чиндан бугун гўзал тусга кирмишdir.

Қамчи еган подачилар, чўпонлар
Эркин меҳнат қўшиғини куйлайлар.
Синфий кураш учун тўкиб соғ қонлар,
Ялпи ҳаёт оғушида қувнайлар.

Туморчалар, ҳамоийлар тақмасдан,
Лола баргин устларига ёпмасдан,
Тоғи тошда жунунлардек чопмасдан,
Гўзал қизлар, ёш келинлар меҳнатда,
Эркин яшаш тузуми-ла роҳатда.

Хўжа, эшон, Қарим бойдан зулм кўрган,
У ифлослар оёғига юз сурган,
Неча йиллар ожиз бўлиб бўй эгган,
«Тоғ әгаси сор бургутдек йигитлар».
Мана бугун ҳаққин олиб бус-бутун,
Ишлар тинмай кенг водийда туну кун.

Сенинг гўзал оғушингда кўн йиллардир, кезганлар,
Сенда бўлған гўзалликнинг нашъасини сезганлар
Юзсизларча пок кўксингга таҳқир тошин отарлар;

Табиийким, улар сенинг яшнашингни күролмас,
Оlamшумул ўсишингга қарашларин буролмас.
Тоғдек гигант қурилишлар нафасларин сиқажак,
Шубҳа йўқким коллектив куч foяларин йиқажак,
Табиийким, бир ҳовуҷ куч қарамоққа кўзи йўқ,
Нечун сенинг пок сийнангга отмоқ истар оғу-ўқ?!

Майли, сени ғазаб билан аччиқ-аччиқ сўксинлар,
Оғу каби тиллари-ла аламларни тўксинлар,
Пролетарнинг пўлат қўли янчиб ташлар, сурадир,
Синфий кураш ўти албат ўз ишини кўрадир.
Шунча таҳқир, хўрликларни қадим кўтарган ўлка,
Энди солмас бошинг узра қора булут кўланка.

ШОИР

Йұқлик достонин ҳар дамда үқиб,
Афсоналардан маңолар тұқиб,
Яшаш йұлидан кетмакка құрқиб,
Оммадан узоқ бұлмасин шоир.

Қалами ҳар чоқ учқунлар сочсин,
Турмуш сағасин варақлаб очсин,
Малаклар билан учишдан қочсин,
Хаётда мазақ бұлмасин шоир.

Бир тушупчани бүшіга bogлашлар,
Пұқылк багриға үзин чоглашлар,
Хеч фойда бермас күйиб, йиглашлар...
Күзлары булоқ бұлмасин шоир.

Эркни меңнатининг наиыласин сезсин,
Мавхұм ва сирли йұллардан бессин,
Синфий әтларнинг күксини әзсин,
Курашда қолоқ бұлмасин шоир.

ТАНБУРЧИ ҚИЗГА

Танбурчи қиз, күп титрама, қақшатма,
Мунгли күйинг ёш күнглимини овутмас.
Зарбанг берар ғаму ғуссадан хабар,
Нолаларинг нашъя йүлин күрсатмас.

Сан чал бугун ялпи ҳаёт күйини,
Бутун сезги ҳиссим билан тинглайин...
Эркин меңнат құшиқларин басталаб,
Яхшилаб чал, ҳордиқларим тұқайин.

Танбуриңнинг овозидан ёш күнгил
Сурур олиб, зарра нури қочолмас.
Юксаларкан давримиз янгроқ күйи,
Эркин руҳим үзга күйни қучолмас.

Танбурчи қиз, қалб сұзига қулоқ сол,
Яшаш күйин бирга-бирга күйла, чал.

БҰЗСУВ БҮЙЛАРИДА

Күпіриб, тошиб, эй, ҳайқирған кучли сув,
Тұлқиннингдан титрап қирғоқ ҳар замон.
Кезгап чоқда олдим бир тотли туйғу,
Пұртананг куч, оқишинг зұр, хұп чаққон.

Қанча кучли, қанча тошқин бұлсанг-да,
Берилибсан техниканинг йұлига.
Шұх қызлардай қанча шошқин бұлсанг-да,
Кирибдирсан меңнат аҳлин құлига.

Бу кун сенинг тұлқинларинг күйидан
Эзгу, ёруғ турмуш йұли солинди.
Шу истакка сенинг кучинг өфланди,
Кенг сийнангдан фойдали йұл олинди.

МЕН ЭРК ҚИЗИ

(Ўзбек қизи оғзидан)

Қуллик, асорат занжирин узиб
Эркинликка чиққан мен чин эрк қизи.
Хўрлик, разолат уйларин бузиб,
Истагим: бутун билим негизи.

Эрлар каби мен ишда, санъатда
Ҳар чоқ бўламан, қараб турмайин.
Қўлим кучидан бўлиб роҳатда,
Кимсага ҳеч бир бўйин эгмайин.

Ишонгум ёлғиз кучим, билимга,
Шу билан излаб яшаш йўлини.
Йўлларим порлоқ, тўсиқ бўлмагай,
Аниқлаб олдим мен ўнг-сўлимни.

Севаман толмай ёлғиз меҳнатни,
Бермайин қўлдан бу ёш файратни.

НИМАГА?

Асли йүқ уйдирма,
Асрлар чайналган
«Якка» деб ном бериб,
Топиниш раббгами?

«Хақ» йўл деб кўрсатган,
Халқни юз ажратган.
Қамбағал аҳлини қақшатган,
Уйдирма тўплами,
Самовий битикками?

Йуқ, биз соғлом ақл-ла,
Ишонмай,
Хаёлий завқларга алданмай
Мавҳумот йўлини йиқамиз
У йулни адамга тиқамиз.

Табиат сирини очгувчи,
Яшашнинг ёғдусин сочгувчи
Эҳтиром қиласиз меҳнатга,
Дин дея тутмаймиз зиллатга.

БИР ҚИЗ ҚУЙЛАРКАН...

Боққа кирсам бөг шамоли ҳайдаримни ёзадир,
Үйга кирсам гарыб онам юрагимни эзадир.

(Халқ құшиғи)

Үйнаб боғларда,
Ёшлик чоғларда,
Юрдинг барқ уриб,
Хар қаёқларда.

Бир тутам бўлиб,
Чигил ўрилиб,
Үйга кирибсан,
Энди бурилиб.

Сен каби тутқун,
Ёшлар жүшқин.
Опа-сингиллар
Эрк олди букуи.

«Ичкари» ғамин,
Узоқларга от.
Эрклик тонгидა
Ёз, сен ҳам қанот.

Сендайлар бу кун,
Иш-меҳнат қучди.
Доим лабидан
Шодлик куйи учди.

Чигил ҳайдаринг
Энди ёзилар.
Оҳу күзларинг
Чиндан сузилар.

1926 ыйл

ИСЁН АЛАНГАЛАРИ

Зулм, тахтга қарши исён
Шарқ күксіда қайнаб тошди,
Хар ёқ ёнғин, лоладек қон,
Мазлумларнинг оҳи ошди.

Эркесвар у кекса Чинда
Революция ўти ёнди.
Исён ўти қайнаб Ҳиндда,
Мажруҳ қалблар, боқ, жонланди.

Юксак сари чиқар экан
Юраклардан ұтли бир оҳ.
Октябрнинг қуёшидан
Тушар албат, кучли нигоҳ.

ҚҮЙИНГ, ҮЙНАСИН

(Ўзбек қизига)

Ўз эркига қўйинг, ортиқ зўрламанг,
Эрка кўнгли эрк боғида яйрасин.
Ҳар интилиш, ҳар истагин хўрламанг,
Хандон лаби эрк қўшиғин куйласин.

Кўп замонлар яшамоқнинг торини
Севгани-ла бирга чертмай йиғлади.
Ичкарига қурбон қилиб борини,
Фам ханжари билан кўксин тиғлади.

Йўқ, йўқ энди нозик кўкси тиғланмас,
Чунки яшаш қонунлари ўзгарди.
Кимда майли бўлса кетар, йиғламас,
Борлигини тутқунликка боғламас.

Кимни истар, майли, бугун үйнасин,
Қўя беринг, севгани-ла қувнасин.

ЛЕНИНСИЗ ТҮРТ ЙИЛ

Улуғ Ленин! Сенинг йўлингдан
Бормоқдадир жасур авлодинг.
Эсимиздан чиқмайсан асло,
Қалбимизда фикринг ва ёдинг.

Чалиб зафар сигналини биз,
Байробингни қўтардик баланд.
Сенинг йўлинг билан ғовларни
Босиб ўтдик қилмасдан писанд.

Сенинг йўлинг ҳаёт йўлидир.
Октябрни яратдинг ўзинг.
Сен тириксан, халқ билан бирга
Келажакни кўради кўзинг.

Тусиқларни қилмасдан писанд,
Чалдик зафар сигналини баланд.

ЭЙ, ҚАЛАМ

(Чүлпоннинг талвасасига)

Шу эркин ҳаётнинг тұлқини
Туганмас жилвага киргanza,
Күринган амални саробдек,
Чақнаган тилакни хароб деб,
Бўлдинг сен бўш хаёл тутқуни.

Кўйладиң кўп замон синфнинг дардини,
Синфнинг ўзидаи кўйинг маҳв ўлди.
«Ўз» учун ўстиргани тоза гулларинг
Иродамиз қўли-ла, тугалди, сўлди.

Афсона варақлаш соатин
Кўпдан биз адамга йўқотдик,
Иш бошқа, сўз бошиқа тус олди,
Буздик биз эскини туриб тик.

У ожиз тавбалар тилларда,
Ўйнаркан, қайнаркан якка куч,
Мағлуб сен, машъум сен ҳар йўлда,
Хубобдек тилагинг бари пуч!

ҚОНЛИ ИЗ...

(Бўғизланган Нурхонга атаб)

Япроқ каби сўлди
У сарв ниҳолинг.
Қон бир-ла тугалди
Ёш фунча камолинг.

Чинданми юмилди
У ўйноқи кўзлар,
Шўх юзларда қондан
Ташландими излар!

Сен барги латофат,
Сўнг дамда етилган.
У қандақа офат,
Оқ кўксингни тилган.

Сўлган бинафша каби,
Келдими хазонинг,
Фашлар дили янглиғ
Зулматми маконинг.

Истар яна олға,
Тўқнашди икки куч.
Минг зўрлик ила ёв
Отланса-да,

Пуч!
Пуч!

КЕЧ КИРИШ

Қуёш уялгансимон
Кулиб ботадир.
Кенг уфқнинг кўксига
Лола отадир.

Зангор оқшом тим қора
Сочин тарқатар.
Сийналардан ғаш гулин
Олиб ирғитар.

Юксакларда рақс этган
Бир тўда қушча.
Бир учар, бир қўнадир,
У ҳам шод шунча!

Масжид-минор заволга
Мойил, bemажол.
Шам-шабада дўндиғи,
Шўх қиз баргак тол.

Қаршисида кўҳна аср
Мудраб толмоқда.
Энг сўнг адам маршини
Унисиз чалмоқда...

ИШЧИ АШУЛАСИ

Юлдуз ботмасдан,
Тонглар отмасдан,
Құзғаламан эркин меҳнатга,
Хар гүзәл саҳар
Сийнамни үпар,
Дадил боргум эркин ҳаётта!

Гудок чалмасдан,
Юриб толмасдан,
Жойланаман цехлар қалбига,
Чунки мен зарбдор,
Темир кучим бор,
Ұсажакман иш-кураш билан,
Мис,
Пұлат,
Темир,
Менга барибир,
Қайраман дастгоҳ ясашга.

Борлигимиз ўт,
Ўтмасдан минут,
Яратамиз минглаб машина.
Кучли болғамиз,
Ўтли долғамиз
Чиқфусидир цехдан дунёга.
Ленин байропин,
Құтариб тағин,
Ўтқазамиз ер куррасига.

ЧҮЛЛАР ҚУЛАРҚАН

I

Бу кенг күкрак бир замон
Сұлиб ётарди.
Ваҳшат, азоб, үлим, қон
Тұлиб ётарди.

Баъзан бир хунук излар
Учраб қоларди.
Ох, уларга боқмоқдан
Күзлар толарди.

Нималарnidir додидай
Қичқирап шамол.
Сұнgra босар зұр сукут,
Сиқилар хаёл.

Хар бир бурчак күринди
Бир құрқинч маскан.
Хар үсіб-унган нарса
Оғули тикан.

Унда-бунда чұп-хаслар
Ётарди хазон...
Хар нарсанынг бетида
Қым, тупроқ, тұзон.

Бу ерларда бир чоғлар
Меҳнат қул эди.
Меҳнат аҳлин чеҳраси
Сұлган гул эди.

Эркин нафас ололмай
Дудоқларда оҳ...
Юракларни сиқарди
Ҳар масъум нигоҳ...

Бу кенг чўлнинг бўлмаган
Сира баҳори.
Туманларга бурканди
Гўзал наҳори.

Кўп асрни ўтказди
Сув кўрмай, қақраб,
Кўринди уфқида
Бир қўрқинч сароб...

II

Энди боқинг, бу чўллар
Фараҳлар сочган.
Ҳасрат-алам қўйнидан
Бутунлай қочган.

Ишчи қўли цехлардан
Чиқди, чўзилди.
Социал ҳаёт излари
Боқинг, тузилди.

Сув йўллари боғланди
Қуруқ чўлларга.
Пахта кони тузишга,
Узоқ йўлларга.

Эркин меҳнат нашъаси
Боқинг, оқадир.
Юракларга, оҳ қандай,
Севинч тақадир.

Бирга туриш, бирга иш,
Меҳнатда бирлик.
Ҳар сахар севинч билан
Ялпи тириклик.

Бир томонда трактор
Хайқирап, тинмас.
Хайқириғи юксалар,
Ерга ҳеч инмас.

Сеялкалар қаторлаб
Тушар жүйкка.
Эр-хотинлар ёпишар,
Қолмаслар якка.

Шу коллектив билан биз
Пахта үстириб,
Күролмаган ётларни
Қон-қон қусдириб,

Минглаб завод-фабрикни
Тұлдираjakмиз.
Планларни шубҳасиз
Бұлдираjakмиз.

Қуёш кулиб чаманлар
Юзидан үпган.
Күм-күк ерлар бетини
Севиичлар ёпган.

Күмуш юzlари билан
Гұзал әрталар.
Бор завқларни қитиқлар,
Үйнар, эркалар.

Бу кунларни биламан,
Инсон яратди.
Бу чүлларни чамандай
Қилиб яшнатди.

Бу кунларни яшнатди
Курашчи ерлар,
Дадил одим ташлади,
Ҳар он шон-зафар.

ЧОПИҚДА

Кулди гүзал тонгнинг юзи,
Құшлар турди ётоғидан.
Ел қитиқлаб, үпіб қочди
Чечакларнинг япроғидан.

Қорли тоғлар орасидан
Атлас сочин тараб қуёш,
Гоҳ мұралаб үйнатарап қош,
Ханда сочар дудоғидан.

Құнғиллардек очилған у,
Пахта гулин туширмасдан.
Ялпи меҳнат завқин ичиб,
Чопдик толиши ҳеч билмасдан.

Хаво ёриб кетмөн үйнар
Үнум берган билакларда.
Қандай шириң, гүзаллик бор,
Шу яшаш, шу тилакларда.

Оқ олтинлар билан яшнар
Қолхозчининг кенг даласи.
Ҳамма ёқни янгратади
Эркин меҳнат шұх ялласи.

Қуёш нури билан үйнаб,
Терлар тұқиб, ерлар чопдик.
Шодлик билан меҳнат қилиб,
Шу меҳнатдан баҳтни топдик.

ЗАРБДОР ҚИЗ

Тонги гудок чалмасдан
Мен ҳам тураман.
Еш күнгилнинг майлини
Ишга бураман.

Ошиқаман кечанинг
Сукутин тилиб,
Одимларим отаман
Иўлимни билиб.

Кўчалар бўш кўринар,
Баъзан кўланка.
Етиб бориб қарасам
Аҳмад-ла Ванка.

Шу ондаёқ севинчим
Ичимга сифмай,
Гурунглашиб кетамиз
Биз йўл-йулакай.

Кечса, электр нури
Юксакка ошар.
Само қизи — юлдузлар
Кулиб қарашар.

Утар эди кечанинг
Сўнгги дамлари.
Кечар эди ишчининг
Зўр қадамлари.

Бир оз юргач учрашар
Первий трамвай
Хайдаб ўтар суръат-ла
Ишчи Мастоной.

Тонг чофида мавж урган
Шу кучли тұлқин
Қучофида ҳар минут
Ұсиб бораман.
Төғлардек зүр түсиқни
Босиб бораман.

ЗАВОДДА

Гудок иккинчи дафъа
Наъра урмасдан,
Рубильникни бош мастер
Токка бурмасдан,
Цехлар ичига шахдам
Қадам ташладик.

Сўнгра режа бўйича
Ишни бошладик.
Кундагидай бугун ҳам
Дам олиш чоги,
Меҳнатсевар эрларнинг
Зарбдор ўртоги,
Қўринмаган эди у —
Токаръ Қумри қиз.

Келаётгандир балки
Кеч қолиб ёлгиз,—
Деган хаёллар билан
Ишни бошладим.
Атрофимга маъноли
Назар ташладим.

Станокнинг бошида
Қумрининг үзи.
Үқтин-үқтин қарайди
Үпкали кўзи.

Бұ ҳолатдан мен бир оз
Гангиған бұлдим.
Аллақандай маънони
Англаган бұлдим.

Сұрмоқ бұлдим сабабин
Құмри үзидан,
Узоқлар күрүвчи
Тетик күзидан.

...Эрталабки аразнинг
Сұрсам сабабин.
Тұлиб-тошиб сұзлашга
Чоғлади лабии:

— Айниқса сиз шу бугун
Тонготар чоқда,
Түннинг гүзал көлини —
Ой ботар чоқда,

Құча бүйлаб гурунг-ла
Узоқ кетганда,
Дарвозамнинг тагига
Келиб етганда,

Құмри тез бұл, ётма деб,
Чақириб утиш —
Эсингизга келмади
Озгина кутиш.

— Тұғри сұзинг, эй зарбдор,
Прогулсиз қиз.
Юзларингга тушмасин
Кадарлардан из.

Гудок каби ҳар тонгда
Бонг уриб үтай.
Станоклар бағрига
Бирликда кетай.

ҚҮЁШ ВА МЕН

Тунларим үтмоқда, ғуборсиз тунлар,
Күмүш сийнасида ясландым танҳо.
Фақат күк юзида сузар эди ой,
Бу шеърий дамларни кузатиб гүё.

Ой билан сұхбатим чүзилди узоқ,
Аста яқинлашиб тонг ҳам қүшилди.
Тиниқ чеҳрасидан бұса илтифот —
Айлади, қувончдан юрак жүш урди.

Тутаман күмүш тонг ипак этагин,
Сұхбатни бошлаймиз шунда иккимиз.
Шу чоқда дераза олдига келиб
Жилмайиб боқадир қүёш — олтин қыз.

Тутилиб қоламан қүёш ишқига,
Қүёшли кунларга бұлғанман мафтун,
Тонг билан етишиб унинг ҳусниға
Қалбимни, севгимни бердим бус-бутун.

СОВЕТ АРМИЯСИГА

Улуг Ватан севгиси билан
Ұсиб, қаддинг күттардинг баланд.
Пұлат қаби синмас ироданг,
Дохий Ленин меҳрига пайванд.

Ғалабанинг жүшқин күйлари
Жаранглайды қалбингда ҳар чоқ.
Мардликка ва тинчликка бошлар
Құлингдаги ёқут ранг байроқ.

Сен үтасан денгиз, чұллардан...
Тиз чұқади қаршингда тоғлар.
Гул-лолалар поёңсиз бўлиб,
Чорлар сени чаманзор, боғлар.

Шуъла сочар товланиб чұғдай,
Манглайингда қип-қизил юлдуз.
Халқ тинчлигин, баҳтин сақтайсан,
Постда ҳушёр кеча ва кундуз.

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН

Ўзбекистон, гўзал ва ёш ҳаётинг,
Кенг ёйилган бепоён зўр қанотинг.
Шўх куйлар-ла отган тонгинг нашъасин
Ёзай олтин кунларингнинг саҳфасин.

Бир вақтлар ўлим, қўрқув ва даҳшат
Сочган эди қучоғингда мунгли зор.
Бало тоғи кўкрагингга ёнбошлаб,
Бойқуш, қузғун ҳар ён хандалар ташлаш,
Титрар эди ҳасрат билан ҳазин тор.

Қуёшингнинг атлас ҳайдар кокилин
Тарап эди ўзга қўллар шонаси,
Гулшанингда юзин очган гул раъно —
Фижимланди унинг ҳар бир донаси.

Осмон бўйи тоғларингда қулунлар
Ўтламасди ҳам томонда бир бўшлиқ,
Саҳроларинг, уваларинг — қирингда
Қўкка ўрлар эди қонли қуюнлар.
Меҳнат чаманида синиқ нолалар
Кўнгилларга оғир-оғир оқарди.

Ғам юкидан қоматлари букилиб,
Талай ерлар бир рўшнолик кўрмайин
Ғурбат оқшомида ёши тўкилиб,
Мажруҳ сийналарга аччиқ тиканили
Ғаш гулини ҳар дақиқа тақарди.

Чарақлабон юз очмасди зүр қүёш,
Баҳорингнинг зумрад күки булутли —
Эди доим ёнган дийдалар ўтли
Тупроқларга ястанди ҳар ғариб бош.
Кенг кўксингда эди қуръон ҳукмрон,
Судрар эди разолатга, адамга.
Лола жоми каби қалбга тўлиб қон,
Тушарди тан изтиробга, аламга.

* * *

Кўкрагингни тўсган қора пардаши
Парчалади ва ёндириди инқилоб.
Тилак жонон косасини бир йўли
Талабича хўп қондирди инқилоб.
Хуш исларга тўлиб отди тоңгларинг,
Қуёшинг ҳам ситам отмай, қучоққа
Кирди аста-секин қочмай йироққа.
Зафар билан чайқалди оқ тун-кунлар,
Ошди кўкка голиб наъранг, бонгларинг.
Юмшоқ, момиқ ғуборсиз соф танингга
Пўлат қўллар алвон кўйлак кийгизди.
Ҳаракатсиз томирингга қон бериб,
Жон бериб янги руҳ-ла тиргизди.

Қиз қўйнидай майин кунларинг сенинг,
Шўх баҳорнинг тиззасига бош қўйиб,
Баъзан қочқоқ қуёшнинг зар ҳайдарин
Тараб, ўйнаб, этагига осилиб,
Утди кулиб, порлоқ тунларинг сенинг.

Қураш, талаши билан олдик қўлларга
Ува, адир, кенг далалар этагин.
Ёздин гилам каби узоқ йўлларга
Шу кунларинг қучоқ-қучоқ чечагин.

Шўх қўшиқлар билан тоңглар отмоқда,
Мармар ҳаволар-ла бирга чайқалдик.
Ер кўксига қараш ўткир ботмоқда,
Гул ҳаётнинг тўлқинларида оқдик.
Оқдик жўшиб, тўсиқ қирғоқ емириб,
Учди доим қувноқ лаблардан зафар.

Коллектив күч билан қаддингни ростлаб,
Коғоз, совхоз билан ялпи яшашга,
Аллақачон қылдинг үзни сафарбар.

Томирларинг электрдан күч олди,
Асабларинг темир мазутга пайванд.
Қодирия, Чирчикларнинг даҳшати
Бизнинг қўлга бўйин эгиб боғланиб,
Довруқларинг кўкка ўрлади баланд.

Паст ва баланд булиб кўкрак кўтарган
Маҳобатли завод, фабрик трубаси,
Отар ҳар тонг булутларга бир бўса,
Завқ баҳш этар дилга жонлилик саси.

Дастгоҳларнинг ишқи билан кунглими
Усмакдадир, будир шараф, ифтихор.
Қашшоқликдан, чиққан эй, гўзал ўлка
Қучоғингда кулди бир ўзга баҳор.

Шу баҳор, шу гўзалликни ўзимиз
Эркин меҳнат қўл кучи-ла яратдик.
Шу гулшаннинг боғбони бўлароқ,
Янги насл сўлмас гуллар таратдик.

Эй, баҳтиёр ўлка, эй қизил ватан,
Эй, оташлар билан тўлган нафаси.
Қадалса танингга заҳарли тикан,
Олажак суғуриб кўзинг пардаси.

ТОҒ СУВЛАРИ

Юксакдан келасиз, эй, тоғ сувлари,
Садаф чүққиларнинг юзини ювиб.
Кумушдек чеҳрангиз тортар нигоҳим,
Чопасиз тошларни тубанга қувиб.

Бриллиант томчиси учар ҳар ёнга,
Үйноқи кўпиклар бошлар ширин куй.
Олтин киприкларин қадайди қуёш,
Рашк билан айтади: «шўхлигингни қўй!..»

Шўхликни қўймасдан бир дам, бир нафас
Үйноқи умримда қайга оқасиз.
Биламан сахий ер қўйнига кириб,
Кўксига бегубор чечак тақасиз.

ШЕЪРИМ

Яйра, тинма, қувонч билан тўлиб-тош шеърим.
Юрагимнинг таржимони, жўшқин созисан.
Мен яшайман, сенинг билан лаззатли умрим,
Ҳаётимнинг гул-чечаги, сарин ёзисан.

Сен сўйладинг ишқ шевасин тонготар чоқда,
Баъзан қўшиқ тинглаб қолдим ойли тунларда.
Вафо, яшноқ чамалнинг ҳикоясини
Эшиттирдинг, баҳтим кулган олтин кунларда.

Куйинг жўшқин, созинг ўйноқ, шу қадар майин,
Завқ селоби хаёлимда зарварақ очар.
Аллаловчи ва фараҳбахш нозик тараннум
Севги меҳри билан мени ҳар нафас қучар.

Мен яшайман сенинг билан лаззатга қониб,
Армони йўқ, баҳтдан дарак бергаи олтин соз,
Яйра, тинма, куйла доим хандон уратроқ,
Гулшан ўлка чаманида қил баланд парвоз.

ЕЗ ҚЕЧАЛАРИ

Сут денгизи мавж ургандай
Қандай дилбар мулойим кеча.
Әқүт күзли олтин юлдузлар
Жилваланар булиб үзгача.

Ой нурида юзини ювиб,
Шитирлайди фируза барглар.
Атрофимга аста қарайман,
Берган бұлар бир шириң хабар.

Анор келар босиб хиромон,
Сүфоришдан бұшаб күнгли түқ.
Эркин меңнат завқига тұлиб,
Айттар шириң баҳтидан құшиқ.

У кезади әгатлар бүйлаб,
Дараҳт соя солар изига.
Кипригига ой нури құниб,
Гұзаллик баҳш этар юзига.

Ез тунлари шу қадар дилбар,
Бир шеър каби қалбимга оқди.
Бирға бўлиб ҳар шом ва саҳар
Кўк келини гўзал ой боқди...

ХАЙР, АРАШОН

Хайр сенга, Арашон,
Эй, гүзал маскан.
Хайр, асрлар билан
Сирлашган төглар.

Бахмал, кенг қучоқларинг
Чаманзор экан,
Қиз нафасидек майин,
Илиқ булоқлар.

Гулсафсар, жамбилларинг
Езилган қат-қат.
Аллалайди күнгилни
Қушлар наъмаси.

Раъно баргига қўниб,
Шўхлик бошлишиб,
Мен билан хушлашдилар
Булбул, саъваси.

Кумушдек чўққиларга
Қўйиб бошини,
Ойли тунда кўринар
Булутлар мудраб.

Арчазор учларидан,
Юксак ерлардан
Ғуж-ғуж юлдузлар боқар
Ўйноқлаб, титраб.

Хайр сенга, Арашон —
Сафоли кўкрак.
Хайр, бор гўзалликнинг
Манбаи диёр.

Кўп оғир туюлади
Кўнгилни узмак,
Эй, совет чаманзори,
Мангур бир баҳор.

БУЛОҚЛАР ІНИДА

Кездім мен күп кунлар иссиқ бағынгда,
Эй, томчиси шифо, жұшқын булоқлар.
Майса гиламларинг, майин ерларинг,
Поёңсиз гүзіллік күнгілім ардоқлар.

Пинағин бузмасдан ястанған тоғлар
Мармар сийнасидан қайнаб чиқасиз.
Уч яшар боланинг ширин тиlidай,
Құшиқлар күйлайсиз, үйнаб чиқасиз.

Эй, кекса булоқлар, эски қадрдон,
Үйноки умримдай жұшиб оқдингиз.
Қүнгіл дафтариининг олтін бетига
Бебаҳо, нашъали чечак тақдингиз.

СЕВГИМ

Ким нима ҳам дер эди бизга,
Севгимизга севинганлар бор.
Икки юрак боғланди, пайванд,
Хур үлкада бўлдик баҳтиёр.

Биласанми, севгимиз оддий,
Йўқдир сира айрилиқ, фироқ.
Ҳижрон ўти олдида тизни
Чўкиш билан бутунлай йироқ.

Сохталик йўқ нигоҳимизда,
Юрагимиз бўлди ҳамоҳанг.
Чеҳрамизда мавж уриб кулар
Севгимизнинг завқи ранг-баранг.

Севдим сени чаман водийда,
Фалабалар созин чалибсан.
Довруг солиб улуғ-Ватанг
Тоғ-тоғ пахта териб олибсан.

Қулди гулшан сенинг қўлингда,
Қулди чиндан умр баҳоринг.
Қуёшнинг зар кокили билан
Ясанибди кенг пахтазоринг.

Ясантирдинг ўзинг авайлаб,
Олтин бўлди қўлингда тупроқ.
Гўзалликнинг шуҳрати, эркам
Бундан ортиқ булмас яхшироқ.

Шунинг учун севаман сени,
Бир мен эмас, севар мамлакат.
Бошинг узра гул, лолаларни
Сочдик изҳор қилиб муҳаббат.

ОНА СҮЗИ

(Харбий хизматга чақириши муносабати билан)

Сен қүёшли үлка боласи,
Истиқболинг нурли ва порлоқ.
Қучогимдан нари кетасан,
Кузатаман, йұлларинг узоқ.

Чеҳрангда бор олтин табассум,
Чаманларнинг сайрида күнглинг.
Атир ҳидли гул, лолалар-ла,
Безангандир келажак йұлинг.

Тонг үпади ҳар кун юзингдан,
Майин шамол сочингни силар.
Беғубор тонг каби қалбингда
Ватан ишқи, халқ мәхри ёнар.

Шу ишқ билан кетасан, үғлим,
Тоғлар ошиб чексиз қирларга.
Она ерни құз қорасидай
Сақлаш учун олис ерларга.

Эҳтиёт қил Ленин юртими,
Ҳамиша бұл тетик ва ҳушёр.
Душманларнинг қадами билан
Топталмасин боғ, чаман — гулзор.

Сен кетасан босиб чүл-саҳро,
Тұсар балки даҳшатли қуюн.
Ғазаб билан ҳайқириб бүрон,
Балки қилар минг турли үйин.

Йўлларингда тошқин сел чиқар,
Уриб ҳар ён тоғлар тошини.
Қоп-қоронғу, жимжит тунларнинг
Тинглайдирсан тилсиз товушин.

Ўлим каби қўрқинч тусиқни
Ватан ишқи учун япичиб ўт.
Тўлқинланган кун ва тунларда
Ҳамроҳингдир милтиқ, пулемёт.

Постда доим сергак тур, ўғлим,
Ҳушёрикни Ленин ўргатган.
Узоқларни кўрар кўзингдан
Ўпар, албат, шу улуғ Ватан.

ТЕРИМЧИ ҚИЗГА

Мармар тонг билан кулган чаманлар,
Ҳавасим тортар кумуш жилоси.
Қүёшнинг майин, заррин кипригин
Ҳар чандек юзида уйнар зиёси.

Ўстирдинг ғўзани этиб меҳнат,
Дўстлар-ла водийда айладинг жавлон.
Шаҳло кўзларингнинг қорачиғидай
Асрадинг, яшиади гулшан бепоён.

Ишладинг баҳорнинг гул танин қучиб,
Нашъалар бахш этди ҳароратли ёз.
Ишладинг, юмшатдинг ёмби тупроқни,
Ўзини кўрсатди шу асл пардоз.

Ўзини кўрсатди далалар, чаман,
Фурсатни ўтказма, уни териб ол!
Пахтакор ўлканинг фахри саналган
Кумушхон юришин сен ҳам ишга сол.

Тоза тер, тонналаб заводларга бер,
Бадавлат ўлканинг бахтиёрисан.
Шўх, ғолиб қўшиқ-ла отган тонгларнинг
Куйини куйловчи бастакорисан.

ҚАТТА ФАРГОНА ҚАНАЛИГА

Сенинг режанг билан улуғ Партиям,
Асрлар ухлаган саҳро уйқусин
Маҳв этдик, бир йўла айладик бедор,
Қабристон сукути, ваҳм қўрқувсин.

Сенинг режанг билан жўшқин сувларни
Оқиздик ром қилиб ҳаёт боғига,
Шу олтин умрнинг баҳори каби
Юз очган чаманинг гул япроғига.

Биламан, бир вақтлар бу ваҳший чўллар
Қўйнида бойқушнинг совуқ кулгиси
Кезарди, ташна лаб, ҳар бир гул чеҳра
Сўзларди, куз барги сингари тузи.

Бир қултум сув учун хонаси вайрон,
Қишлоғин тарқ этиб адашарди эл.
Кўз ёшин сели-ла ўстиради дон,
Паришон ва ғамгин яшар эди эл.

Қон бўлиб оқдилар, талай дарёлар,
Заҳарли тиконга тўлганди қирғоқ.
У қонли сувларда акс этди мудом —
Очликнинг шиддати кулфат ва фироқ.

Оқарди ҳайқириб соҳилни ювиб,
Фақат ўзгаларга, ўзга гулшанга,

Тирноқ-ла ер үйиб, сувлар оқизган
Фариблар аҳволи қоларди тангга.

Сенинг режанг билан гуллади даштлар,
Адирлар гуллади, гуллади диёр.
Пахтакор йигитнинг құшиқларига
Жүр бўлиб оқмоқда шишадай анҳор.

Водийлар қўйнига сингмоқда дарё,
Товланар қуёшда кумуш жилvasи.
Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди
Бахтиёр элимнинг қувончли саси.

ДАРҒА

(Баллада)

(Бир чол ҳикояси)

Эй, телба, ҳовлиқма, эй жүшқин дарә
Ястанди йўлингда поёнсиз сахро.
Эй, телба кечмишнинг тилсиз гувоҳи,
Тингланар қалбингдан йилларнинг оҳи.
Қирғонинг бир замон қип-қизил қонга
Беланган, фарёдлар ўрлаб осмонга.
Курашда сен билан саноқсиз инсон,
Яшамоқ йўлида топмади омон.
Салдов¹ деб нечанинг қадди букилди,
Ер тишлаб кўксига ёши тўкилди.
Нечанинг гул боғин айладинг вайрон,
Нечани қустирдинг лахта-лахта қон,
Нечалар баҳорнинг қиз қучоғида,
Майин тун, кумуш ой тўлган чоғида
Қирғонинг айланди, сафоли маскан.
Шўхлик-ла кездилар талай гул билан.
Нечанинг тўлганди олтин косаси,
Ёйилиб саҳрода ғуурлик саси,
Ҳаммасини биласан эй, сирли дарә,
Оқасан узоққа жўшиб бепарво.
Хаёлим саҳрода кезади уйғоқ,
Ҳиссимни тортганди поёнсиз қирғоқ.
Сочларим ўйнатар майин шабада,
Табият гўёки ичгандай бода.
Амунинг бўйида кезардим танҳо,
Шу олтин дамларни сезардим танҳо.

¹ Бурлак дегани.

Фақат узоқлардан — ёқут уфқдан,
Не ёқут, қип-қизил барқут уфқдан
Мұралаб оқиста қочарди қуёш,
Амуга лолалар сочарди қуёш.
Ортарди ҳар нағас гул гүзаллиги,
Оқарди бир ёнда чүпоннинг найи.
Қишлоқ қыzlаридай лүпши юзли ой,
Бошини күттарди, күлди саҳро, сой.
Жилвага бурканди күмуш қирғоқлар,
Бағрига тортарди, баҳмал үтлоқлар.
Күйлардим... Завқ билап дарёга қараб,
Келар Құчқор ота күкат оралаб.
Бирлашдик шу дилбар соҳилда ёлғиз.
Дардлашдик, суқланиб боқар ой, юлдуз.
Чол яна бошлади ҳазин достонин,
Қечмишда оқизгаш күз ёши-қонин.
Тут қулогинг, утганни сұзлай,
Бўта каби йиғлайн, бузлай.
У кунларни эсласам агар,
Сиқиламан, юрагим титрар.
Эзар эди кунларни алам,
Вақтсиз сұнар эди ёнган шам.
Ҳаёт эди ўзи тор қафас,
Кўп гўшадан оқди мунгли сас.
Чунки у чоқ хор эди меҳнат,
Қилар эди нонга зор меҳнат.
Нимасини айтайин ўғлим,
Ҳасрат билан утди ой, йилим.
Қезар эди нон излаб саҳро,
Салдов тортиб, сузардим дарё,
Арқон зарби елкам узарди,
Бу заҳматлар тинчим бузарди.
Оёғимга қадалса тикан,
Йиғлаб дердим, тақдир шу экан.
Қолар эдим баъзан оч, паҳор,
Бепоён чўл бўлиб кўзга тор.
На ойли тун берарди роҳат,
Кундуз бўлса, бўғар ҳарорат.
Салдов тортиб чўкардим ерга,
Тушар эдим қоп-қора терга
Оқди тинмай кўз ёш селларим,
Утди шундай аччиқ йилларим.
Ёлғиз ўғлим Ниёз навқирон —

Бұлиб қолди дардимга дармон.
Баъзам бұшар салдовдан елкам,
Чунки тортар Ниёзим — эркам,
Бирға чертдик алам торини,
Утказдик күп йил баҳорини...

* * *

Қылмоқ бұлиб бек сайди саҳро,
Йиғиб талаі гүзал ва барно,
Бир кемапи ясатиб шинам,
Гүшаб атлас, ипак ва гилам,
Ойли тунда оқдилар узоқ,
Шуъла сочди ранг-баранг чироқ.
Жилар эди салдов кемаси,
Ошди шу дам дарё жилваси.
Базм этарди баъзан қиргоқда,
Узанишиб майса ўтлоқда,
Бек ўтказиб ширин дамларни,
Құчиб, ўйнаб соз санамларни.
Шу сайдарда Ниёзни бир қиз,
Севиб арзин айтиби өлғиз...
Сирлашаркан Гулхон оҳиста,
Ниёз унга тутиб гулдаста,
Ихтиёрсиз бұлибди мафтун.
Яширинча учрашаркан тун.
Йигит ишқин сезган бирорлар,
Солиб севги йұлиға ғовлар,
Ұз ишини қилибди ағёр,
Бу сирдан бек бұлган хабардор
Қони қайнаб, тошиб ғазаби,
Ифлос танга сиғмай асаби:
«Ҳар иккисини йұқотинг күздан,
Қутулайин бу оғир сұздан,
Сувга отинг, ҳаддан ошғанни,
Даргоҳимда гангиб шошғанни!»
Амр берган тоқати тугаб,
Келтирғанлар иккисин боғлаб,
Ташлаганлар улуғ дарёға,
Раҳна солиб севги-савдога.
Ниёз эди суяңған тоғим,
Фарыблықда бир овунчоғим...
Белимдаги мадорим кетди,

Бутун кучим, қарорим кетди.
У кунларни эсласам агар,
Сиқиламан, юрагим титрар.
Қандай қилиб буни унутай...
Қай йүсінда айтиб тугатай...

Бошдан кетди у қора туман,
Қирғоқ буйи яшнаган чаман.
Құлга кирди бу тұқис рұзғор,
Күплар каби бадавлат Құчқор.
Аму оқар қирғоқни ювиб,
Күнлар үтар кунларни қувиб.
Кема билан узоқ кетганды,
Ұғлим ботған жойға етғанда,
Оғирлашар ҳар гал ақволим.
Тарқалади фикрим-хаёлім,
Эшигандай бұламан зорин,
Қамчи биләп чеккан озорин,
Сабрим тугаб аста жиламан,
Тұлқин билан бирга еламан.
Қандай қилиб буни унутай?
Қай йүсінда айтиб тугатай?..
Хозир үғлим, иш, меңнат әркин,
Еринг әркин, муҳаббат әркин,
Әркин бутун яшаш ва ҳаёт,
Чиқармишdir ҳар ким шуҳрат, от.
Чертар әркин севги созини —
Күп Гулхонлар ўз Ниёзини
Топиб олган гулшан үлкада,
Довруғи зёр чаман үлкада,

ДНЕПР БҮЙЛАРИДА

Бахмал соҳилингга кўз тикиб қолдим,
Асрлар сирдоши, эй улув дарё.
Мовий қучоғингда хаёлим менинг
Сен билан узоққа оқарди гүё.

Зумрад қирғоқларинг эрам богида
Юз очмиш, яшиамиш сумбул ва лола.
Чамаплар мадҳини куйлаб булбуллар,
Тутмишдир лоладан ёқут пиёла.

Тонг пайти мавж урган кумуш васлингга
Сўйла-чи, бир йўла қараб тўйдимми?
Тонг чоғи қуёшнинг олтин кокилин
Битталаб сапамай, айт-чи, қўйдимми?

Сен билан бирга мен кўп қунлар кездим,
Англадим юрагинг, жўшқин достонинг.
Украин қизининг бандурасига
Кечмишда жўр бўлган ўтли фифонинг.

Тараснинг лоладай доғли юрагин,
Ҳазин қўшиқларин тинглаган сенсан.
Фариблик шомида йиғлаган торин
Бандига жўр бўлиб инграган сенсан.

У чоқлар поёнсиз қирғоқларингда
Ҳар кўкат ўсади мазлум ёшидан.
Кумуш тўлқинига боқиб тўёлмай
Кўп йигит айрилди қалам қошидан.

Хокисор, дарбадар, йиглаган қалблар
Олтин соҳилингдан юксак жой олди..
Украин халқининг доно фарзанди —
Шоири абадий уйқуга толди.

Сен билан яшнаган, сен кўкартирган
Барқут водийлардан тўпладим чечак.
Шу қардош элларнинг севги номидан
Мозори устига сочдим бир этак.

ЕППА ҲАЁТ ТҮЛҚИНИ

(Колхозлаштириши муносабати билан)

Оқаётир ҳайқирароқ
Колхоз түлқини,
Ошаётир марзалардан,
Увот, қирғоқдан.
Ошаётир довруқ солиб,
Суръати тинмас.
Бирлашган куч, бирлашган құл
Букилмас, синмас.
Күч бирлашса, иш бирлашса
Хамма ёқ кулар.
Кенг далада күз тортгувчи
Оқ олтин унар.
Шу большевик даласида
Қолмагай увот.
Шу колхознинг водийсида
Тугалар ҳар ёт.
Еппа бўлиб кучни қўшсак
Улар муштумзўр.
Куз япроғи каби ранги
Сўлар муштумзўр.

ЛЕНИН ОКТЯБРИГА

I.

Эй, асрлар ҳасратини тортгап үлка,
Сайр айлади бошинг узра қора күлка.
Бир замонлар ҳоким бўлди сенга қуръон,
Ҳоким бўлди олтин, кумуш, бало, зиндон.
Ҳоким булди заҳар-олуд, қилич, қамчи,
Дор ёғочи, занжир, таёқ ва аргамчи,
Ҳар гўшадан оқди тинмай тилсиз фарёд,
Босган эди бало тоғи, зўр истибдод.
Ўрлар эди фазоларга қонли қуюн,
Фарибларга қилар эди ажал ўйин.
Меҳнат эди кўп хору зор у чоқларда,
Қадрланар эди қамчи, таёқларда.
Эрта учун ҳар меҳнаткаш йиғларди қон,
Топар эди таҳқир билан бир бурда нон.
Оч-яланғоч, эшикларда кўплар гадо,
Қўролмайин бир дақиқа завқу сафо.
Дил тортгувчи чаманлар ҳам бермай сурур,
Қора булат тўсди қуёш тукканда нур.
Кўп ўйларнинг ўчди вақтсиз ёнган шами,
Қуримади талай қонли кўзнинг нами.
Боғчаларда бойқушларнинг қаҳқаҳаси,
Юракларни эзган эди мудҳиш саси.

II.

Зулмат туни парчалади кучли қуёш,
Бу қуёшки, яъни Ленин халқларга бош.
Ленин кўрди ёрқин бизнинг истиқболни,

Ленин күрди бизнинг баҳтни ва иқболни.
Бизлар учун баҳт-саодат гавҳарини
Нисор этди, олтин қуёш зарларини.

* * *

Сен ўргатдинг ҳар жабҳада кескин кураш,
Курашларга етакладинг бўлиб сен бош.
Кураш қилдик номинг-ла, эй, улуг дохи,
Эркевар ҳалқ дўстидирсан ҳам паноҳи.
Қайта бошдан бизни одам қилди номинг,
Фолиб, ботир этди ҳар дам зўр илҳоминг.
Сен чиқардинг бизни очлик, қашшоқликдаи,
Ҳар тебраниш, ҳар бир ишида қолоқликдан.
Ҳур баҳш этдинг ғариб кўигил — вайронага,
Масканимиз юзин бурди кошонага.
Сув ўрнига шарбат оқди бобимизда,
Минг-минглаб қўй, қўзи ўтлар тогимизда,
Бу ҳаётки ҳазони йўқ, мангу баҳор.
Бу баҳор-ла топди насл шон-эътибор.
Сенинг номинг қилди бизни азиз одам,
Сен биз билан, биз сен билан бўлдик ҳар дам,
Сенинг номинг билан қўйдик чаманга ишқ,
Сенинг номинг билан қўйдик Ватанга ишқ,
Сенинг номинг этди бизни тетик, ҳушёр,
Сенинг номинг бизга берди куч ҳам мадор.
Қарашларинг шахталарга чирог бўлди,
Тадбиринг-ла саҳро, чўллар гулбоғ бўлди,
Мазмун бўлдинг созимизга, куйимизга,
Қувват бўлдинг фикримизга, ўйимизга.
Сен қуёшли ўлкамизнинг қон, мадори,
Сен паҳтакор тўқ турмушининг ифтихори.

КОНСТИТУЦИЯГА

Қувноқ юрак, ўйнат созингни,
Шеърим селдай қуюлсин, оқсин.
Умидимнинг мовий кўкида
Амалимнинг шамини ёқсин.

Эй, пок юрак, олтин созингга
Бахт китобин мазмун этиб чал.
Шеърим шунда, толеим шунда,
Шунда ҳаёт, ёрқин истиқбол.

Қуйла созим, юрагим, шеърим
Бахт китобин қилгил тарона.
Замирида ҳуқұқ, эрк, номус,
Ҳар бир сатри олмос, дурдона.

Сокин тунда кулган кумуш ой
Бошин қўйиб баҳмал қирғоққа.
Сени тинглар хаёлчан боқиб,
Аста олиб майин қучоққа.

Жўш ур, тинмай, қайна булоқдек
Бахт куйини ўйна басталаб.
Шу куйларки, чаманзорларга
Ишқи билан элтар етаклаб.

ҚУШЛАР

Боғчамда гул, лола бор,
Келтирди буни баҳор.
Хой қушлар, жонон қушлар,
Келинг чертай бирга тор.

Келинг гул бутоқларга,
Фунчага, япроқларга.
Жұшқин, нозик шеърингиз
Қюлсин қулоқларга.

Сизга уй ясаб қўйдим,
Гул баргидан нақш ўйдим.
Тонг чоги наъмангизга
Айтингиз, қачон тўйдим?

Севаман ўзингизни,
Ўйноқи кузингизни.
Сайр этайлик чаманда,
Англайман сўзингизни.

Гўзал боғда ўйнайлик,
Гулдан гулга қўнайлик.
Гулшан үлка мадҳини
Биргаллашиб куйлайлик.

ҚАДРДОНЛАР

Сени қадрдон дедим,
Эй, жонажон рус халқи.
Сени улуғлаш учун
Бордир халқларнинг ҳақи.

Сенга дўст бўлиб ортди
Қадримиз-қимматимиз.
Йисоний ҳуқуқимиз,
Шон ила шуҳратимиз.

Сен халқлар халоскори,
Октябрни яратдинг.
Истиқболнинг кўзгусин
Сўнмас нурга қаратдинг.

Революция бешигин
Тебратдинг, баҳтга доя
Бўлдинг, бизни камолга
Етказдинг бениҳоя.

Сендаги дўстлик меҳри
Дўстларингга зиёда.
Сен билан бирга бўлган
Камлик кўрмас дунёда.

Саодат манзилига
Етакладинг, йўл очдинг.

Чамаларга бошладинг,
Йўлга гул-чечак сочдинг.

Ижодкор: улуг халқсан,
Ленин каби меҳринг бор.
Бутун қалбларда севгинг,
Бутун тилда зикринг бор.

ДЕНГИЗ

Чайқалади денгиз беором...
Жұшишига қараб түймайман,
Оқ чечакдек күпиклар ўйнар,
Қарашимни асло қүймайман.

Тикиламан узоқ үлтириб,
Ой кутарар сувдан бошини,
Хумор билән боққандай бұлар,
Чимирғандай бұлар қошини.

Зар кокилин телба түлқиннлар
Шұхлик билан тортар үзига.
Құтариilar ой аста қочиб,
Кирмай сира унинг сүзига.

Чайқалади денгиз, ўйпайди,
Очилади күнгил ва хаёл.
Қундузи ҳам, ҳатто туулар ҳам
Узоқ мендан гам, аидуҳ, малол.

1941—1950

ИЛГАРИГА, ЎРТОҚЛАР!

Илгарига босинг қадам, юринг ўртоқлар,
Ер титрасин, кўк титрасин — тошлар, тупроқлар.

Ҳайқирингиз мардонавор, денгиздай тошинг,
Фашизмни босиб янчинг, тоғлардан ошинг.

Ҳаққоний иш учун бизлар бўлдик сафарбар,
Шараф бизда, қувват бизда, биздадир сафар.

Илгарига босинг қадам, юринг ўртоқлар,
Ер титрасин, кўк титрасин, — тошлар,
тупроқлар.

Иродангиз темир, пўлат каби мустаҳкам,
Қувватимиз душманларни мажақлар ҳар дам.

Илгарига босинг қадам, юринг ўртоқлар,
Ер титрасин, кўк титрасин — тошлар,
тупроқлар.

ЮРАК АЛАНГАСИ

Увлаб қолди бир тұда оч, малъун бүрилар,
Боғу бўстон, чаманларга қўйдилар қадам.
Иродамиз ёв тақдирин қиласи барбод,
Шубҳа йўқим, ёв қадами топажак барҳам.

Янчид үтар ҳар танкимиз бало тоғини,
Самолётлар ёғдиради самодан олов.
Будённийдек от ўйнатиб майдонга кирсак,
Ер ва кўкка ларза тушар, яксон бўлар ёв.

Тоғни тепса қўзғатадир бизда ҳар йигит,
Темир-пўлат аслига биз бўлганмиз пайванд.
Пайт пойлаб ҳамла қилган қонхўр душмани
Ўлим занжирига албат қилажакмиз банд.

Юракларда кураш ўти олган аланга,
Бу аланга бизларни баҳт, сафарга бошлар.
Она-Ватан, истиқболинг, саодатинг деб,
Курашади мардонавор қарилар, ёшлар.

УЧ ОЛ!

Ииллар ўтган бўлса-да, соғиниш, фироқ
Алами кўзларимнинг ёшин тўкмаган.
Чунки бу айрилиқ тубида ҳасрат
Ва андуҳ йўқ асло, қаддим чўкмаган.

Аксинча, ҳар куни минг яшиаб, қувнаб,
Сен қилған ишларни ўйлайман ўғлим.
Лаззатлар бахш этди, топған зафаринг —
Довруғи ўстирар ҳар нафас кўнглим.

Дўстларинг билан сен қилған мардликдан
Езибсан очиқ хат, олтин хотирот.
Душманни мажақлаб ўтган йўлингни
Кўришга учардим бўлганда қанот.

Зафарга бошлагани улуг халқинг-ла,
Душманга қарши тур, саодат шунда.
Чаманлар кулажак, ҳур бўлур башар,
Толелар юз очар, фарогат шунда.

Ватанинг амри шу, бурчингни бажар,
Охири юзимни ерга қаратма!
Фашист малъунларни душёдан кўтар,
Яксон қил, қадаминг орқага отма!

Булбуллар ноласин мазмунида уч,
Ўч! — дея ўтмоқда кумуш қиши ва ёз.
Ўч куйин басталаб олди баандига
Шикаста ҳар рубоб, ҳар бир жўшқин соз.

Үн етти баҳорнинг юзин қизартган —
Баҳордан ҳам сулув, кўп шаддот қизлар.
Пахта водийсида товусдай кезиб,
Майнин боқишилари уч йўлини излар.

Тонг каби беғубор, оппоқ сочи-ла,
Онаиг ҳам далага уч учун чиқар.
Шу учинг бахш этган қудрати билан
Пахтани хирмонлаб, ҳордигин йигар.

Биламан, ҳар қўсак ва ҳар бир шона
Душманнинг кўксига бўлажак бир ўқ.
Яшнайди, албатта, яна гул ҳаёт,
Тўқ турмуш бўлажак, бунга шубҳа йўқ.

Берамиз пахтани йиғиб фронтга,
Койил қол, бизларнинг маҳоратга боқ.
Биз терган пахтанинг ҳар бир толасин
Евузлар бўйнига айлагил сиртмоқ.

КҮНЛАР ҚЕЛАР...

(Немис босқинчилари вактінча босиб олған
совет еридаги гражданларга)

Күнлар келар, у қоп-қора уфқ
Ол шафақдан бұлар лола ранг,
Нажот тонгии очади қуёш,
Фашизмнинг ҳоли бұлар танг.

Сизда бұлган умид, ишончлар,
Күнлар келар, яратар баҳор,
Күнлар келар, қуёшдек кулур
Фам-ғуссага тұлған рұзғор.

Күнлар келар, үйноқ созингиз
Севгиларни қиластар тарона.
Күнгилларга шеърдай қуюлур,
Висол оқшомлари бұлиб баҳона.

Бойқушларга ошён бұлган
У чаманлар яна кулажак.
Үнда булбул яна ғазалхон,
Соф чечакка гулшан тұлажак.

Қуёш ташлар ғарб сари қадам,
Тунларингиз бұлур чароғон.
Күнлар келар, толеингиз ёр —
Ушалади умид ва армон.

ҲАМШИРА ҚИЗГА

Узоқ кеча қийналур юрак,
Тұлғанаман бұлиб беором.
Аlam сиқар, оғир дард әзар,
Баъзан хаёл сира бүлмас ром.

Оғир тунлар ҳасратин чекиб
Етганимда бошим силадинг.
Әй, шафқатли ҳамшира, менга
Меҳр билан соғлиқ тиладинг.

Қарашларинг иссиқ, маъноли,
Гүё она қучоғидаман.
Эркаланиб құзингга боқсам,
Чиндан шафқат ётоғидаман.

Әй, меҳрибон, эй пок муҳаббат
Күкка етсин, бошимни күтар.
Құлинг үпіб кетай бағрингдан,
Сафда азиз дүстларим кутар.

МЕНИНГ СОВҒАМ

Мен биламаи, соғингансан вафоли дилдор,
Яқинлашиб келмоқдалар висол кунлари.
Йұлларимга қора оху құзинг интизор
Бұлган, құзим, йүқолмоқда ҳижрон тунлари.

Кунлар яқин, чертажакмиз севги торини,
Совға олдим умримиздай ширин, бебаҳо.
Совғам күриб зафар билан кулган құзимдан
Олажаксаи олам-олам зұр, тотли маъно.

Олган совғам олтин узук, қиммат тош әмас,
Е жилоси күз тортувчи маржолми, дема.
Зинқор сенинг ҳузуриңгә қуруқ бормайман,
Түшүнчанғии қийнаб, әркам, ортиқ ғам ема.

Менинг совғам миллион-миллион әлларининг бахти,
Менинг совғам буюк шаҳар, күркем қишлоқлар.
Зилол сувлар, әркам каби боғу бустонлар,
Менинг совғам кошоналар, олтин тупроқлар.

Менинг совғам тинч гүшада, тоғлық қүйнида
Ухлаб ётган гүдакларининг сокин үйқуси.
Менинг совғам күзларидан умид порлаган,
Алла айтган оналарнинг құвноқ кулгуси.

Мен биламаи, шу бебаҳо совғамни күриб,
Меҳринг билан севгимиз ҳам топар камолот,
Олган совғам құвонтирап сени, шубҳасиз,
Шу әмасми, зотан сенға қимматли бисот.

* * *

Севги бор, вафо бор, ёр бор...
Бу истак завқларга вобаста, даркор.
Севгининг энг улуг лаззатлиси бу --
Ватангә муҳаббат, ватандир зинҳор.

СЕВГИ ҚҰШИҒИ

Севишмак гүзал фасл,
Севги — ёшлик мұттасил.
Севги завқидан ўзға
Айт-чи, қай лаззат асл?

Софинтирма, келгил бот,
Қалб сеники, эмас ёт.
Қеракмас менга асло
Севгисиз кечган ҳаёт.

Севгимиз шириң, тотлиқ,
Лаззатин бирга тотдик.
Хижронға берған бардош
Мен эмасми саботлиқ?

Севгидир фазли камол,
Севги саодат, иқбол.
Севги билан күринур
Менға ёрқын истиқбол.

1951—1962

РУС ХАЛҚИГА

Эй, жонажон рус халқи, севимли қардош,
Сени дедик, топдик биз саодат, камол.
Бирга бордик сен билан чаманлар сари,
Күрсатдинг ҳаёт йүлин, топдик биз иқбол.

Яша, яша, рус халқи, жонажон қардош,
Улуғ ғалабаларга ўзинг бўлдинг бош.

Қуллик билан яшардик, тортардик алам,
Меҳнат қилган хор эди, кўрмасдик роҳат.
Эй, қаҳрамон, довюрак, жасур, улуғ халқ,
Қудратингдан йўқ бўлди хурлик, асорат.

Яша, яшна, рус халқи, жонажон қардош,
Улуғ ғалабаларга ўзинг бўлдинг бош.

Сен жаҳонга Лениндеқ доҳийни бердинг,
Сен яратдинг зўр тўлқин, улуғ инқилоб.
Бахти турмушни топдик сен билан бирга,
Хурлик нурини сочиб, порлади офтоб.

Яша, яшна, рус халқи, жонажон қардош,
Улуғ ғалабаларга ўзинг бўлдинг бош.

СУВЧИ

Дала күм-күк, водийлар күм-күк,
Уфқача кетган пахтазор,
Қуёш тапти ердан күч олиб,
Барқ урмоқда ғұзалар қатор.

Түшар аста оқшом салқини,
Түп чүкади, кундузни босиб.
Жилва қиласар хандон уриб ой,
Күз-күз қиласар сочиши ёйиб.

Сувчи кезар шүх құшиқ күйлаб,
Ғұзаларга бериб күч, мадор.
Сув оқади әгатлар бүйлаб,
Оқ ипакдай күркам, жилвадор.

Сув оқади, қон каби бориб
Ғұзаларга бахш этар ҳаёт.
Күндан кунга үсішин күриб,
Сувчи құнгли сувдек тошқин, шод.

Дала күм-күк, адирлар күм-күк,
Ғұзаларшың қалди барваста.
Пигит боқар суқланиб майни,
Мехру ишкі унга пайваста.

ҚИЗЛАРНИНГ Дафтариға

(Күл ҳұнар виставкасини көрганды)

Онасиз, қызимсиз, покиза идрок,
Шу ҳаёт бичиги құлингиздадир.
Сиз демак муҳаббат, сиз демак фарзанд,
Нур каби келажак йүлингиздадир.

Майни боқишиңгиз рұзғор чироғин
Шуғын орттира, учмас мангуға.
Сиз биләп оила шодник касб этар,
Сиз биләп шу ҳаёт кирап кулгуға.

Вағонинг замири мусаффо юрак,
Сизда бор турмушниң күркі ва файзи.
Мен дедим дилдорлик спізга ярашар,
Сиз демак насланиң асл негизи.

ҚУТИШ

Водийларга чўкар оқшом салқини,
Ётогига аста йўл олар қуёш.
Эртанинг ҳаваси, гурури билан
Қуяди лола ранг уфқларга бош.

Подалар ҳам қайтар, қўй ва қўзилар
Қишлоқ кучасини тұлдириб үтар.
Баланд теракларда қушлар чулдираб,
Файзли бу оқшомни йўлга кузатар.

Эгатлар оралаб миробми, кимдир
Якка оёқ йўлдан қайтади ёлғиз.
Бетоқат бир назар билан қўл сиқиб,
— Ҳорманг! — деди йигит,
— Бор бўлинг! — дер қиз.

Оқшом қучогида кезишиб танҳо
Бораркан навқирон икки ёш юрак.
Севгидан чақнаган кўзлар аксида
Кўринар етилган ширин бир истак.

Сўз бошлар энтикиб йигит беором,
Олмоқчи эртага висол ваъдасин.
— Қаерда, қай чоқда кутай, айтингиз,
Туш пайти боғдами ва ёки оқшом?

Лабида табассум, барваста жиддий:
— Кутмангиз, — деди қиз.

Йигит дер: — Нечун?
— Мени кутмоқдадир паҳтазор водий,
Ҳар ишнинг ўз вақти бўлгани учун...

Бойликнинг гарови — бўлиқ ғўзалар,
Мени кутмоқдадир беҳисоб шона.
Ғанимат фурсатни қўлдан бермайни,
Ҳар кўсак бошида бўлай парвона.

Ғўзалар танига қондай сингувчи,
Ойнадек беғубор сувлар кутмоқда.
Универсал кутмоқда далалар бўйлаб,
Ҳал қилиш кунлари, дамлар ўтмоқда.

Тераклар учида ўйнар қизил нур,
Қуёш уфқлардан кўтаради бош.
Далалар қўйнида, меҳнат тонгида
Қўлга қўл беради икки баҳтли ёш.

ТОШКЕНТ ТОНГИ

Тошкент тоңготарин файзи, күркини
Заррин қалам билан чизмакка қуёш,
Чотқол чүккүларин поя қилароқ,
Кумуш шафақлардан күтәради бош.

Унинг тасвирида, дастгоҳ ишқида
Ошиққан ишчининг салобати бор...
Булутлар кўксидаги бошига қўйған
Баланд трубалар кўринар рангдор.

Қуёшнинг аксида кўринар яққол
Маърифат уйига ташланган қадам.
Ленин томларини бағрига босган
Саноқсиз йигит-қиз бўлур мужассам.

Тошкент тоңготари нақадар гўзал,
Чиройли тасвирга сифрас, сермазмун.
Ҳаёт станогин юргизади халқ,
Бахтиёр турмушдан миннатдор, мамнун.

МОСКВАМ

Сен Ватаним юрагисан, гулшаним, богим,
Кремлнинг деворлари суюнган тоғим,
Ёқут юлдуз қалб уйида сўнмас чирогим.

Бахтим очган жонажоним, улуг Москва,
Қадрдоним, меҳрибоним, улуг Москва.

Сен яратдинг бизлар учун чин, озод ҳаёт,
Сен ўқитдинг, бердинг бизга фазлу камолот,
Кўкка қадар юксалтиридинг бериб зўр қанот.

Бахтим очган жонажоним, улуг Москва,
Қадрдоним, меҳрибоним, улуг Москва.

Сенда ётар башарнинг сўнмас қуёши,
Меҳнаткаш халқ доҳийси, дўсти йўлдоши,
Сен озодлик баҳорин буюк наққоши.

Бахтим очган жонажоним, улуг Москва,
Қадрдоним, меҳрибоним, улуг Москва.

ХАЛҚ ИСТАГИ

Хазина ер, зилол сув,
Ёз бўйи сахий қуёш,
Меҳнат, иродамиздан
Чиқди ажойиб мазмун.
Мазмунки, ҳар сатрида
Жаранглар эрк ва иқбол.
Мазмунки, олам-олам
Зўр бойлик топди якун.
Меҳр парвонасидан
Ҳар туп ғўза, ҳар ниҳол
Дурдонага айланиб,
Чаноқлари урди барқ.
Меҳнат самараасини
Йифиш фурсати дея,
Водийларга отланди
Сафарбар, қаҳрамон халқ.
Уч миллион жамғариш
Улуғ халқим истаги,
Ваъдага вафо қилмоқ
Мардларга хос фазилат.
Голибликнинг аҳдини
Кутмоқда улуғ айём,
Кутмоқда саодатга,
Шарафга тўлиқ айём.
Нурдек оқ водийларга
Қуёш бўлиб жуш ур, балқ!
Олтин дамлар ўтмасин,
Эй, қаҳрамон, голиб халқ!

УЛУФ ПАРТИЯМ

Сен замоннинг тоза қалби
Улуф партиям.
Сенда кўрдим доҳий Ленин
Фикрин мужассам.
Ҳаёт тонготаридан
Беролдинг хабар.
Сенинг ғоянг ҳаёт учун
Мураббий-раҳбар.
Сен ижодкор, Октябрни
Яратдинг ўзинг.
Машъал бўлдинг, сўнмас ёғду
Таратдинг ўзинг.
Сен ўргатдинг яшаш нима
Ва кескин кураш.
Курашларда чиниқтиридинг,
Ўзинг бўлдинг бош.
Миллионларнинг излагани,
Умиди ўзинг.
Ҳар юракда сенинг меҳринг
Ва тийран сўзинг.
Сен ҳал этдинг ва ечили
Зўр асрий орзу.
Сен пок севги, сенинг меҳрийг
Қуёшдай мангур.
Сен давримиз ғоясисан —
Халқлар ғояси.
Мазмунинг баҳт-иқбол, демак.

Йұқ ниҳояси.
Сенинг билан халқимизнинг
Сафи мустаҳкам.
Сенга бұлған халқлар меҳри
Туганмас олам.
Етакладинг коммунизм йўлига томон,
Бу йўл қуёш йўли демак,
Нур олур жаҳон.

ЎҚИТУВЧИМГА

Ўқитувчи — меҳрибон устоз,
Ҳеч туганмас Сизга ҳурматим.
Маърифатнинг нур қучоғидан
Мангу топдим баҳт-саодатим.

Болалигим илк баҳорида
Сиз бердингиз қўлимга қалам.
Бир қаламки, мазмуни тиўран,
Унда ҳаёт, эркин меҳнат жам.

Ўргатдингиз Ленин номини,
Шу сўз билан чиқди саводим,
Хаёлимдан чиқмайсиз асло,
Сизда тун-куп фикр ила ёдим.

Камолотнинг поғонасиға
Бошладингиз курсатиб оқ йўл.
Миннатдормани, устоз умрбод,
Хурматлайди Сизни ёш кўнгил.

ЛЕНИН

Асос солди янги дунёнинг
Тарихига шу ном-ла башар.
Бу номдадир севги ва ҳаёт,
Бу ном мангу қуёшдай яшар.

Бу ном билан асрий курашлар,
Революция топди зўр якун.
Одам, ҳаёт фалсафасига
Ленин номи тийран бир мазмун.

Бу ном бўлди исёнга мадад,
Бало тоғи емирган бўрон.
Бутун қалбга қуёшдай сингди
Ва яшарди нур олиб жаҳон.

Партиянинг ирода йўли
Ленин фикри билан мустаҳкам.
Партияни деганда Ленин
Сиймосини кўрдик мужассам.

Бутун халқлар қалбида Ленин,
Қўшиқларда, соз, эртакларда.
Гузал баҳор нафасида у,
Ниҳол, ғунча ва куртакларда.

Ленин зеҳни бутун ишимиз,
Ҳаётимиз йўлига асос.
Баҳт йўлини ёритган қуёш,
Муҳаббат ва зафарларга хос.

РОССИЯМ

Ватан дейман сени, Россиям,
Фахримга сен чиндан ярашиқ.
Сендан топдим ижод, насибам,
Сенга бўлдим азалий ошиқ.

Россия деб қилсан зикрингни,
Бол татийди доим тилимдан.
Унутмайман севги, меҳрингни,
Айрилмайман сендан, элимдан.

Кўрсатдинг сен иқбол йўлини,
Қучоғингда қолай умрбод.
Сен ўстирдинг, тутдинг қўлимни,
То тирикман қиласай сени ёд.

ОНА

Она жоним, наинки жон, жаҳонсан,
Меҳринг яшар қалб уйида бир умр.
Қамолотга етакладинг ардоқлаб,
Шафқат билан боқдинг, кўзларимда нур.

Сенинг ҳар бир нигоҳингпинг мазмунни
Саодатим, истиқболим сувратлар.
Она демак,— ҳаёт демак, муҳаббат,
Бутун борлиқ сени деяр, ҳурматлар.

Туғилганда йиғлаб кўрдим дунёни,
Сен ўргатдинг мени кулгига шунда.
Тонгга қадар айтган ширин аллангнинг
Ҳарорати кетмас, қалбим тўлқинда.

Сени деса, кўкка етади бошим,
Сени десам, порлар ҳаёт чироғи.
Сен пок юрак, хазони йўқ чамансан,
Жўшқин қўйинқ, асл шеър булоғи.

* * *

Ихтиёрим бұлсайди, эркам,
Қилар әдім сени ихтиёр.
Ихтиёрим сенга боғлиқдир,
Қилолмайман ҳеч қачон изҳор.

Софинганда йүлингни пойлаб
Чиққанимни билмай қоламан.
Учрашганда дов бермас юрак,
Бир сүз демай үйга толаман.

Сени эслаб **оҳ** урганимда,
Пұлиқаман таъна тошига.
Аҳволимга қулғанлар шаксиз,
Билар эди тушса бошига.

Самоларга талпинар әдім,
Кошки менга бұлсайдинг қанот.
Ұзинг дединг менга неча бор:
«Хижрон ғами бизлар учун ёт».

ОЗОДЛИК ҚУИЧИСИГА

«Атоқли әркпарвар шоуир Файз Ахмад Файз Тошкентда бұлиб үтгап Осиё ва Африка мамлакатлари Конференциясидан юртига қайтганда, уни Покистон реакционерлари қамоққа олдилар...»

(Газета хабаридан)

Қүёш сари отган нигоҳинг
Тұса олмас ҳеч қандай қудрат.
«Тинчлик» деган у үтіли оҳинг
Нажот йўлин очар, Файз Ахмад.

Баланд турма зах деворига
Қалб қонидан битибсан құшиқ.
Озодликнинг тонг наҳорига
Кўз тикибсан, бўғолмас тўсиқ.

Эрк деган у ҳақли фарёдинг
Тингламоқда эркесвар жақон.
Диллардадир фикр ва ёдинг,
Сен биз билан, дўстим, ҳар қачон.

Таёқ, занжир ва қонли кишан
Иродангни буқолмас асло.
Фоянг — қүёш йўли, нур, чаман,
Маҳв этолмас ҳар ранжу бало.

СОФИНИШ

Узоқдасан, соғиниб баъзан,
Кўкда сузган ойга боқаман.
Ўхшатолмай на ой, юлдузга,
Ҳижъронингда дилни ёқаман.

Кумуш тонгда сайр этиб чаман,
Чиройингни сўроқлаб ўтдим.
Лабинг сирин ғунчалар аста
Шивирлади — қулоғим тутдим.

Сувда қуёш жилvasи каби,
Қўзларимда ўйнап суратинг.
Қарорим йўқ, заррача бардош,
Асир этмиш соф муҳаббатинг.

Тополмагач, сени ҳеч ердан —
На лолазор, на бўстон, қирдан,
Ночор боқиб дил кўзгусига,
Кўрадирман яққол аксинги
Ва тиіглайман майин сасинги.

ҚУЕШ ҚАДАР БАХТ

Сенинг ишинг билан яшар
Күёш қадар баҳт-иқбол.
Йұқдир завол,
Йұллар ойдин, шан.
Бугундан ҳам гүзал истиқбол.

Сен халоскор,
Очдинг үзинг
Октябрь дарвозасин,
Эшиттирдинг ер шарига
Саодат овозасин.

Эшиттирдинг «Аврора»нинг
Қудратли зүр залпини.
Бирлаштирилген бугун халқтар
Хароратли қалбини.
Сен одамни азиз қылдинг,
Яшиаб кетди зүр ҳаёт,
Юксалтирилген ойга қадар,
Бизга бериб нур қанот.

Сени десам, меҳр билан
Ленин тутар құлымдан.
Сени десам, гул-лолалар
Унар юрган йұлымдан.
Сенға бұлғап халқтар меҳри
Күёш каби сүймайди.
Сени айтиб күйлагап
Құшиқтар ҳам ұлмайди.

МАЙЛИ

Майли, мени қилгин иитизор,
Ою йиллар беқаій йұлингга.
Майли, сенға арз қиласай минг бор,
Истасанғ ол қалбни құлингга.

Майли, ёқсін үтли ҳижронинг,
Ишқ үйлида бұлай овора,
Майли, парво қымасдан жоним,
Дардимга хеч топмагин чора.

Майли, бирор ташласа назар,
Қийнаб мени, рашкимни ошир.
Майли, олмай ҳолимдан хабар,
Күрганингда ой юзинг яшир.

Майли, қылсанғ мени саргардон,
Бошға солсанғ ҳисобсиз жафо;
Лекин жафо тугалиб, жонон,
Ахир бир кун қиласан вафо.

ЁШЛИК

Олтин ёшлиқ, гүзәл, бебаҳо,
Сен, демак бу,— тонгнинг жилvasи.
Хаёлимдан чиқмагай асло
Болаликкынг шириң нашъаси.
Сени күрдим яшноқ чаманда,
Гүнчаларнинг табассумида.
Сен, демак бу — мангулук ханда,
Ёшлиғимнинг ҳар бир зумида.
Сени эслаб хаёлга толдим
Жұшқын анҳор, сой бўйларида.
Сени күрдим ва тинглаб қолдим
Булбулларнинг шўх куйларида.
Ипак қанот капалакларнинг
Қанотида сенинг аксинг бор.
Тоза умид ва тилакларнинг
Мазмунида бўлдинг барқарор.
Рубобимда тирик қўшиқсан,
Қўз ўнгимда қиласан парвоз.
Сен лирика, шеърга тўлиқсан,
Сенсан баҳор, сенсан сарин ёз.
Бизнинг ёшлиқ топажак камол,
Ардоқловчи баҳт унга доя.
Иўллар ойдин, гүзәл истиқбол.
Таърифи зўр, бўлмас ниҳоя.

ВОЛГА ХОТИРАСИ

Эй, узоқ кечмишнинг жонли гувоҳи,
Россия шуҳрати, қадрдон Волга.
Бағрингда мазлумлар фифони-оҳи
Тингланди кўп йиллар беомон Волга.

Асрий сирлар билан тулиб ва тошиб,
Оқасан ҳайқириб, эй, азим дарё,
Биллур тўлқинларинг қирғоқдан ошиб,
Биллур томчиларинг сачратар зиё!

Бурлаклар зорининг садоси, акси,
Нажот соҳилига етолмай сўлди.
Туну кун тинмаган аламли саси
Репиннинг қалбига тийрак из солди.

Ўтмишда сафобахш сабза қирғоқлар
Золимлар кайғига бўлди кенг макон.
Эсимда, бағрингда қопли ирмоқлар
Оққани, зўр тарих, ғарип бир достон.

* * *

Бугун мен сайд этиб, қирғоғиңг қучдим,
Шодликлар мазмуни құшиғиңг бошқа.
Бахмал соҳилингда үзни овутдим,
Түш уриб оқасан қояга, тошга.

Гитара қилларин ўйнаган қизлар,
Қайиқда сузади ойли тун, оқшом.
Күксингга чүккандай күқдан юлдузлар,
Фусункор шұхлиги қилур дилни ром.

ГЭСлардан оқмоқда ҳар ёи шуъла-нур,
Олтин қирғоқларда кезгандай Ильич.
Ижодкор авлодни күраркан магрур,
Бахт сари етаклар ҳар эрта-ю көч.

ЛЕНИН ШАНБАЛИКДА

Хаёт қайиоқ. Кремль бедор,
Ленин чиқди ёруғ хонадан.
Қуёш боқди қаршилаб наҳор,
Күк гумбази — юксак поядан.

Қаршисида олам-олам иш,
Шанбалик деб урди құлини.
Бу құлларки, буюк курилиш
Ва хаётнинг очди йұлини.

Дүстлари-ла кутарди ёғоч,
Шунда құкка етди бошимиз.
Меҳр билан очди кенг қулоч,
Меҳнатсевар, чин йұлдошимиз.

Шу ёғочдай кутарди құлга
Бахтга тұла янги жаҳонни.
Шуълаларни тұлдирди дилга
Ва яшнатди ҳар бир маконни.

Еғоч эмас, Ленин құлида
Кұтарилди ёрқин келажак.
Халқлар борар унинг йұлидан,
Қуёш каби мангудир демак!

ЛЕНИН

(1920 йил хотираси)

Кремлда оддий хонада
Доҳий Ленин чекар зўр хаёл.
Фикри тийран, қўл пешонада,
Хаёлида ёрқин истиқбол.

Харитага маъноли кўзи,
Гавдаланар бутун кенг жаҳон.
Гоҳ Кавказда, Сибирда ўзи,
Дўстлари·ла юради шодон.

Чапаевни кўриб Уралда,
Қояларга қайраган қилич.
Душман мағлуб, разил аҳволда,
Барчасини кузатар Ильич.

Харитага ташларкан нигоҳ,
Жонланади кўҳна Туркистон.
Ўт ичидан кўринар ногоҳ
Мард Фрунзе ғолиб қаҳрамон.

У кезади, қуёш душмани —
Босмачини суриб адамга.
У кезади, Совет ватани
Буркансин деб мангу кўкламга.

Фрунзе шод кезади мағрур,
Революция қуёшин бошлаб.
Ҳар бир юрак, ҳар хонага нур
Бахш этиб, зўр қадамин ташлаб.

У истайди: ҳар бир вайрона
Яшиасин ва бўлсин гулистон.
Гуллар солсин бошларга соя,
Булбул бўлсин, деяр ғазалхон.

Харитадан кўз узмай устоз,
Фрунзега кўрсатар оқ йўл.
Зафар сенга бўлсин пешвоз,
Дея, меҳр билан берар қул.

ОНА АЛЛАСИ

Нақадар сермазмун
Бу жұшқин ғазал!
Ойдин кечаларнинг бор ҳикояси;
Алла замирида севги муфассал,
Оналик меҳрининг йүқ ниҳояси.

Бу құшиқ умрнинг илк баҳорига
Севги-ла құшилған бир олтин варап.
Бу құшиқ пайванддир юрак торига,
 Юрекки, беғубор, лола ранг шафақ.

Бу құшиқ камолот сари бир қанот,
У она қалбининг иқбол парвози.
Бу құшиқ сатрида мангалик ҳаёт,
Шириң умидларнинг жарангы, сози.

ҒАНИМАТ ДАМЛАР

Меҳнатимиз самараси қолмагай ерда,
СҲМ кўзларидан ўчмас ёниқ нур.
Иқболимиз ифодаси ҳар инжу, терда,
Шу эмасми зотан бизга бойлик ва фуур.
Кунлар келар, қуёш ташлар эриниб нигоҳ,
Илтифотсиз тағофилга соладир ўзин.
Пахтазорда бизлар билан бўлолмай ҳамроҳ,
Гоҳ кўриниб, гоҳ узоқдан ўйнатор кўзин.
Қўлдан кетса қуёшли кун, қимматли дамлар,
У дамларнинг ачиқ бўлиб мазмун қиссаси.
Вақт ғанимат, илгарига ташланг қадамлар,
Пахта териш кўпчиликнинг иши, ҳиссаси.

ОЛТИН КУЗ

Яшил дала, поёңсиз водий,
Халқ бойлиги битмас хазина.
Шу бойликнинг иштиёқида
Саф чекмишдир сонсиз машина.

Елкан каби урадир жавлон,
Ҳар бўлаги қалб торига банд.
Бункер тўплаб, қамраб бир нафас,
«Оқ олтин»ни уяжак баланд.

Машинанинг суръат, кучидан,
Турсунойнинг тетик боқиши.
Акс этмоқда водийлар бўйлаб,
Иродаси ва улуғ иши.

Қуёшнинг кенг дастурхонида,
Чаноқларнинг тўлиқ кўрки бор.
Ижодкор халқ куч, маҳорати,
Шу гулшанда топмиш барқарор.

Техниканинг буюк қудрати,
Далаларга бошларкан ҳужум.
Ҳосил тоғи кўтаради қад,
Бекор ўтмай ҳар бир олтин зум.

ЛЕНИН КЕЛДИ

Чайқалади Нева беором,
Апрель ели эсмоқда шошқин,
Туман билан бурканган оқшом,
Халқ түлкини оқмоқда жүшқин.

«Ленин келар эмиш», деган сүз
Қалбга сингган, тилларда такрор.
Зориққан ва умид тұла күз,
Дүстін кутар юрак бекарор.

Йұлға чиққан үйноқи еллар
Бир томонға қараб шошади.
Йұлға чиққан қадрдан әллар,
Севинчлари күкка ошади.

Миллион күзлар доңиң йұлиға
Боққан, ҳамма кутар интизор.
Ол байроқни тутиб құлиға,
Йұлға чиққан ҳатто нағбаҳор.

Оқшом чүкди туманни ёриб,
Ер силкитиб келар паровоз.
Нур ичида поезд оқариб
Күринди ва янграб кетди соз.

Янграб кетди замину замон,
Күкка үрлаб «Ура» садоси.
Ленин келди, гүё бир жақон,
Халқ орзусы ва ошноси.

Ленин келди, порлади қуёш,
Мангуликка чекинди зулмат.
Ленин бўлди ишимизга бош,
Парчаланди эски дунё-тахт.

Ҳаёт қайнар, вокзал ҳам гавжум,
Ленин боқар дўстларга масур.
Қўзларида меҳр, табассум,
Оқмоқдадир ҳар ён шуъла, нур.

Чиқиб олди броневикка
Ва кўтарди баланд қўлини.
Қоматини кўтариб тикка,
У кўрсатди бахтнинг йўлини.

ЯШНАГАН ШАҲАР

(*Марғилонга*)

Ипак шаҳри дейдилар чиндан,
Ипак каби товланар ҳар кун.
Юлдуз учиб тўкилган дейсиз,
Чароғон ва майниндир ҳар тун.

Саноатнинг эсган нафаси,
Оҳ, нақадар дилга роҳатбахш.
Қад кўтарган шинам бинолар,
Шаҳар кўрки музайян, дилкаш.

Фонтан ўйнар сочиб дурдона,
Мармар ҳаво берадир ором.
Атлас каби ранг-баранг чироғ,
Жилваси зар ҳар сафар оқшом.

Ҳусн қўшди шаҳар ҳуснига,
Халқим ўзи бўлиб ижодкор.
Қўрган дейди: шу кенг чаманда
Мангу қолмиш фусункор баҳор.

ОТА ФАХРИ

(Қахрамоннинг отаси Алексей Иванович Гагариннинг сўзидан)

Не-не фарзанд бордир дунёда,
Кизартирап ота юзини.
На унда бор номус, ирода,
Бурди бўлмас ҳатто сўзининг.

Чин юракдан қувонмай нечун,
Кўкка менинг кўтарди бошим.
Коммунистик бурчими бугун
Бажо қилди — яшарди ёшим.

Фан қанотин боғлаб белига,
Парвоз қилди сирли фазога.
Шон-шуҳрат олиб элига,
Омон келди ёруғ дунёга.

Мард Юрамни ўстирган бу халқ
Қўймоқ истар доим бошига.
Олқишлигарга қилиб уни ғарқ,
Келмак истар ҳамма қошига.

Баҳор олиб келган булбуллар
Юрам учун бўлди ғазалхон.
Севинчларга тулган кўнгиллар,
Космонавтни йуқлар ҳар қачон.

Шундай жасур фарзандга падар —
Бўлганимга ортмоқда фаҳрим.
Ижодкор халқ билан баробар,
Очилмоқда кўнгил ва баҳрим.

ДОВЮРАҚ ГАГАРИН

Фазога элтдинг сен Ленин ғоясин,
Эй, оддий граждан, оташин юрак!
Коммунизм асрииңиг әқл, идрокин
Космосда айладинг тантана, безак.

Күз очиб юмгуича қылган парвөзниң
Сирлар оламига очди нурли йўл.
Ҳар секунд тинглади жаҳон овозиниң,
Кониот багрига сен узатдинг қўл.

Олтин шуълаларин бошингга сочди,
Пешвоз чиққанда йўлингга Офтоб.
Зуҳро, Ой қаршилаб қучоғин очди,
Мағрур бир нигоҳ-ла, айладинг шитоб.

Сен келдинг мавжудот дунёсин бир зум
Ва лекин асрлар босдинг илгари.
Ўйнатди юзида ҳайрат, табассум,
Сенинг шижаатинг кўриб эл бари.

Сен учдинг, сен билан ақл, тафаккур,
Бирга парвоз этди умид ва хаёл.
Офарин, ижодкор, довюрак, жасур,
Фазода сен очдинг порлоқ истиқбол.

БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ...

Неча ойким, йулларингга боқдим нигорон,
Келгин баҳор, лолазорда мени адаштири.
Сенинг бахмал оғушингда кезайин шодон,
Чиройингга интизор бу кўзим қамаштири.

Типчликсевар, озод эллар чаман боғида
Сайр айлаган қалдирғочлар билан бирга кел.
Булбулларинг шеър ўқисин гул бутоғида,
Далаларга, водийларга, бахмал қирга кел.

Шафтолининг гулларида ҳусну жамолинг,
Тўй-томуша қилай сени ойдин кечада.
Гўзаллигинг ҳикоясин, тоза висолинг
Кўрай сулув қизғалдоқда, боғу боғчада.

Кел, рубобим торларига завқ айлагин бахш,
Ватанимнинг кўрку файзин чертай басталаб.
Зумрад барглар моҳир қулинг билан топсин нақш,
Шабнам ювиб кумуш тонгда ғунча очсин лаб.

УЧ РУБОИЙ

I

Ҳаёт бор, севги бор ва севимли ёр,
 Бу эса инсонга фазилат, даркор.
 Севгининг энг юксак агадийси шу:
 Ватанин севмаклик керакдир минг бор.

II

Туғилган чоғимда йиғладим тұлиб,
 Бошқалар әркалаб бұлдылар күп шод.
 Умр үтди, кетяпман мамнун ва кулиб,
 Кулганлар йиглашиб қылур мени ёд.

III

Иморат қийшайса құяр тиргович,
 Шу йұлдан үзға бир чора бұлмас ҳеч.
 Қаридим, йиқилиб кетмайин дея,
 Асога суяниб қолдим эрта-кеч.

ҚОРАҚУМ ҚАНАЛИГА

Нақадар кечмиши мудҳиши бу чўлнинг,
Бурон зўр, барханлар учади бир зум.
Йўловчи адашар, карвонлар барбод,
Офатдай эсади баъзида самум.

Одам тополмасди борар йўлини,
Лаб ташна куринар узоқда сароб.
Қумлар қизиб оқар лағча чўғ бўлиб,
Югурадар тўрт ёққа олов ва гирдоб.

Қуш учса қаноти куйди питирлаб,
Дарбадар йўлчининг ёнди оёғи.
Асрлар адашиди, ачтарди иносон,
Нажот соҳилининг бўлмай сўроги.

Бир томчи сув дея кечдилар жондан,
Хаттоки топилмас эди сардоба.
Нафаслар бўғилар, ер ва кўк оташ,
Ҳаёт оғир эди, юпун, хароба.

Ўша чўл ва ўша кўҳна Қорақум —
Канал жилваланур зўр кумуш камар.
Лоларанг шафақдан кўтариб бошин
Куёш кокилларин ювар ҳар саҳар.

На самум, сардоба ундан йўқ асар,
Қуш учса куймайди асло қаноти.
Иносон қисматидай бутуни ўзгармиш
Чаманига айланди чўлнинг ҳаёти.

Канал соҳилида гуллар барқ урар,
Булбуллар сайдайди, тинмас ғазалхон.
Қорақум саҳросин яшнаб чиройи,
Уфққа туташган пахтазор бустон.

Қайиқда сайд этсанг Чайка йўл бошлар,
Тўлқинлар элтади баҳмал боғларга.
Тўлқинлар элтади ёргу кунларниг
Ижодкор авлоди дўст, ўртоқларга.

ҚАРДОШ ТУРКМАН ХАЛҚИГА

Қардошлик тарихимиз жүшқин Амудан узун,
Бахмал соҳилларда яшаб келдик ёнма-ён.
Еру дўстлик қиссаси тугамас ҳаддан фузун,
Фаҳрлансанак арзийди қуёшдай халққа аён.

Революция йиллари бир бало-офат бўлиб,
Диёринг босганида талай ётлар шум оёқ,
Сен билан бирга бўлиб, нафрат-ғазабга тўлиб,
Душманни мажақладик бирга ушлаб ол байроқ.

Ётларинг шайкасиши Қизиларвот чўлида
Омон бермай аёвсиз қылганингда тор-мор,
Сен билан бирга бўлди ўша оғир жангларда,
Ёш партизан Ҳамза ҳам курашди мардонавор.

Агитпоезд чопарди барханлар оша узоқ,
Ҳамза ҳушёр туну кун қўлда қурол, гоҳ қалам.
Туркман халқин баҳтига чанг солувчи ётларни
Қориштириди тупроққа жабҳада туриб маҳкам.

Бошимизга қор ёғса биргалашиб курадик,
Бирга тортдимиз дадил оғир йиллар жафосин.
Тинчлик йўлида асло унутмагай умрбод,
Ўзбек халқи Туркмандек қадрдан ёр-ошносин.

СИРДАРЁ

Сирдарё деб аталур номинг,
Аммо сенда заррача сир йўқ.
Фаровонлик сари хироминг,
Яхшилиkdir, қалбингда кир йўқ.

Азминг сени боги-бустонлар,
Қароргоҳинг йул-йула гулшан.
Пешвоз чиқар саҳро, сайҳонлар,
Ҳар қадаминг жаннат ва чаман.

Сахий дарё, шўх оқар дарё,
Сендан чиқар зилол ирмоқлар.
Ташна лаблар топгуси даво,
Жон бахш этар бахмал қирғоқлар.

Шу азамат ўлкам белига,
Ярашасан зўр кумуш камар.
Меҳнатсевар совет элига,
Берардинг сен тўқликтан хабар.

Ғўзаларнинг томирига қон,
Етказасан куч-қувват, мадор.
Олтии тупроқ танидаги жон,
Она дарё сутдек бегубор.

Манзил олис, тўлқинларнинг зўр,
Водийлар тор кенг қучогингга.
Бағринг сени роҳат ва ҳузур
Ҳамма мафтуи ой ёногингга.

Қучогингда Ильич чироги,
Ҳар маконда ёнди беҳисоб.
Сен яшиатдинг халқларнинг борин
Ҳар бир чироқ бўлди бир офтоб.

Фаровошлик манбаи дарё —
Дил ўйига ёғдирибсан нур.
Багишлаган қўшиғим асло
Тугамайди сепга бўлиб жўр.

ҚҰЗЛАР

Ешлик экан, кездим лолазорларда,
Бахмал адиrlарда ясландим танқо.
Сочимни тортқилаб, үйнаб наҳорда,
Муаттар ҳидларни тарқатди сабо.

Бедага, какликка құярдим тузоқ,
Үйнагим келарди құш боласини.
Құлимга олардим тикилиб узоқ,
Үпардим, севардим күз қорасини.

Тирмашиб чиқардим тоққа, қояга,
Шұх оху бұларди мунис ва улфат.
Одимлар ташлардим мармар пояга,
Олқорлар чопарди навбат-банавбат.

Ииллар үтди, э воҳ, болалик үтди,
Үтдилар хаёлдай у олтин нафас.
Йигитлик меҳри-ла құлимдан тутди,
Узоқда қолдилар енгил ишқ-ҳавас.

Ҳавасим құшларнинг күзига мафтун
Термулиб боқардим сира құймағдан.
Құзи ва охуни қувлаб туну-кун,
Қийғоч боқишига асло түймасдан.

Ү күзлар, охулар кетдилар ташлаб,
Ешлигим, ғурурим, қадрим билмасдан.
Билмадим, охирі ҳижронга ташлаб,
Ҳавасим, инқимни күзга илмасдан.

Йигит бұлиб үсдим, эй севимли ёр,
Юракка нақш солди үтли нигоҳинг.
Бу энди ҳавасмас, күнгил беқарор,
Құплар дер у күзлар юрак ҳам розинг.

Биламан, бу күзлар ташлаб кетмайди,
Мазмұни, ҳар сатри меҳри-ла вафо.
Бу күзлар таърифин ёзсан битмайди,
Ҳаётим борича менга дүст, ошно.

УЛУФ ПРОГРАММА

Асрлар тополмай нажот соҳилин,
Мудҳиш гирдобларда топталган инсон.
Яққол кўра олди ҳаётин йўлин,
Улув Программада келажак ва шон.

Программа, бу демак, Лениннинг тили,
Коммунизм тонгиннинг акси мұқаррар.
Бу демак, халқларнинг орзуси, дили,
Мақсадга етаклар партия раҳбар.

Бунда бор чин дўстлик, вафо, муҳаббат,
Кишилик тақдиди инсон мұхтарам.
Бунда бор қуёшдай илиқ ҳарорат,
Лениннинг севгиси, меҳри мужассам.

Программа сатрининг мазмуни тийран,
Бу демак, баҳтимиз ёзилган китоб.
Бу демак, босажак йўлимиз чаман,
Қалбларга нур сочган Ленин офтоб.

КЕТМА

Боқма жошым баъзап ҳоргин,
Ва пойма-пой сұзимга.
Бари аён сен учун чин,
Диққат этгил күзимга.

Интизорлик изтиробин
Қаттиқ тортган бу күзлар.
Үтли ҳижроннинг азобин,
Бошга ортган у күзлар.

Согинганда сени излаб,
Йиғлагайман узоқ тун.
Қандай қилиб, эй шакар лаб,
Күзимда бор ишқ, учқун.

Юракда бор дард-алам,
Күзларимдан үқиб ол.
Агар раҳминг келса санам,
Күз ўнгимдан кетма, қол.

ШУНДАН БЕРИ

Қүёш билан кириб хонамга,
Сен бахш этдинг күзларимга нур.
Етакладинг ҳаёт, оламга,
Билдим алам нимадир, ҳузур.

Чаманларга бошладинг ўзинг,
Давра қурдим гуллар базмида.
Оҳ, юракка қадалди кўзинг,
Шундан бери сени измингда.

Ақл-ҳушим олиб кетдинг ром,
Охирида қилмай наззора.
Ишқ майига тўлган биллур жом,
Қўлга бердинг бўл деб овора.

Шундан бери оворадурман,
Шундан бери бўлдим ғазалхон.
Юракда бор ўт ёнадурман,
Севги ҳаёт, шириндир ҳижрон.

ШОИР ШЕВЧЕНКОГА

Қалбингда вулқон каби ёнди исён олови,
Сен истадинг шамширдай бўлсин фоя, тафаккур.
Сен истадинг порласин эрк, адолат ялови,
Дединг: ҳаёт қолмасин шу зайлда бир умр.

Орол бўйида кезган гарниб қозоқ қизининг,
Истадинг кипригига қўунмасин ғаму фусса.
Сен билан бирга чеккан ҳасратли қўбизининг,
Торларига боғладинг юрагингдан куй-қисса.

Днепр соҳилидан учиб келган оққулар,
Олиб келдилар баъзан дўстларингнинг саломин.
Ҳижронига тасалли бўлди ширин туйғулар,
Ўтказдинг армон билан талай ғурбат оқшомин.

Қўбизингга жўр бўлди Аму ва Сир — шўх дарё,
Жарангдор қўшиқларинг оқиб кетдилар узоқ.
Дарбадарликда сенга макон бўлди қум-саҳро,
Парчалади қалбингни ёр ишқи — ҳижрон-фироқ.

Дардкаш ҳазин қўшиғинг, жўшқин торидан мудом,
Яшнади келажагинг, дўстларинг муҳаббати.
Парвоз этар, эй шоир, үлка бўйлаб субҳи шом,
Туғишган севган халқинг чин қалбдан ҳурмати.

ЖАВОД ҚҰЧИЕВГА

Гүёки афсона қаҳрамонидай,
Хар куни пахтадан тоғ ясар Жавод.
Тор келиб далалар жасоратига,
Кенг уфқ үйл бериб чекинмакда бот.

Тараддуд отига мингап издошлар,
Құчиев чарх урган катта тұлқинда.
Шуълалар құйнида оқар тұхтамас,
Жамғарар бойликни ҳаттоки тунда.

Интилиш, зүр умид билан тепмакда,
Хар юрак улуғ түй иштиёқида.
Зарбдор күнларнинг завқи-ла мағрур,
Хар чаноқ теримчи күз қарогида.

Баҳслашган қызларнинг номи йигитлар,
Меңнат дафтариға бұлды сарлавxa.
Тараддуд бошлаган ошиқ-маъшуқлар,
Улуг айём учун бұлсın деб, совға.

Олтин куз құйнида чолу кампирлар
Тараддуд бошлаган аллақачонлар.
Түй учун атаган олма-узумни,
Сархилин осибди гүё маржонлар.

Тараддуд ҳар кимда, ярим асрнинг
Шұхратип жаҳонга қымкоқ овоза.
Коммунизм даврининг йилномасини
Фаҳр ила тасвирлай мен ёза-ёза.

ГУЛ

Саҳрода, адирда ёки кенг қирда
Мағрур чеҳра билан очилган эй гул.
Назардан ҳоли ва кўп узоқ ерда,
Бўлсанг ҳам кўп савдо бордир, яхши бил.

Балки сени тортқилар, чанг солур бўрои,
Эзилиб қолурсан оёқ остида.
Табиат кураши бермагай омон,
Эҳтимол бўладир жонинг қасдида.

Сен каби гуллар куп, яшар боғимда,
Хавфи йўқ, хатар йўқ, бало-оффатдан,
Авайлаб туну кун кўз қарогимда,
Үстириб қалб меҳри ва ҳароратдан.

Қиши бўлса мен билан бирга хонамда,
Рубобим торида ва таронамда.

ҚАЛДИРФОЧЛАР

Күнлар үтди, келди олтин куз,
Барглар сариқ, гүёки шуъла.
Қалдирғочлар жануб томон күз
Тикиб қолди, қалбда ғулғула.

Қетасизми күп узоқларга,
Қоламанми ёлғыз хонамда.
Мени ташлаб ғам-фироқларга,
Ким парвона бўлур ёнимда.

Баҳор билан келганингизда
Тўлган эди менинг қучофим
Чулдирашиб кулганингизда,
Яшнаб кетди гулшаним, боғим.

Меҳрим бериб бўлдим ҳамхона,
Үйим бўлди сизга ошиён.
Ҳажрингизда ёна ва ёна,
Қолсам айтинг келасиз қачон?

Етказингиз илиқ саломим,
Силаб-сийпаб макон берганга.
Тинчлик деган тийран қаломим,
Айтинг дўстга ва қадрдонга.

Софинтирмай келингиз тезроқ,
Өсон эмас күп узоқ кутиш.

Хонадон бүш, очгацман қучсқ,
Кечиксангиз чекаман ташвиш.

Дүстлик ҳаққи, эй қалдирғочлар,
Күзларимни қымай нигорон.
Банд этдингиз боқиб қийғочлар,
Сиз әмасми дүст ва қадрдон.

У ҚАРАШ

У қараш сирли нигоҳ,
Мазмуни менга аён.
Боқмасанг на қилай, оҳ,
Қийнайди дарди ниҳон.

Шоир бўлсам эди ёр,
Ёзар эдим боқишинг.
Бунча шўх ва фусункор,
Юракка ўт ёқишинг.

Ўйлаган ҳар бир сўзинг,
Қарашингдан биламан.
Жонга қасд этса кўзинг,
Амрига бош эгаман.

ҚҰЧАЛАР

Узоқ манзил гузаргоҳи яққол құчалар,
Бундан үтган катта карвон жасур нечалар.
Бундан үтган умр йұли кураш-инқилоб,
Еғду сочиб етаклаган олға офтоб.

Кұчаларда узоқ кездим ва адашмадим,
Мақсад сари интилдиму лекин шошмадим.
Бу құчалар масофаси юрсанг күп узоқ
Дарё, сойдан сузиб үтиб, кечасан ирмоқ.

Бу құчалар охири кенг ва сароб әмас,
Тоғлар ошиб сув кечсанг ҳам ҳеч азоб әмас.
Бир замонлар құшиқ айтиб, ол байроқ ушлаб,
Үтиб кетдим құчалардан зұр қадам таштаб.

Бу құчадан қисмат излаб ота-оналар,
Дарбадарлик күйіда күп кичик-катаалар.
Борар йұлин билмай ҳар ён бўлиб овора,
Баъзиларнинг оғир кечмиш бағрини ёра

Қилган эди бу құчада зор-саргардон,
Бир нечалар үтди топмай дардига дармон.
Бу құчада сұқмоқлар күп, юрган толади,
Билиб юрсанг қийин йұллар ортда қолади.

Бу құчалар ҳаммаси ҳам қадрдон, таниш,
Шу құчадан бошланғанди севги ва ташвиш.
Құшни қизни кутганларим ҳамон әсимда,
Гулдасталар тутганларим ҳар он әсимда.

Түлин ой ҳам күчаларда бирга чопишган,
Йигитликнинг шўхликлари қайнаган, тошган.
Чаманларга ўтиб кетдим гул тўплагани,
Боғ сайрига дўстлар билан май ҳўплагани.

Ёшлик экан қўшифимни акси садоси,
Кўчаларни тўлдирганди қувноқ навоси.
Қучоқ очиб ардоқлаган кўҳна қадрдон,
Босиб ўтдим, йўл кўрсатдинг курашга томон.

Сендан ўтдим, узоқ кетдим, толмадим, чопдим.
Ҳаёт йўли етаклади, баҳтимни топдим.

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚУТЛАБ

Үтди ойлар, саноқли күнлар
Шириң дамлар фироги қолди.
Бир йилликка ясаб якунлар,
Улкан ҳосил салмоги қолди.

Умр каби эй ўткинчи йил,
Етти йилни қилдинг сарҳисоб.
Нечун энди қувонмас кўнгил,
Сермазмундир ҳар йил бир китоб.

Бу китобда Лениннинг ўзи,
Тузиб берган кенг мундарижа.
Ҳар сатрида истиқбол сўзи
Даҳо фикри ва улуг режа.

Етти йилнинг юкин елкага,
Дадил олди меҳнатсевар эл.
Довруғ солди бутун ўлкага,
Зафар қучди маҳкам боғлаб бел.

Эй эски йил сахий қадрдон,
Хайр сенга, эй, олтин бисот.
Янги йилга солиб дастурхон,
Янги режа ва янги ҳаёт —

Билан улкан ишларга қадам,
Қўймоқ учун кўтарамиз жом.
Бўлсин доим ғалаба ҳамдам,
Шириң онлар кечсин, хуш айём.

ЕР ВА ИНСОН

Кўп миллиард йил сайр этган
Жафокаш кекса курра.
Қуёш ишқида куну тун,
Чарх урасан бир карра.

Парвонадек қалбингга
Соласан ўт, ҳарорат.
Шу орзу билан ишинг,
Ҳаракатинг давомат.

Қуёш сени юз тарап,
Меҳри уммон мураббий.
Шу меҳр билан сенинг
Умринг узун абадий.

Қуёш сенга беҳисоб,
Оташ ва нур туғса ҳам.
Бутун куч-қувватини
Бахш айласа, қилса жам.

Менсиз отмагай ҳаргиз
Сенинг ҳусни-жамолинг.
Мен билан топур равнақ,
Келажагинг, камолинг.

Бужурлигинг йўқолмас
Бўлмаганимда агар.
Мен орқали қоплайдир,
Бутун вужудингни зар.

Чунки азиз, мұкаррам,
Ижодкор, зүр инсонман.
Қодирман кучли тұғон,
Курашувчи исәнман.

Мен бұлмасам чиройинг,
Қоллар әди зулумот.
Мен бұлмасам, яшамас,
Сенда жонли мавжудот.

Мен билан тоғларингда,
Бордир салобат, виқор.
Сарф айладим кучимни,
Сенга бахш этдим мадор.

Шалола, дарёларинг,
Йұлин очган мен үзим.
Булоқларинг күзини
Ошиб-сочган мен үзим.

Тұрт фаслнинг қадрини
Оширдим қучоғингда.
Баҳор, ёзни етаклаб,
Олиб келдим бөғингга.

Құксинг гулшан бұлмасди,
Мен бұлмасам қорайиб.
Ҳамма дер: ёмби тупроқ,
Түккани-чун кумуш тер.

Мен бұлмасам бөғингда
Очилмасди лола-гул.
Мен бұлмасам қовжираб,
Қуриб қоларди буткул.

Тути, булбуллар учун,
Құчоғинг қылдым Ватан.
Мен туфайли оғушинг,
Яшнади, бұлди чаман.

Эй она Ер, қүёшга
Мен бұлдым дадил күпrik.
Боиси ҳәётингман,
Асло дема оғир юк.

Яшаш йўлини топдим,
Ва ундиридим парча нон.
Толеингга ёр бўлдим,
Кўнглимда йўқдир армон.

Тафаккур билан қаздим,
Бойлигинг бўлди бисот.
Мен бўлмасам бўлмасди
Жон эгаси ва ҳаёт.

Конларнинг калитини
Очдим, топди шуҳратинг.
Қисматимни ахтардим,
Зина бўлди ҳар қатинг.

Фаровонликни топдим,
Эй, кўхна ер, қадрдон.
Мен туфайли зўр қуёш,
Сени айлади макон.

КҮЛ БҮЙИДА

Оҳ, нақадар оғир ҳижрон оқшоми,
Баъзида ҳеч ёққа сиғмайди бошинг.
Йўқолур бир нафас юрак ороми,
Қийнаркан тинчимай тоқат-бардошинг.

Бир нарса йўқотган кишидай, кўп чоқ,
Енаман тутоқиб толаман ўйга.
Қоп-қора тун бағри кезаман узоқ,
Ниҳоят етаман кўк кўл бўйига.

Соҳилда қоламан ўйчан ва ёлғиз,
Кўтарган бўлур ой сувдан бошини.
Кўлда ўз аксини қиларкан кўз-кўз,
Ендириб юрагин ичу-тошини.

Тикилиб тўймайман кўрингандай ёр,
Бечора айғяпти тушини сувга,
Деб мени маломат қилгувчилар бор,
Ишонмаиг, бу гаплар мутлоқ беҳуда.

РАССОМГА

Эй ижодкор, нозик мүйқалам,
Рахмат, тийран заковатингга.
Чизган расминг кўрган ҳар одам,
Таҳсин ўқир маҳоратингга.

Зеҳн қўйиб ишлабсан аммо,
Кўрган киши мутлақ ишонар.
Туришимда севги бор, маъно,
Юрак ўти ўчмаган, ёнар.

Фам юкини кўтариб қолган,
Кипригимда ёш, интизорлик.
Хаммаси ҳам ўзича қолган,
Изтироб бор ва беқарорлик.

Суратимни кўрганилар айтар
Ўша ошиқ, уша бечора.
Ер кўйида бўлиб дарбадар,
Ҳали ҳам у ёлғиз овора.

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Муштоқ күзим, севинч ёшлари,
Бесабрсиз мунча беором.
Аямасдан қувноқ қалбимга
Қайғу-алам соласиз мудом.

Ер ишқида бекарорлигим
Күпдан бери сиз учун аён.
Хаммасидан ўзингиз огоҳ,
Мен шурликни қийнайди ҳижрон.

Ер васлига етишганимда,
Мендан олдин бунча шошасиз.
Киприкларим ҳўллаб, жуфталаб
Изтиробда қайнаб-тошасиз.

Севинчингиз, ҳаяжонингиз
Тўсар шунда нигоҳим, йўлим.
Ер васлига тўйиб боқолмай,
Доғда қолар бечора кўнглим.

ЮРАК БУ

Құлингни күксимга құйғин бир нафас,
Совуқ назар билан тортинма зинҳор.
Юрак бу, шишанинг синифи әмас,
Құлингни кесмайды, құрқмагил, әй ёр.

Яқин кел, бир йұла тинглагин розим,
Йұл берма, ұртага тушмасин ҳижрон.
Не дейди, қулоқ сол мунгли овозим,
Саркаш қиз, дунёда айрилиқ ёмон.

НАВОИЙГА

Кўзим қаросига эй улуғ устоз,
Мардум каби мангу қилгансаи Ватан.
Шеърият кўкида сен баланд парвоз,
Зўр қуёш меҳридан яратдинг чаман.

Шу чаманда сени севган авлодинг,
Баҳраманд бўлдилар, тердилар гуллар.
Туну кун ҳамроҳинг қилурлар ёдинг,
Утаркан асрлар ва узоқ йиллар.

Сен ташриф этмаган ҳеч бир хона йўқ,
Бахтлар водийсида, шу кенг диёрда.
Торингга мен каби бир мастона йўқ,
Булбуллар мадҳингда оқшом, наҳорда.

Рубобинг йиғлатган алам-савдони,
Ҳайҳот тинглаб ўтди у мудҳиш замон.
Дардингга тополмай кетдинг давони
Қалбингни қийнади ҳасрат ва армон.

Сен қилган умид ва ўшал орзуладар,
Бизнинг асримизда бўлди жилвагар.
Сенга завқ бахш этган ширин туйфулар,
Қиммат бисот бўлди бизларга қадар.

Шеърият, тафаккур, олтин сатрлар,
Қолажак биз учун ўтар асрлар.

* * *

Кечмишни ўрганиш катта маърифат,
Қуйманур одамлар йиллар, асрлар.
Бир парча тош, сопол учун зеҳният,
Сарф этиб очажак тарихий сирлар.

Топилса бир бўлак атиқа осор,
Бу бўлиб ўтган давр ишидан хабар.
Аммо у парчани топмаклик душвор,
Сарф этур одамлар заҳмат ва ҳунар.

Шеърият — қушиқни ҳеч ким ахтармас,
Қалблардан қалбларга тўхтамас, кўчар,
Минг йиллар ўтса ҳам тоза бир нафас,
Қуёшнинг нуридай сўнмагай, учар.

НОМИНГ БИЛАН

Сенинг номинг тилга олиб,
Шод қарадим дунёга.
Ижодимни ибтидоси,
Сан ўзингсан мазмуни.
Сенинг номинг пок севгига
Ва ўргатди вафога.
Юрагимда жўшар мангур,
Муҳаббатинг тўлқуни.
Халқлар бахтин тафсилини
Исминг билан бошладим.
Чунки муштоқ излаганга
Исминг узи баҳт демак.
Сен яратган кенг гулшанга
Дадил қадам ташладим.
Сенинг йўлинг маҳкам тутдим,
Дўстлик рамзи аҳд демак.
Сен яратган ҳайёт йўли
Келажаги чароғон.
Бас, бу йўлда нур қўйнида,
Инсон мутлақ адашмас.
Тафаккуринг йўлчи юлдуз,
Уфқ гулшан, хиёбон.
Қуёш меҳри билан бизни
Килди доим ҳамнафас.

ЗУҲРО ЮЛДУЗИГА

Ҳар тонг деразамдаи аста муралаб,
Соҳир нигоҳингни ташлайсан Зуҳро.
Қалбимга кирасан майин оралаб,
Бу чирой олтиими, ё тонгдай нуқра.

Билмайман, кетасан ташлаб хилватга,
Орқангдан суқланиб боқади қуёш.
Шунчалар ҳижронми, тўймай сухбатга,
Висолинг кўйида қолмайди бардош.

Йиллар ўтиб кетди шу одат такрор,
Шамъи умидим ёнди кенг бўсағандга.
Юрак, бўласан энди токай беқарор,
Орзулар ушалди зур масофандга.

Тафаккур карвони коинот йўлин
Забт айлаб етказди совға бебаҳо.
Тонг қизи инсоннинг қудрати, қўлин
Қабул эт бу сенга меҳр ила вафо.

ЮРАҚ ТУТУНИ

Ёшлигімни билғанлар айттар,
Бола әдинг, ұжар, асабий.
Күлөгінгі кирмасди аксар,
Шұхлигингдан үзганинг гапи.

Юз тирналған, ғурра пешона,
Ёқа йиртиқ, енг шимарилған.
Муштлашишга топиб баҳона,
Тұрма узуқ, бари тұқылған.

Ёшлик үтди чангитиб күча,
Қалбда түгён урди әхтирос,
Болалигим гүёки кеча,
Товушим энди йигитларға хос.

Ҳар бир юмшоқ шириң бир овоз,
Юрагимга майин қуялди.
Ҳар сеҳрли боқиши, ишва, ноз,
Күп шоширди, севги туялди.

Құнгил нозик гапига қулоқ
Солсанғ сенга нималар демас.
Билмас оғир ҳижрон ва фироқ,
Ишқ йұлини қиласы ҳавас.

Севги экан бүлдім асиринг,
Овораман хотир паришон.
Кам бүлмайсан, ташла күз қиринг,
Излагайман сени ҳар қачон.

Хотира деб, рұмолчам учин
Тугмасам ҳам сени топаман.
Билсанг, энди севгимнинг кучин
Тушимда ҳам күрсам топаман.

Дастрұмоли туккандағы жонон
Олов солиб түгдім юрагим.
Эсларимдан чиқмайсан асло,
Фақат сенсан умид-тилагим.

ГУЛ

(Пушкинни ұқиб)

Узоқ тун үтирсам китоб варақлаб,
Тұсатдан ичидан чиқди сұлган гул.
Нафосат йүқолған хазон тусида,
Авайлаб-авайлаб аранг урдим құл.

Бу үша севишгап олтин дамларшынг,
Лаззати, онидан қолған хотирот.
Бу үша ойли тун, күк күл бүйіда
Оққұвдан тұқилған бир кумуш қанот.

Бу үша васл үйин ёритған бир нур,
Чаманлар сайдан мангу нишона.
Бу үша гоҳ ҳижрон азобин чекиб,
Сұлиған, сарғайған ёна ва ёна.

Ха, үша интизор бұлған чөғлардан
Мен учун қимматли эсдаликтир бу.
Сарғайыб сұлиған бұлса ҳам бунда,
Шириң хотиралар акс этар күзгу.

Гул бұлиб бир сиқим хазон бұлса ҳам,
Юракда ёр ишқи ҳамиша баҳор.
Севги ва садоқат йүлини тутиб,
Ошиқлар ичида номим баҳтиәр.

СЕНИ ИЗЛАБ

(Шайхзодага)

Мен сени ахтариб топмадим ҳайҳот,
Наҳотки, бу сукут шунчалар мангу.
Муштоқлик кўйингда боғламиш қанот,
Айрилиқ юракка солмишдир ғулув.

Ям-яшил гулшанга кирдим сарсари,
Булбуллар тилида фақат мадҳинг бор.
Нақадар паришон ҳижрон дафтари,
Сатрида меҳринг бор, дўстлик-аҳдинг бор.

Мен сени ахтардим кенг аижуманда,
Дўстлар даврасида қолмиш қаҳқаҳанг.
Аммо бўлгани йўқ дил пароканда,
Кун сайин назмингда ортмоқда жаранг.

Сайр этдим сен кезган хиёбонларни,
Япроқлар шивирлар, боқмоқда ғамгин.
Шайх билан кезган у ширин онларнинг
Завқидан, эй юрак, топ энди таскин.

Лабингда папирос, юрасан баъзан,
Уфқ туманида қолади изинг.
Англадим, жудолик кўп оғир экан
Ва лекин яшайди ҳар айтган сўзинг.

Яшарсан дўстларинг қалбida масъуд,
Қўшиқдай қуюлдинг бутун дилларга.
Сени излаганлар Шайхзода Мақсад,
Диллардан сўрасин, айтсин элларга.

БИЗНИНГ ОВОЗ

Фоят ўткир бизнинг овоз,
Тинмай сайдир этар.
Ер куррасин қучиб ҳатто,
Қуёшга етар.

Бизнинг овоз мазмунидир,
Кураш-инқилоб.
Зулматларни рад айлаган,
Тинчликка хитоб!

Бизнинг овоз Авроранинг
Зарбигадир банд.
Түфон, довул, тўсиқларни
Қиммагай писанд.

Бизнинг овоз Ленин сўзи,
Бўрон ҳайқириқ.
Нурафшон зўр келажакка,
Нидо, чақириқ.

Бизнинг овоз миллионларнинг
Қайноқ юраги.
Бахт муждаси, тинчликсевар,
Халқлар тилаги.

Овозимиз ҳаёт учун,
Муҳим зарурат.

Ҳар сатрида жаранглайди,
Севги, муҳаббат.

Бизнинг овоз шахталарда,
Омир, хукмрон.
Ер багрига ларза солган,
Зўр куч ва исён.

Акс садо берди тоглар,
Овозимиздан.
Халқлар маминун, тинчликсевар,
Овозимиздан.

Бизнинг овоз тафаккурнинг
Кенг қанотида.
Ўрин олди кекса Ойнинг
Нур бисотидан.

Овозимиз садоларда
Мисоли юлдуз.
Сайр этмакда ва учмакда,
Яшин каби тез.

Бизнинг овоз халқ баҳтидан,
Қелажагидан.
Саодат ва ёруғ кунлар
Қуражагидан.

Йиллар оша, эллар оша
Етказур салом.
Овозимиз дўстлар учун
Ҳурмат, эҳтиром.

ТАФАККУР

Апрель билан яшариб олам,
Бахтин топди жафокаш ишсон.
Қуёш бўлиб улуг бир одам
Дилга оташ солди беармон.

Оташ демак Ленин закоси,
Худудига уфқ келур тор.
Парчалади зулмат дунёсин,
Тафаккури бўлди барқарор.

Шу тафаккур башариятни
Етаклади нажот йўлига.
У эзилган аҳли мөҳнатнинг
Мадор бўлиб кирди дилига.

Шу тафаккур дўстлик ва вафо
Бахш айлади қалбларга мангу.
Бошлар узра сочди нур-зиё,
Юракларга оқиб кирди у.

Шу тафаккур куч-қувватидан
Нафас олди олам ва башар.
Ленин меҳри ҳароратидан
Озод дунё қуёшдай яшар.

РАЗЛИВДАГИ ЧАЙЛА

Шовуллайди ўрмон бетиним,
Ойна каби мусаффо осмон.
Ҳатто қүшлар ётоғида жим,
Қанот қоқмас, учмас хиромон.
Оқ қайнининг барглари кумуш,
Қуёш нури ўйнар жилвагар.
Ильич танҳо. Чайлада зўр иш —
Бошлиганди бугун тонгсаҳар.
Тебранади вазмини буталар,
Чайла ҳоли, сокин табиат.
Дақиқалар оғир ўталар,
Ижод билан кечаркан фурсат.
Бир чеккада ёнмоқда гулхан,
Алангага айланиб учқун.
Товланади шуъла гўзал — шан,
Исён ўти — кураш ва тўлқин.
Асрларнинг орзу нидоси,
Ҳал бўлмоқда овлоқ чайлада.
Ҳал бўлмоқда халқ муддаоси
Ва келажак йироқ чайлада.
Уз баҳтини топсин мазлум халқ,—
Дея бизга ёэди зўр китоб.
Босган изи нурга бўлсин ғарқ,
Деб атади: «Давлат, Инқилоб».
Бу китобда борар йўли муйяни.
Умидимиз йўли муйяни.
Ленин ўзи тутиб қўлимиз,

Бизлар билан бир жон ва
бир тан.
Революция машъалин ёқиб,
Истиқболни кузатди күзи.
Зулматга үт, нур, чақмоқ чақиб,
Falabaga бошлади үзи.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Тошкент оқшоми солур дилларга ҳузур,
Чорлайди қучоғига фароғатли тун.
Құнгил уйин ёритур чироғларда нур,
Дилбар оқшом файзга тұла ва түкин.

Сайёра туркуми ерга тушгандай,
Хар куча, бурчакда товланур шуъла.
Гүё нур денгизи ҳар ён жұшгандай,
Кенг шаҳар сийнаси юлдузга тұла.

Кұланка үйнайди хиёбонларда,
Иш қызғин бошланган ва тунги ҳаёт.
Қушлар ҳам мизғиган ошиёнларда,
Суқланиб боқади қоқмасдан қанот.

Эсади сафоли туннинг шамоли,
Меҳр-ла очгандай менга кенг қучоқ.
Эй, мафтун айлаган шаҳрим жамоли,
Кетолмам бир умр бағрингдан йироқ.

ПАХТАЗОР ҚҰШИГИ

Құшиғимда бободеҳқои улуг қүёшнинг
Ҳеч туганмас жозибаси, ҳэрорати бор.
Құшиғимда олов қалбли саноқсиз ёшнинг
Олижаноб ҳиммати, зұр маҳорати бор.

Қуёш нури каби юрак құрнчи сочған,
Халқ бойлигин бунёд этган әрлар — құшиғим.
Емби тупроқ сийнасидан хазина очған,
Дур шонаси тұқылғандай терлар — құшиғим.

Зангор кема қанотида айлади парвоз
Водий бўйлаб қўшиғимнинг ҳар битта сатри.
Қўшиғимда анқиб ётар баҳор, олтин ёз,
Чаманларнинг чиройи ва шифобахш атри.

Юксак хирмон чўққисига бошини қўйиб,
Қўшиғимга Ой, Зуҳралар солармиш қулоқ.
Қалб торига жўр айлашиб куйлармиш тўйиб,
Ҳар бир банди үлка бўйлаб таралур узоқ.

Қўшиғимда боғу Эрам барпо этганлар,
Меҳнатнинг самараси, ўтлиғ саси бор.
Қўшиғимда ёр васлига ёниб етганлар,
Меҳру муҳаббати билан ёрқин акси бор.

Қўшиғимнинг торларига қилдим сарпарда
Уфққача чечак отган дала жамолин.

Құз-құз құлур қүёшга ҳар олтии саҳарда
Ұлкам бугун бойлиги ҳам кулган иқболин.

Күйлаб ұтай пахтакор ва ижодкор эллинг
Олтин водий құчоғида топған баҳтини.
Күйлагумдир меңнатсевар ҳар қайноқ дилнинг
Иродаси, оташнафас, чин сұз аҳдини.

Зарбдор гуллар мазмунидир құшиқ илхомим
Бахтиёрман шу үлкада бұлсам ғазалхон.
Зафар нашидасидир юрак оромим,
Эй, пахтакор халқым, сенга атайды күй-достон.

ОНАМГА

Узоқ тунлар оғир малолин
Торта-торта үтдинг дунёдан.
Құрмай үжар үғлинг камолин,
Маҳрум бұлдинг завқу сафодан.

Не аламлар бағрингни әзди,
Құзинг юмдинг гұдак чоғимда.
Жон бахш этиб, меҳринг тиргизди
Табассуминг соғ ёноғимда.

Мушфиқ она, шоир бўлишим
Хаёлинга келмаган асло.
Севги дарди бўлди улушим,
Билмай қолдим үзим бепарво.

Гўзалликнинг мафтуни бўлдим,
Қандай қиласай, шудир қисматим.
Илк севгининг мажнуни бўлдим,
Достон бўлди пок муҳаббатим.

Чаманларни мадҳ этса булбул,
Беихтиёр бўлдим жўровоз.
Ҳажр ўтига ўрганиб бу дил,
Васл йўлида чертди жўшқин соз.

Кўзларимнинг тўкиб сиёҳин,
Ёзганимда оташин ғазал,
Онам бўлса, юрагим оҳин
Тинглаб, ёниб-куярди ҳар гал.

Ерим меҳри, вафо — таронам,
Масканимдир хазонсиз гулшан.
Қуёш менинг мангу ҳамхонам,
Она тупроқ, азалий Ватан.

Шеър деб теран чеккан заҳматим
Билмай кетдинг афсус, онажон.
Халққа бўлган ишқ-муҳаббатим
Завқи билан куйладим достон.

Билмай кетдинг, мутлоқ бехабар,
Аммо билур халқим ва элим.
Ўтар экан ўйлар, асрлар,
Халқ меҳрига пайванддир кўнглим.

МАГРУРЛИК ҲАҚИДА

Кеккайиш ва мағрурлик бир күн
Оғир савдо солур бошингга.
Халқ ҳурмати, назардан қолиб,
Ҳеч ким келмай қўяр қошингга.

Бўйра бўлди оёқ остида
Бўйин чўзидеккайган қамиш,
Пастак бўлган райҳон-жамбилини
Ҳамма севиб, этди парвариш.

ОНА ТАБИАТГА

Мунчалар гўзалсан она табиат,
Сен ширин умримсан, боис ҳаётим.
Сен демак маҳорат ва нозик хислат,
Бағрингда юксалдим ёзиб қанотим.

Эй, мени кўксида кўтарган олам,
Таърифинг тугамас ва гўзаллигинг.
Сендадир абадий меҳр-шафқат жам,
Тилимда тасвиринг ва тугаллигинг.

Қоп-қора туниингни ҳижронга, ғамга,
Қиёс айлаб топди ишқим камолот.
Гулшанда гулларнинг ҳуснин санамга
Ўхшатиб тугамас олдим лаззат-тот.

Кумуш ирмоқларинг, шалоланг кўрки
Севгим достонига бўлди дебоча.
Ҷоғлар чўққисида кумуш ранг бўрки,
Виқор билан боқар кундузу кеча.

Хуллас, севимлигим она табиат,
Ишқим туфайлидан тополдинг чирой,
Мени шоир қилди тоза муҳаббат,
Куйлаб ўтганим-чун васфинг йилу ой.

СУВЧИ

Үфқда саратон шуъласи ўйнар,
Сувларга түш уриб учар қалдирғоч.
Садаф томчи сочиб, булоқлар қайнар,
Ирмоқлар чопади очиб кенг қулоч.

Кун иссиқ, водийлар ётар ҳансирааб,
Зумрад пайкалларниң ортиб жилvasи.
Бесаноқ ғұзалар чанқоқ-ташналаб,
Эсмакда шифобахш ёзниң нафаси.

Далалар қўйнига аста чўкмакда,
Ҳарир туманларга бурканиб оқшом,
Водийга тұлин ой нурин тукмакда,
Кезмакда серташвиш сувчи беором.

Ойли тун ўзгача пайкал нашъаси,
Сув оқар, ғұзалар томирига — қон.
Баргларда меҳнатнинг завқ-нашидаси,
Нақш олган, қуёшда товланур ҳар он.

Кўзлар қамашади маржондай шона,
Шимириб қонмоқда ҳар дақиқа сув.
Ғұза тупларига бўлиб парвона,
Меҳнати акс этар, сув мисли кўзгу.

Кумуш тасма каби сувларни тараб,
Тонгларни кутади, мармар ҳавода.
Гүп бедор, сувчи ҳар ниҳолга қараб,
Ниҳолдай ўсади кўнгли зиёда.

ҲАЁТ КИТОБИ

Ҳаёт китобин ўқиши жуда ҳам мушкул,
Синчикласанг топилур олтии сатрлар.
Оlam-олам маънидаи завқ олур кўнгил,
Кўз ўнгингда жонланур йиллар, асрлар.

Янглиш ўқисанг агар йўл адашасан,
Етолмайсан йўл юриб, узоқ манзилга.
Тўғри тушунсанг қоя, тоглар ошасан,
Тушмайсан тубанликка ва ташазулга.

Ҳаёт китобин билсанг, асил мазмуни
Халқнинг манфаати ва бахти демак,
Бу бахт қуёшнинг заррин мангу учқуни,
Шуъласи ва меҳри-ла мусаффо юрак.

Тўғри ўқисанг буни алдамас мутлақ,
Топажаксан шубҳасиз, адолат ва ҳақ.

ЁШЛИК ҲАҚИДА

Қани энди ёш бўлсанг,
Чопсанг, сигмай кўчага.
Шўх бўлсанг, оташ бўлсанг,
Ўрнак бўлиб барчага.

Гоҳ дараҳтга тирмашиб
Қўймасанг қуш боласин.
Қир ва адирлар ошиб
Тўпласанг гуллоласин.

Шундай шўхлик ёшликка
Қайтмоқни қилсам орзу,
Болалик бебошликка
Кошки бўлсам рўбару,

Дегувчилар, албатта,
Баъзан қоладир учраб.
Хаёлдан умид катта,
Кечмишни ўтар санаб.

Йигитлик солди мени
Севгининг гирдобига.
Қарорим олди мени,
Кўндим изтиробига.

Шу берур менга роҳат,
Болаликдан кўп афзал.

Чулгади ёр муҳаббат,
Банд этди жүшқин ғазал.

Ёшлик тұполонлари
Хаёлдай үтар-кетар.
Ишқнинг шириң онларин
Юрак қандай унутар?..

ЕР ШАРИ

Сайр этади бизнинг ер шари,
Ҳаёт топур мавжудот, одам.
Ўз доира, кучли меҳвари,
Нуқтасида айланар олам.

Айлантирар тинмайин қүёш,
Ер гумбазин ҳароратида,
Оlam каби барча тогу тош
Жозибаси, маҳоратида.

Айланади замин, уммоилар,
Кечакундуз бирга айландик.
Тирикликнинг йўлини инсонлар
Топди, шунга маигу бойландик.

Айланмасанг ер билан бирга
Издан чиқур йўлинг, ҳаётинг.
Қоқиласан бутун умрга
Ер бағрида тугалур зотинг.

* *
*

Үлмак — қонун, йүкдир хавфим ҳеч,
Тугалурман тұлғач паймонам.
Ажал әрта, ё келур бу кеч,
Иш бермагай ҳаргиз баҳонам.

Құрқитолмас үлем ҳам, етар,
Құрқитади бир нарса фақат.
Үлсам, дүстлар, бошимдан кетар
Ер севгиси тоза мұҳаббат.

Ушбу оғир гапдан сүйлайман,
Кеча-кундуз шуни ўйлайман.

* * *

Узун соchlарингга bogланай десам
Ишқ дарди қиссасин қилма дер узун.
Чиройин кўрсатар кўкда ой десам,
Сочингдай қоп-қора қамраганда туи.

Бир тутам сочинг деб ўзим тутолмай,
Висол орзусида бўлдим саргардон.
Ипак соchlарингга кўзим суртолмай,
Ўтгум мен соchingдай токай паришон?

Сочимга илашма, савдоси бошқа,
Қўрқаман бўлма деб тағин занжирбанд.
Парвона каби сен қўнма оташга,
Бошингга ғам солма қилмасдан писанд.



Илтифот шуми, эй, севгили моҳим,
Мунчалар кўзингдан ташладинг узоқ.
Найлайин етмади нола ва оҳим,
Бағримни эзади токай ғам-фироқ.

Шу ўтли оҳ сенга етмаса агар,
Телеграф ёғочига қўяман бошим.
Йиғлайман ва сенга етар муқаррар,
Салқа симда сизиб борур кўз ёшим.

Эҳтимол шу онда келадир раҳминг,
Дардимдан титраган симларни кўриб.
Юрагим эзди, оҳ ишқ ғами заҳминг,
Ачингин ёшимга узоқдан туриб.

ҚОЗОҚ ДҮСТЛАРИМГА

Дүстларимиз тарихи узоқ,
Туташтирап саноқсиз аср.
Оппоқ дала каби кенг қучоқ —
Очиб сизга бўлдик мунтазир.

Эй Абай!нинг доно авлоди,
Таърифингиз бир олам жаҳон.
Ўзбек халқин Ширин, Фарҳоди,
Сизга томир ва бир дастурхон.

Сирдарёдан сув ичдик бирга,
Сайр айладик яшил соҳилда.
Қариндошлик бутун умрга,
Битмас асло меҳри кўнгилда.

Хассос Сакан битган ғазали,
Ўйнимизда доим жаранглар,
Бўтакўздек қозоқ гўзали,
Бизни ўйлар ва бизни тинглар.

Дўмбирамиз иккидир тори,
Парвоз этар бирга куйимиз.
Олатовнинг кумуш наҳори,
Каби равшан фикр-ўйнимиз.

Дўстлигимиз қуёшдай мангур,
Қолур янги жамиятда ҳам.

Завқ бахш этар бу шириң орзу,
Бир элатдай яшаб чинакам.

Иүлингизга чиқамиз пешвоз,
Сизни кутар қутлуг хонамиз.
Гул-лоладай солиб поёндоз,
Бошиңгизда бир парвопамиз.

ХАЁТ НАШЬАСИ

Яшашнинг қимматин қадрин билганлар
Үтмагин, дейдилар, ғам-армон билан,
Соядек беқарор умрнинг иули,
Дерлар, гашт суриб қол дўсти жон билан.

Йўқ! Қайта келасан балки дунёга,
Халқингга яраша иш қиласанг агар.
Эллардан элларга халқ билан доим
То абад яшарсан йиллар, асрлар.

Хаёт чаманига қайта келгандай,
Ижодим мен билан яшар умрбод,
Ёдиан чиқармас чеккан заҳматим,
Ҳамнафас бўлажак келажак авлод.

ТАҚДИР

Тақдиримни яратдим үзим,
Шудир менинг инсоний бурчим,
Йўлим ойдин, порлоқ кундузим.
Ишим бўлди нурга интилиш.
Келажакни қуриш, яратиш —
Заҳматига сарфланди кучим.

Бахтиёрлик тақдирим шудир,
Қуёш ёзди олтин сатрга:
«Ғайратийнинг гўзал турмуши,
Достон бўлур узоқ асрга!».

ХАЙКАЛ

(Зоя Космодемьянскаяни эслаб)

Оси фашист, сақладинг сукут,
Ватан ишқи ёнди қалбингда.
Бўлмас мардлик тарихи унут.
Шон байроғи мангу қўлингда.
Душман бўлди тупроқ билан тенг,
Хайкал бўлиб чиқдинг юксакка.
Уфқ очди қулочини кеңг,
Қутарилдинг қуёшга тикка
Мағрур боқдинг бутун оламга,
Олам сенга боқди маҳлиё.
Файз тўкандай боғу эрамга
Шу туришинг ўзи бир дунё.

ХОТИРА

Түғилған жойымдан күп узоқ йиллар
Бош олиб жұнадим аллақайларга.
Дұстларни ахтардим ва кездим эллар,
Дүч келдим қояға, тошқин сойларга.
Етаклаб бир куни келтирди тақдир
Вояга етказған ўз қишилогимга.
Сайр этиб кузатдим ҳар ёқни бир-бир,
Суқланиб қарадим сұлу соғимга.
Ойнабанд хоналар... ҳамма ёқ янги,
Кесилиб кетибди у ковак толлар.
Ҳамма ёқда меҳнат, ҳаёт оҳанги,
Құн сари бүй чұзар зумрад ніхоллар.
Бұғотли гувала, уйлардан асар —
Қолмаган, сатқи кенг гавжум күчалар.
Кундузи этаклаб қуёш түкар зар,
Шуълага күмилған узун кечалар...
Ешликда мен күрган күп нарсалар йүқ,
Барчаси ўзгарған бұлмайди таниб,
Турмуш күп чиройли, мазмунга тұлиқ,
Кузатдим, сайр, ҳар ён айланиб.
Күп нарса бошқача, тошқин сой аммо
Оқмоқда, шұхлиги ёшлигим каби.
Тошдан тошга сакраб тинмайди асло,
Фақат шу қолибди шошқин, асабий.
Болалик йиллардан бўлиб хотира
Сой оқар узоқда, тұхтамас сира.

БУЛБУЛ

Тонгни кутиб чаманда булбул
Чекар эмиш оташин нола.
Ишкүтида ўртайди күнгил,
Бўлиб фунча ҳуснига вола.
Қанча фифон, қанча изтироб —
Чекса, фунча қилмас-кан парво.
Тиканларга бош қўйиб, азоб —
Тортиб дардга топмасмиш даво.
Фунча уни ухлатиб қўйиб,
Очар эмиш аста ёноғин.
Булбул кўргач ўртаниб-куйиб,
Доғда қолар эмиш, оҳ, тағин.
Ошиқ булбул менга ҳамоҳанг
Бўлсанг, кўзинг кетмас саҳарда.
Ёринг чирой очса ранг-баранг,
Қолур лабинг фунча лабларда.

УРУШ БҮЛМАСИН

Шунчалар фазонинг бағри кенг экан,
Лекин-чи, бағрига сиғмади одам.
Барибир одамга бўлмади ватан,
Космонавтлар қайтди ер сари илдам.
Она ер — меҳрибон, иссиқ оғуши,
Бағрига босар у, севиб ардоқлар.
Ер қадрин доим ҳам билмайди киши,
Қадрини билганлар ҳам доим ёқлар.
Шунчалар мураббий, мушфиқ экан ер,
Не учун бир қисми зулмат, кўкси қон?
Не учун у ерда асорат, занжир,
Кўк сари ўрлайди нола ва фифон?
Не учун топталар унда ҳақ-ҳуқук,
Ваҳшийлик, разолат, олтин ҳукмрон?
Не учун тинмайди, уруш, қон ва дўқ?
Кириб ташламоқда инсонни инсон.
Модомики, бизга очаркан қучоқ,
Бўлсин ер топ-тоза бало-офтадан.
Тинчлик ва шодликка бутун халқ муштоқ,
Яшнасин ер юзи эрк-адолатдан.

ҚУЁШ ҚАСИДАСИ

Улуг қүёш,
Эй мангу нур,
Сен демақ, ҳаёт,
Сени роҳинг ва измингда
Бутун мавжудот.

Сен кечасан, ҳам кундузсан,
Абадий оташ,
Сен ҳарорат ва мураббий,
Муҳаббат дилкаш.

Туғилган он сени курдим,
Сенга талпиндим.
Нур беланчак билан сенга
Боқдим, илинди.

Сабзаларни тортиб ердан,
Изимга сочдинг.
Гуллар билан йўргакладинг,
Йўлимни очдинг.
Мехр билан эркаладинг,
Тўкиб бошга зар.
Юлдуз бўлиб узоқ тушлар,
Ташладинг назар.

Улғайтирдинг, ер иккимиз
Бўлдик парвона.
Сайр айладик кеча-кундуз

Теграңгда яна.
Шу сайдымдан топдим мангу
Хаёт йұлини.
Шу сайдан англақ олдим
Үнгу сұлимни.

Меңнат қилдим,
Сен баҳш этдинг сұнмас ҳарорат.
Умид ғүнчасини очдинг
Топдим әзгу баҳт.

Сен бұлмасанг, гулшанимга
Келармиди сув.
Мен гуллатган қир-саҳрода
Кезмасди оху.

Қорли тоғлар чүққисига
Урдинг зар шона.
Мавжга кирди дарә, уммон,
Оқди равона.

Сен бүрөнсан, зүр вулқонсан,
Жұшқин, газабнок.
Ер бағрида тұла шонсан
Ва қимматли хок.

Гул үстирдим бужур ердан,
Сен бердинг чирой.
Сен туфайли кеңг чаманлар,
Гүзалликка бой.

Меңнат қилдим, сен күтардинг
Үңүмни күкка.
Эй зүр қүёш, сенға туташ
Кеңг сийнам тикка.

ҒАЗАЛЛАРДАН НАМУНАЛАР

ЁЗМИШ

Замон котиблари толени менга ёр деб ёзмиш,
Чекарга ишқи дардин сабру тоқат бор деб ёзмиш.

Күнгил лавҳида севги достони айламиш туғён,
Тилимда ёрни исми туну күн такори деб ёзмиш.

Үтибдур Вомиқий, Мажиун ҳаёти байтулаҳзаңда,
Мени баҳт водийсида маскани гулзори деб ёзмиш.

Ютинмай косасин кайф айламак лозим әмас ҳаргиз,
Сеҳргар күзларингни завқига хуммор деб ёзмиш.

Юрак ёр ишқини сан қанчалар элдан яширсанг ҳам,
Асир ўлмоққа доми зулфига тайёр деб ёзмиш.

Кел энди, эй қуёш, бу Ғайратий күнглини мұпаввар әт,
Бошингда чарх уришга қисмати сайёр деб ёзмиш.

ЭЙ САБО

Эй сабо қүй шұхлигинг ёр кокилин тебратма күп,
Атри бүйин жон думоғига уриб тарқатма күп.

Дилбарим сузгун боқиб күксим нишонга чоғлама,
Айла инсоф жуфталанган кипригингни отма күп.

Күрмасам бир кун сени гул-лоладаң айлаб сүроқ
~~Оң~~ уарман қалби торим құзғатиб уйготма күп.

Ошиқи содиқлигимни дилбарим ет қадрига,
Айлабон нозу итоб күнглімга қаттиқ ботма күп.

Бу чаманда ёрининг меҳри-вафосин Ғайратий
Васфин айлаб құмри, булбулларни бас, құзғатма күп.

НИМА БҮЛДИ?

Сен бирла бүлай деб эдинг, жонон нима бүлди?
Бир сүрмадинг, бу күнгли паришон нима бүлди.

Мен қайси вафо-ваъдаларингга ишонай ёр,
Сўз берган эдинг мангуга паймон, нима бүлди?

Соя каби из қуваман йўқ зарра қарорим,
Йўқлаб демадинг, йўлдаги сарсон нима бүлди?

Ағёрларим олдида боқмоққа уялсанг,
Четга чақириб сўрмадинг пинҳон, нима бүлди?

Ишқингда ёниб, яъни эзилган юрагимга
Қилмоқчи эдинг дардимга дармон, нима бүлди.

Бошим етадур кўкка агар бир хабар олсанг,
Бир йўл демадинг, Файратий ҳайрон нима бүлди?

ОРЗУ БИЛАН

(Эркин Воҳидов ғазалига муҳаммас)

Ғоғу тошларнинг чиройи лола гул оху билан,
Хаста кўнглимнинг қувончи ул камон абру билан.
Найлайин дардимга парво қилмадинг кулгу билан,
Ойни ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан.
Умрини ошиқ ҳамиша ўтказур орзу билан.

Қилди қалбим пора-пора отди мужгоидан бир ўқ,
Бедаво дардга йўлиқдим топмадим бир йўл-йўриқ,
Берма кўнгилни деган носих сўзин билдим қурук,
Севгида кўксингга томган кўз ёшингдан фойда йўқ,
Ишқ ахир шундай оловки, ўчмагай у сув билан.

Дарди хижрон эзди бағрим найлайин шому сабо
Шул экан севган, севишган қисмати, жабру жафо.
Қапчалар ёзсан юрак қони-ла арз бўлмас адо.
Заҳмати ишқ дард эрурса, заҳмати шеърдир даво
Чунки оғунинг шифоси дейдилар оғу билан.

Барча роҳат сенга бўлсин, дардима мииг дард қушай,
Ғам-алам селобида жавлон урай, майли жўшай.
Ишқ водийсида Фарҳоддек кезай, тоғлар ошай,
Барча заҳмат манга бўлсин, майли доим мени яшай.
Бу ажаб тотли азобу, бу ширин қайгу билан.

Куйла торим ишқ осмонида ёзгил кенг қанот,
Васл учун парвона бўлгии иста ёрдан илтифот.
Ез газал муштоқ кўзимининг косасин қилгин давот.

Ешлигим, умрим наҳори ишқү шеърсиз не ҳаёт.
Тонгни ёлғиз гафлат аҳли ўтказур уйқу билан.

Боғладим меҳрин ипин күнглигма, ёт деб ўйламанг,
Ошкора ишқи дардин сиз уёт деб ўйламанг.
Файратийни ёрисиз асло ҳаёт деб ўйламанг,
Ёрни мен жоним деб айтсан илтифот деб ўйламанг,
У яшар Эркинсиз аммо, мен тирикман у билан.

РУБОИЙЛАР

Ҳаёт бизга мунтазир, талаби катта,
Кураш тұлқинида жұш, қолмагин четда.
Яратувчи, ижодкор, қодирсан, одам,
Кудратингдан баҳтингни ярат, албатта.

* * *

Фурсат жуда ғанимат, турмайды кутиб,
Унинг қәдри қимматин қўйма унутиб.
Боғлаб олсанг ҳам уни тутолмайсан ҳеч,
Соат қолар қўлингда, вақт кетар ўтиб.

* * *

Бугунги кунинг ўтди, эртани кўзла
Қўлингдан келадирган иш бўлса — сўзла.
Ҳаётнинг турли-туман сўқмоқлари бор,
Мақсадга элтувчи йўлларин изла.

* * *

Одамнинг тириклик чоғда қадрини
Билингу кўрсатинг дўстлик меҳрини.
Ўлганида кўкка кўтариб мақтаб.
Ҳар ерда бефойда қилманг зикрини.

* * *

Одамнинг ҳақиқий оқил, доноси
Ўзини тутади, ошмас хавоси.
Камтарлик — фазилат, қаққайма, эй дўст,
Олтин қадаҳ синса, тушмас баҳоси.

ХАЖВИЙ ШЕЪРЛАРДАН

ЧИҚДИ

«Ташхимпром» артелидан бракнинг кони чиқди,
Бир нечанинг мұмайроқ ейишга нони чиқди.
Кетди сифатнинг бурди, молнинг ёмони чиқди,
Шавзис, Юсуповларнинг сири ниҳони чиқди,
Танқидга бермагай тан, хуржун пилони чиқди.

Ботик, галошга қойил, бир ёнга луңжи қийшиқ,
Нам төртадур үзига, тұлғай ичига сув лиқ.
Қисгай оёқни ночор, үлгунча танг-тор зиқ,
Мұлжалланган жойингга етмай нафасларинг диқ,
Ким олди — құлға тушди, охир фигони чиқди.

Бүйдән, энидан урган, бир технорук ҳұнарманд,
Қатта номерни олсанг, ёш болаларга монанд.
Сиртини ялтиратган, аслида латта пайванд,
Бұзрайганича тургай, артсанг бетини ҳарчанд,
Дастак күчиб тагидан яхлит товони чиқди.

Оёқ кийимдир оти, боққанда лодка сурат,
Сийқа, бужур, құпоплдұз, бор унда юзта иллат,
Утиль йиғиндиндисидур ҳар ёғи сохта зийнат!
Юз оғарын мастерга, күрсатған катта хизмат!
Артель эмас құли гул уста макони чиқди.

Юзин үгирди олмай, охирда күп харидор,
Яхниси турганида, айтинг, бу кимга даркор,
Бужмайды ҳам мөфорлаб, тахланди тұлды омбор,

Бошлиққа иш күпайди, актлар ёзилди ночор,
Үз бурчини бажарди, лекин зиёни чиқди.

Жойини топди неча юз минг учеб ҳавога
Жүр бўлди артель авжи, «Эшвой» билан «Наво»га.
Нуқсонларин фош этди Муштум тушиб арога,
Дармон топилгай албат бу дарди бедавога
Кўзи очилса айтар гапнинг йўғони чиқди.

ЗИНХОР ҮЙЛАНМА, ҮЙЛАНМА

Текин томоқ танни тоза
Қилар эмиш, бор овоза.
Ишонамаң сенга дүстим,
Иштаҳам ғор ё дарвоза
Зинхор үйланма, үйланма,

Бахтим борки, сени топдим,
Пора деса роса чопдим,
Нафсим құрғур чиқиллайды,
Сени күрсам қичир кафтим,
Зинхор үйланма, үйланма,
Мен бор — үйланма, үйланма.

Совға-салом йұли билан,
Е муруват құли билан,
Атрезни ҳам унутмагил,
Бұлсін ҳар иш мұли билан,
Зинхор үйланма, үйланма,
Мен бор — үйланма, үйланма.

Келтирмасаң битмас үйим,
Үтмас сира хатна түйим,
Участкамда яйраб юрсін
Ҳадя учун келгап қүйим,
Зинхор үйланма, үйланма,
Мен бор — үйланма, үйланма.

Бұлма қаттиқ, ҳеч нокаста,
Топганингни келтир аста.
Ишлар бұлар чаппа-расты,
Зинхор үйланма, үйланма.
Мен бор — үйланма, үйланма.

М у ш т у м:

Пора дебон тегдинг жонга,
Ихлос қўйма жигилдонга.
Бад одатинг ташла буткул,
Поклик ҳусн ҳар инсонга.
Зинхор үйланма, үйланма,
Мен бор — үйланма, үйланма.

ДОСТОНЛАР

ФУРБАТДА ФУРҚАТ

Ўзбек демократ шоири Фурқатнинг 100 ийллик юбилейига

ҚАШМИР

(Кириши)

Асрларининг жафоларини,
Оғир алам, ғавғоларини
Асрларга етказган Қашмир,
Кенг бағрингга сиғидирдинг кўп сир.
Хаммасидан воқифсан, огоҳ,
Бобир учун булди гузаргоҳ —
Чаман боғлар, хиёбонларинг.
Савдо билан ўтди онларинг.
Гулшанингда чертиб созини,
Баланд қўйиб шўх овозини:
«Биё зулфи кажу чашми сурма со —
Инжост», деди у Зебунисо.
(«Гарчи ўзим дўхтари шоҳман,
Фақирлардан доим огоҳман».)
Бу куй ўтли юрак фифони,
Ҳинд халқи-чун ўртанди жони.
Бу қўшиқда севги, эҳтирос
Жаранглади мазлумларга хос.
Аврангзеб, сонсиз жаҳонгир
Ҳақ-ҳуқуқни қилдилар таҳқир.
Оҳу фифон юксалди, қуюн,
Умид тўла дийдаларда хун.
Ҳимолайда буюк ғам-алам,
Мазлумларга тор эди олам.
Йиллар ўтди, мудҳиш асрлар.
Сохта фармон, қонли тадбирлар
Етмагандай ғариб бошингга,
Заҳар солди ётлар ошингга.

Инглизлар босди шум оёқ,
Пок сийнангга — қадалди пичоқ.
Тортиб олди парча нонингни,
Пайхон қилди боғ-бўстонингни.
Яна бўлди олтин ҳукмрон,
Зулм ўқига сийналар нишон.
Пучак пулга сотилди номус,
Кора ерга отилди номус.
Меҳнат ахли юпун, ялангоч,
Чапатига булдилар муҳтож,
Инглизлар уйнатиб қамчи,
Хинд бўйнига солиб аргамчи,
Қўплар сарсон кезди, бехона,
Макон бўлди кўча, вайрона.
Оёқ ости, хор бўлди санъат,
Ахли доиниши бошида кулфат.
Чаманларга иш қўйди зоғлар,
Хароб бўлди гулшанлар, боғлар.
Бойлик оқди чет эл комига,
Заҳар тўлди қашшоқ жомига.
Эрки учун қўзғалган жонлар
Турмаларда қусдилар қонлар.
Эй, Хиндистон, талангтан үлка,
Ваҳшат солди қора кўланка.
Мазлумларнинг ҳақ деган доди,
Хиндикушдан ошди фарёди.
Океан каби чайқалди ғазаб
Ва қўзғалди эрк деган талаб:
«Қачонгача бизни талар ёт,
Асоратда қолгаймиз, ҳайҳот...»

ЁЛГИЗ ҚУЛБАДА

Майин оқшом, сеп ёйган баҳор,
Еллар этар гул хидин нисор.
Юлдуз ташлар ёқимли нигоҳ,
Гуё шоир ҳолидан огоҳ.
Кулбасида ўтирас Фурқат,
Қитоб ўқир, гоҳо ёзар хат.
Чироқ нури уйнар;
 хаёлчан,
Хаёллари ранг-баранг чаман.
Боқишида акс этар маъно,

Фикри тийран, жүшқин бир дарё.
Қуюқ киприк, қуюқ қош сиөх,
Фурбат эзган, чекар нола-ох.
Ғазал ёзар, юрак бекарор,
Танҳоликда унга ғазал ёр.
Хижронига шеъри тасалли —
Берар, шу чоқ шоир Тажалли
Рухсат сұраб бұлди намоён.
Учрашдилар икки қадрдон,
Бу ташрифдан Фурқат күп мамнун
Сұхбат қилди очилиб гулгүн.
Үқиб берди янги бир ғазал,
Жозибадор мисралар гүзәл:

«Сүрголи ҳолимни, эй қоши қалам, кел әртароф,
Йигламоқдан қолмади күзларда нам, кел әртароф!»

Тажалли бир енгил табассум —
Билан бокди Фурқатга шу зум:
— Камол топинг,— деди,— эй шоир.
Ҳар мисраңғыз бебаҳо, подир.
Дүст севгисин айлаб дилга жо,
Висолига орзу илтижо,
Чертиб жүшқин созингиз баланд,
Фурбат ғамин айламай писанд,
Қалб қони-ла битибсиз ғазал,
Бир ғазалким, севги муфассал.
«Кел әртароф», деган розингиз,
Юрагингиз, үйноқ созингиз
Тиңглагайдай вафоли Қамар
Мактуб ёзмиш, келтирдим хабар.
Хатии олди Фурқат беором
Ва үқиди шеър ила салом:

«Кел, эй жоним, менинг ҳоли харобимдан хабардор бұл,
Висолинг завқин истарман, унутма интизорингни».

Тажаллиға билдириб таҳсии,
Сұз бошлади, шоир күп мамнун:
— Сиз туфайли етишдим ёрга,
Исми Қамар, үзи дилдорга.
Шудир менинг ишқим — саводим,
Кечакундуз фикр ва ёдим.

Калбим менинг лола каби қон,
Фурбат ғамин айласам осон,
Күрсам агар Қамар барнони,
Англайдирман ўзга маънони.
Эслатади севган лоламни,
Қузгатади фифон, ноламни.
Ўз юртимдан, лоламдан жудо
Бўлиб, бугун ғурбатлар аро
Кезадирман, йўқдир қарорим,
Пайхон бўлган у лолазорим.
Кимга қиласай дардим ошкор?
Висолига менман интизор...
Шудир қалби жуш урган орзу,
Лаззат берар шу ширин туйғу.
Узоқ давом этди бу суҳбат,
Мамнун бўлди ғоятда Фурқат.
Кетар экан Тажалли — шоир,
Дейди:— Танҳо ўтируманг дилгир.
Эрта оқшом бир неча ҳамдам
Қўймоқчилар кулбамга қадам.
Зоид ҳожи сизни кўрмакка
Келмакчидур, суҳбат қурмакка.
Шу суҳбатга айлайман таклиф,
Илтимосим, қилсангиз ташриф.

ИИГИН

Ойдин кеча, сафобахш оқшом,
Гўзаллиги айлар дилни ром.
Суҳбат борар беш-олти улфат,
Йигилганлар закки табиат.
Уд чалинар, янграр шаъма-соз,
Шеърхонлик ва жўшқин овоз.
Арғувон май, тўлиқ пиёла,
Таралади, сетордан иола.
Бермакдалар суҳбатга оро,
Топмоқдалар айш ила сафо;
Севинч тошиб қалбиди Фурқат,
Сўз бошлади жўшқин ниҳоят:
— Қандай улуғ ўлка -- Ҳиндистон,
Гуллар юрти ва бофу бўстон.
Қуёши бор, сахий нури мўл,
Оловланган доим саҳро-чўл,

Соя солар банаң, хурмоси,
Сарви қомат шамшод, раъноси
Меҳнатсевар халқи кўп қобил,
Қалби дўстлик, вафога мойил.
Яратувчи нозик зеҳни бор,
Файрати бор, моҳир ижодкор!
Севар доим ҳунар, маърифат,
Йўқдир афсус бунда эрк, қудрат.
Фурқат сўзин шунида қувватлаб,
Зонд ҳожи очди сўзга лаб:
— Мендан сўранг, азиз меҳмонлар,
Кашмир келиб бўлдим сарсонлар.
Ишласам ҳам рўзгорим хароб,
Кечакундуз тортаман азоб.
Суҳбат қизғин, лекин йўқ сурур,
Фаррух соҳиб ўтирап мағрур.
Қирра бурун, қора, қотма тан,
Ўзун бўйли, енгил, серсуҳан.
Фурқат сўзин тинглаб оҳиста,
Ғазабидан ёнди бирпасда.
— Сўзингизда хато бор, меҳмон,
Ўз эркига эга Ҳиндистон.
Ихтиёри ҳам шуҳрати бор,
Инглизлар бизга мададкор.
Европадан бизга маърифат
Келтирдилар, ҳунар ва санъат.
Заминдорлар, бойларга ҳурмат
Қўрсатмоқда, йўқдир адоват.
Динлар озод, берилган ҳуқуқ,
Инглизча қонун, йул-йўриқ.—
Фаррух сўзлар пишиқ ва бурро,
Сўзларига берарди оро;
Фурур билан улфатга боқди.
Бу аҳволга Фурқат тутоқди:
— Эй ҳурматли, эй соҳиб жаноб,
Қани айтииг ҳақоний жавоб!
Инглизлар — золим ҳукмрон,
Разолатга солур беомон.
Говпарастнинг турли жанжали
Будпараст-ла битмаган ҳали,
Оташпараст, ислом аҳлига
Ҳар соатда солур таҳлика.
Бу жашжалга инглиз сабаб,

Қанча соҳиб ва олий насаб
Бойлик тўплаб, олур манфаат,
Шуми сизда эрку адолат?!
Кўплар сарсон, бахшишга¹ муҳтож,
Макони йўқ, дарбадар ва оч!
Бунда келиб, ҳақиқат ҳолни
Кўрдим. бутун разил аҳволни.

«Йўқ, эътибори, зари йўқ агарчи бўлса малак,
Эл ичра деб, зари бўлса мўътабар кўрдим.
Жаҳони кулфатида булбул ўрнига, афсус,
Либоси бахмалу кимхоб ҳанги ҳар кўрдим».

Фурқат берган шу шеърий жавоб
«Баъзиларга» солди изтироб.
Ерга сингиб, тортиб кўз озор,
Ўтиради соҳиб беқарор.
Суҳбат борар дам-бадам, қизғин,
Тонгга қадар чўзилди йиғин.

ЁР ВАСЛИ

Ўзга бугун чаман нашъаси,
Булбулларнинг фифони, саси.
Ёр васлидан топғандай дарак,
Ошиқади бетиним юрак.
Хиёбонга хурмолар соя,
Шамол эсиб сўзлар ҳикоя.
Иксир чашма бўйида шоир
Танҳо кезар, дўстга мунтазир
Умид билан боқади ҳар ён,
Шу чақ Қамар келар хиромон.
Не кўз билан боқсинки, ёри —
Мужассам ишқ, умр баҳори.
Қузи шаҳло, боқиши тиғдор,
Жон сўрайди, жонлар беқарор
Жуфтланганди сурмали мужгон,
Қамар юзли бир оғатижон.
Ғунча каби лаб устида ҳол,
Расо қомат, нозик бел — ниҳол.

¹ Бахшиш — садақа.

Халқа-халқа паришон зулфи.
Асир этар беомон зулфи
Қаршисида туар жилвагар,
Фурқат ташлаб ҳурмат-ла назар.
Утирдилар аста ёнма-ён,
Икки қалбда севинч-ҳаяжон.
Суз тополмай шоир бир нафас:
— Афв этингиз, чашмани ҳавас
Қылган эдим, айлабсиз ташриф,
Қай йүснин-ла қилайин таъриф.
Тинглаб Фурқат сузин дер Қамар:
— Қалби оташ, ғарип, дарбадар,
Ишқ яхшидир ва ҳавас яхши,
Ишқ-ла үтгап ҳар нафас яхши.
Бироқ севги әмасдир осон,
Бу йўл қилди кўпларни сарсон.
Дўстлигимиз кўролмай ағёр,
Пайт пойлаб ҳар тун ва наҳор
Тўсмоқ истар баъзан йулимиз
Ва тутмакчи бўлар қўлимиз,
Мен истайман: кезсак бирга шод,
Балолардан, оғатдан озод.
Шу сўзларни кутгандай Фурқат,
Ерга қилди илтижо, журъат,
Фурқат деди:— Вафоли ёрим,
Севги олган сабри қарорим.
Ҳижрон аро бўлмай овора,
Кўнглум овут, қилғил паззора.
Сендаги бу тоза малоҳат
Замирида дўстлик, муҳаббат.
Юрагимнинг фигонин эшит,
Сўнгра, жоним, узинг лутф эт!
Кел, куйлайлик, жоним, галма-гал,—
Кейин Фурқат бошлади ғазал:

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,
Қўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.
Зарра-зарра зар сочар бошиға ҳар кун офтоб,
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмәни иксирда.
...Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулфиға дилбасталиғ ҳар бир жувону пирда.
Айдим: «Эй жон оғати, зулфингга бўлмишман
асир!»

Айди: «Бу савдони құй, умринг үтар занжирда!»
«Нұқта лаб устида бежодир», дедим. Айди кулиб:
«Саҳв құлмиш котиби құдрат магар таҳрирда».
Айди: «Эй бечора, қылдинг на учун тарки Ватан?»
Мен дедим: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда!»

Шеърий сұхбат чұзилди узоқ,
Гүё әллар солғандай қулоқ.
Нилуфарлар тебраниб аста,
Булбул үқір, қуйи шикаста.
Хаяжонда шу икки юрак
Бу сұхбатдан топғандай дарак,
Келиб қолди шу онда Фаррух,
Бейхтиёр тортди чуқур «үх».
Қонли күзи аламдан ёнди,
Изтироб-ла ҳарёни тұлғонди:
— Бу шоир, бу қашшоқ, дарбадар
Ер васлиға бўлиб мұяссар,
Чанг солмоқчи баҳт-иқболимга,
Қадди шамшод, ой жамолимга.
Бу мушкулни қымасам осон,
Қамар құлдан кетар бегумон.
Құзларига тұлдыриб ғазаб,
Евуз сохиб үйларди титраб:
«Нима қиласай сұхбатда рақиб,
Мен қолмайман бунда бенасиб.
Қасд айласам шириң жонига,
Үтлар қыйсам хону монига!—
Энг ярамас, энг чиркин хаёл
Миясини құлмишди ишгол:
«Топай бунга үзга бир чора.
Фурбат аро қиласай овора»,—
Дея Фаррух қилолмай ҳужум
Соя каби йўқолди шу зум.

ДУСТ ИЗИДАН

Көнг Кашимирда қызыған бозор,
Қизздирмакда қүёш беозор.
Құчаларда маддоҳлар йигин —
Үтказмоқда, одамлар тиқин...
Бахшиш сұраб кезар гадолар,
Муштипарлар, күр бенаволар.

Дүконлар күп, туташ, пайваста,
Атлас, ипак, мол тұла раста.
Мис баркашда олтин, кумуш пул,
Ижара, дер судхұрлар нуқул.
Инглизлар файтунда кезар,
Ким «гүнохкор» таёқ-ла эзар.
Солиқ тұплар косиб, деңқондан,
Юлқиб олар ҳар ғариб жондан.
Құчаларда бемадор күп чол,
Еш болалар яланғоч, ҳаммол,
Зоид ҳожи дүстини излар,
Жуда шешқин одимин тезлар.
Эшитганди бугун Фурқатни,
Саххофликда¹ топиб улфатни
Китобхонлик қилармиш сұхбат,
Ахли қалам, закки табиат.
Зоид ҳожи кезиб гузаргоҳ,
Охир топди Фурқатни ногоҳ.
Раиги үчган, әзган ғам малол.
Фурқат сүрди:— Бу қандай аҳвол?
Нима бұлди, мунча сұлғин руҳ?
Ҳожи деди— Муттаҳам Фарруҳ
Тунов куни Иксир бүйіда,
Шифо сув деб чашма күйінде
Дүстингиз-ла үтирган choқда
Күрган экан сизни узоқдан.
Шундан бери сизга қасд бұлиб,
Дарду ҳижрон, ғазабға тұлиб,
Бошиңгизга туҳмат-балони
Солмоқчимиш ғам, можарони.
Полицайга борғанмиш ҳатто,
Күп сұзларни айтиб беҳаё.
Сизга тұнқаб талай бұхтонни,
Сарф айламиш тұла кармөнни.
Корхонада юз ҷоғлиқ одам
Күйманардик ҳар соат, ҳар дам.
Тери ишлаб бұкарды сувга,
Тушиб баъзан ваҳим, құрқувга.
Күнчиликнинг оғир меҳнати,
Хұжайниннинг дүқ, ҳақорати,
Ололмайин бир нафас роҳат,

¹ Саххофлик — китоб растаси.

Сийнамизни қилиб жароҳат,
Ишлар эдик кеча туш чоғи;
Хўжайнинг яқин ўртоғи
Фарруҳ келди, ивир-шивир гап,
Кўзларида ёнарди газаб.
Эшитдиму қийналдим, шошдим,
Сизни излаб йўллар адашдим.
Мен истайман ғариб бошингиз
Қийналмасин, ёр-йўлдошингиз.
Илтимосим, солингиз қулоқ,
Ёт кўзлардан бўлингиз йироқ.
Хаёл сурисиб Фурқат жим қолди,
Шу жимликнинг бағрига толди.
Кўзларига тўлдириб маъно,
Дўстига дер, боқиб бепарво:
— Майли, ҳожим, асти еманг ғам,
Тирикликин үтказиш бардам.
Фурбат дарди үтган жонимдан,
Айрилганман хонумонимдан.
Ёр йўлида бўлсам овора,
Қайга борай излаб бир чора?
Шу йўлларга бошлиған зулм,
Кўзларимни ёшлаган зулм.
Қайга борай? Синган қанотим!
Кимга керак экан ҳаётим?
Ранжитсинлар, майли, сўксинлар,
Аччиқ ғазаб үтин тўксинлар!
Ёндиригинлар таним-вужудим,
Майли, чиқсин кўкларга дудим!
Лекин ёнмас шеърият, юрак!
Кўндин бошга не солса фалак!
Йўллар ўтар, мен ётган мозор
(Қамиш унмас) бўлур лолазор!

СҮРОҚ

Қисқа бир кун даҳшатли, оғир,
Утмоқдадир аламли кўп сир.
Шаҳар сокит, ўчган чироқлар,
Қоп-қоронги хиёбон боғлар
Қўчаларда йўловчи сийрак,
Лекин катта хона кўп сергак.
Бу ер жабр-зулмга макон,

Анқир тиимай ҳар тарафдан қон.
Темир эшик, девор-тош маҳкам,
Бұлар шунда күп ҳаёт барҳам.
Түн ярмида мистер Гарри чол
Келди билмоқ учун ҳол-аҳвол.
Сигарасин тутатиб хомуш,
Бирдан қайнаң сұради у:— Хүш,
Хиндулардан нечтасин құлға?
Асир қилиб, солднегиз йұлға?
Суриштириди ҳаммасин бир-бир,
Тажаллини сұради охир:
— Инглизнинг ионкүр душмани,
Бир күрайин, сұзлашай қани?
Ким экан у құрқас иғвогар,
Бизнинг кучдан ғофил, бехабар?
Келтирдилар шоирни шу ҷоқ,
Гарри танҳо бошлади суроқ:
— Исминг нима? Сўйла маконинг,
Ортиқчами бу ширин жонинг?
Улуғ давлат ҳақида бұхтон
Үюштиридинг уйингда пинҳон.
Фурқат деган сенға құмакдош,
Маслағатчи, туну күн йұлдош,
Тұпланишиб айлабсан таҳқир.
Биз биламиз үтди қандай сир.
Олов сочар Гаррининг күзи,
Заҳар олуд унинг ҳар сұзи.
Беҳуда гап, оғир ҳақорат
Әзді шоир қалбин ниҳоят.
Тажалли дер:— Эй, мистер жаноб,
Етар, ортиқ берманғиз азоб.
Деҳлиданман, помимдир Мазҳар,
Эркинликни истаб, дарбадар
Юртлар ошдим, кетди қарорим,
Хинд халқиман, йұқ эътиборим.
Дүстим Фурқат мен каби ожиз,
Хеч кими йұқ, ғариб кимсасиз.
Ватанидан кетган, адашган,
Юрагида гам үти тошган.
Англиядай буюк давлатга
Хеч сұз демай, қолди тұхматга.
Дүстим учун мен бунда асир,
Күзларимга тор бўлди Кашмир.

Бу тұхматлар ишқ можароси,
Фаррұҳ деган шахснинг иғбоси.
Барча сирлар мен учун аән,
Бизларда йүқ сиз қилған гумон.
Истагим шу: бернігіз пажот,
Үз әрким-ла кечирай ҳаёт.

— Биз биламиз гуноҳинг катта,
Бошинг кетар билгил, албатта.
Фурқат деган дүстинг топмасаң,
Ё зар тұкиб айбинг ёпмасаң,
Бұлмас сенга озодлик асло,
Асирикда қоласан танҳо.
Мистер Гарри құлди анча дүқ,
Қамчилади, ҳеч натижа йүқ.
Деди:— Қайта солинг қамоққа!
Турли азоб, оғир қийиңікқа.

ЧОРА ИСТАБ

Қуёш кийган оловдан либос,
Мовий күкда, гүё олтии тос.
Гүл олди у аста уфқа,
Тонгга қадар ором, ҳордиққа.
Түп кеч кириб, кенг корхонада,
Корхонамас, бу ғамхонада,
Күнчиларнинг шов-шуви тиинди,
Күплар тунги ишга тутинді.
Зоид ҳожи дүстларни түплаб
Күмак учун яна бошлаб гап:
— Гаррига биз пул тутқазмасақ,
Тажаллини тез қутқазмасақ,
Шоир Фурқат бұлади сарсон,
Ташвиши зүр, топайлик дармои.
Рабин сүрди:— Қаерда Фурқат?
Юракдан биз қиласыз ҳурмат.
Юртимизнинг азиз меҳмони
Нечун чиқсан күкка фифони?!

Бизлар каби бўлмай афтода,
Умри бўлсин доим зиёда.
Ўн рупия айладим кўмак,
Бизга Фурқат ҳаёти керак.
Бош устига уни сақлаймиз.
Севадурмиз ва ардоқлаймиз.

Гумар, Хариш түплаб рупия,
Деди:— Гарри учун «ҳадя!»
Икки шоир топсин деб најот,
Үтказсин деб тириклик, ҳаёт,
Югурдилар күтариб пора,
Уч-тұрт ишчи излашиб чора.

СОВУҚ ХАБАР

Кунлар үтди. Жафоли кунлар,
Ҳасрат билан, савдоли кунлар,
Зоид ҳожи ертуласида
Фурқат яшар, ғам қулбасида.
Қайга борсин, йүқdir иложи,
Толеи паст, йүқdir ривожи.
Ҳожи яраб қора кунига,
Бўлиб ҳамдард оғир тунига.
Хинд халқидай эркидан маҳрум,
Макони йўқ, бечора мазлум.
Фарруҳ каби бой қорни түқлар,
Эрки учун солиб тўсиқлар,
Дуст-ёридан айрмоқчилар,
Қанотини кайирмоқчилар.
Бериб оғир ҳасратга бардош,
Хаёлида Тажалли йўлдош.
Қийнар доим дустин ташвиши,
Қандай бўлар рупия иши?
Олтин, кумуш ҳукмрон элда
Жабру жафо, ғамга кон элда,
Тугармикин бу туҳмат осон?
Бўлармикин Тажалли омон?
Ўтиарди кулбада хомуш,
Паришонҳол, йўқотгандай хуш.
Ишдан қайтди ҳожи ярим тун,
Ҳол сўрашди, чеҳраси сўлғин.
Гаплашмакка йўқ эди мадор,
Чекар эди яширин озор.
Кўп қийналди, охир сўз очди,
Суз очмади, лаҳза үт сочди:
— Эшитдим мен бир совуқ хабар.
Қамарингиз кеча тонг саҳар
Тушган эмиш Фарруҳ қўлига,
Зўрлик билан солмиш йўлига.

Тузиб ҳийла-найранг тузогин,
Сүлдирғанмиш гулдай ёноғин.
Олиб қочған әмиш узоққа,
Үй ичисин ташлаб фироққа.
Билмай қолмиш ота-онаси,
Ҳатто яқин дуст-дугонаси.
Ҳеч ерда йүқ унинг суроғи,
Бевақт эзіб фарзанднинг доғи,
Тополмайин Қамардан нишон,
Қўзларига тор бўлмиш жаҳон.
Бу хабарни эшитиб Фурқат
Юрагидан очди жароҳат.
Қўлга тираб ғариб бошини,
Эсга олди дил қуёшини:
«Бахт кўкида йўқолди у моҳ!
Қайга бошим урайин, эй воҳ!
Фурқат, демак, айрилиқ номим,
Қайғу-ҳасрат бўлмишdir номим».
Изтироб-ла ҳижрон заҳрини —
Ютиб, ёзди алам сатрини.

— Оҳким ҳамдарл йўқ, дард ошкор айлай десам,
Езғали шарҳи ғамимни ғамгузор айлай десам.
...Ёрсиз тарки диёр айлаб эдим, аҳбоблар,
Бор диёру, ёр йўқ, азми диёр айлай десам.

Ҳожи берди Фурқатга таскин:
— Керак сизга сабр ила тамкин.
Сизни дерди Қамар доимо.
Унутмагай бир умр асло...
Ҳожи сўзи тугамасданоқ,
Үйга келди Тажалли шу чоқ.
Ишчи Рабин, жонкуяр Хариш
Тажалли-чун тортиб кўп ташвиш,
Пора билан қилдилар озод,
Ёру дўстлар бўлди беҳад шод.
Икки шоир ғариб, дарбадар,
Кўришмакка бўлди мұяссар.



Уқубатли, оғир тонг отди,
Бу тонг ғами юракка ботди.

Фурқат деди:— Устозим Мазҳар,
Хижолатдан қилолмай назар,
Мени дея туҳматга дучор,
Мени дея чекдингиз озор.
Мен бўлмасам оғир балолар,
Тушмас эди сизга савдолар.
Фурқат сўзин тинглаб Тажалли
Деди:— Қувғин, фурбатниң йўли
Тушмак бўлди яна бошимга,
Оиламга, ёр-йўлдошимга.
Ахтараман ўзга диёрни,
Ўзга ватан, янги дўст-ёрни.
Она юртим улкан Ҳиндистон,
Бўлди бу кун кўзимга зиндон.
Фақат дўстлар тинглаб додимни,
Шулар қилди менинг ёдимни.
Менсиз бунда бўлманг жигархун,
Ачишман ёлғиз сиз учун.
Тажаллининг тинглаб сўзини,
Фурқат тикиб мазъюс кўзини:
— Элимда,— дер,— шодлик кўрмасдан,
Бир дақиқа эркин юрмасдан,
Тиич ҳаётни айлаб ихтиёр,
Бу ерларга келдим беқарор.
Боқсан бунда қийналган куп халқ,
Қилолмадим ўз юртимдан фарқ.
Сиз учун тор бўлган Ҳипдистон,
Қандай менга бўлади макон?
Уйиниздан қувган инглиз
Менга тинчлик бермагай ҳаргиз.
Бормоқчисиз, дўстим қаерга?
Мен ҳам бўлай сиз билан бирга.
Ёр дедим мен, вафо кўрмадим,
Кўнгил хаста, даво кўрмадим.
Севги саҳросида адашдим.
Бир жафокор ёрга ёндошдим,
Шу шеър ғариб кўнглимнинг охи.
Ҳайронлигим, ишқим гувоҳи:

Манам шўрида булбул, бўстонидин адашганман,
Юзи гул, қомати сарви равонидин адашганман,
Дилим ҳажри-ла қондир, дилистонидин адашганман,
Ва ё бир мурғи ваҳший ошиёнидин адашганман.

СҮНГГИ КЕЧА

Сүнгги кеча, күкда сузар ой,
Табиатда ўзгача чирой.
Қовжиратар илиқ ел тании,
Чанг-түзонлар босган чамании.
Хинди斯顿нинг шарқий чўлида,
Тибет томон карвон йўлида
Зоид Ҳожи, Рабин вафодор
Кузатмакка дўстларин тайёр.
Уч-турт ўртоқ бўлгандилар жам,
Узоқ сафар йўлида шу дам.
Келгандилар яқин манзилга,
Солмоқчилар дўстларин йўлга,
Фамгии деди Тажалли шу чоқ:
— Ҳинд юртидан кетсамиз узоқ,
Қай маконга сифар бошимиз?
Тинармикан қонли ёшимиз?
Фурқат деди:— Борайлик Чинга,
Мехри зўрдир дўст ва яқинга.
Андишага бориб шу кеча,
Уқиб берди бир шеърий парча:
«Муаззам русу чин ҳамкору ҳамдаст,
Азалдан ерлари бир-бирга пайваст.
Лар ижмоидин осоийиш ўлғай,
Шукуҳи дунёга оройиш ўлғай».
У ерда бор улфат қадрдон,
Рабинлардек шафқатли инсон.
Борсак қўяр бошига албат,
Кўрсатадур ҳурмат-мухаббат.
Ёзган эди нома ва салом,
Бизни кутар ҳар сахар-оқшом.
Бу ерлардан бош олиб кетсанак,
Чин шахрига юзлансанак, етсанак,
Ўз шаҳримнинг оби-ҳавосин,
Булбулларнинг пагма-павосин,
Эшитгандай бўламан ҳар чоқ,
Пиллар ўтди, мен қолдим йироқ.
Етар эиди гурбат, жудолик,
Саргардошлиқ, ўксиз танҳолик.
Бу фикрдан Тажалли мамнун:
«Майли, Чинга жўнайлик шу тун».
Хозир бўлди икки учар от,

Чин шаҳрига ёзгандек қанот,
Йўл жабдуғи бўлди мукаммал.
Отланишди мармар тонг маҳал.
Дўстларига очишиб қучоқ:
— Хайр сизга, кетамиз йироқ!
Эй мард йигит, эй Зоид ҳожи,
Ишингизнинг бўлсин ривожи.
Фарибликда бўлдингиз ҳамроҳ,
Доим менинг ҳолимдан огоҳ.
Тажалли ва менинг ғамимга,
Улфат бўлиб дард-аламимга,
Ҳиндудустлар билан баробар
Қўмак бериб олдингиз хабар.
Инглизларнинг зулм панжасидан,
Халқни бўғган исканжасидан
Қутқаздингиз, бердингиз ҳаёт,
Сиз туфайли топдимиз нажот.
Хайр Рабин! Мехринг умрбод
Қолди менда, қиласай доим ёд.
Хайр, Кашмир! Афсона шаҳар!
Фарилларга ғамхона шаҳар!
Мехр билан очдинг кенг кўкрак,
Қандай оғир сендан айрилмак!
Икки-уч йил бағрингда кездим,
Ҳиндудустлар меҳрини сездим.
Севинч кўрмай тортганимда ғам,
Хабар олиб ҳолимдан ҳар дам.
Кўрсатдилар севги-ла вафо,
Иссиқ қалбдан бўлиб ошно.
Бунда бўлдим бир гўзалга банд,
Қўйдим юрак қўшигин баланд.
Қамар қизнинг нуқта-холидан,
Нилуфардек ойжамолидан,
Ишқ ўйлида чиқди саводим,
Шу ишқ эди эзгу муродим.
Ман кетаман, бунда ёр қолди.
Дўсту улфат, кўп дилдор қолди.
Шеърим қолди чашма бўйида,
Рабинларнинг қалби куйида.
Қолди шунда йиғлаган торим,
Йигитлигим — умр баҳорим!
Хайр, сенга, эй олтин тупроқ,
Бағрим эзар бу ҳижрон, фироқ.

Хайр, айтинг дүстларга салом.
Эсласинлар ҳар саҳар, ҳар шом.
Эркин олар бир кун Ҳиндистон,
Яшнагуси ва боғу бүстон!
Чалур бир кун баҳтии созини,
Баланд қўйиб ҳур овозини.
Балки номим бўладур қўшиқ,
Бир қўшиқким мазмуни қуюқ.
Қашмир келиб, дарбадар сарсон —
Бўлган дея ўқирлар достон.
Иксир чашма бўйида номим,
Ёд этилур шеърим, илҳомим.
Қўйилади балки лавҳа хат
Ва ёзилур: фурбатда Фурқат...

УЧРАШУВ

Улуғ Хитой юрти, кенг Ёркент,
Чаманларга кўрки тенг Ёркент.
Тупроғи бор гўёки ёмбу,
Корли тоғлар қуёшда кўзгу.
Қуёш сочиб беҳисоб зарҳал,
Пасти баланд водийлар баҳмал.
Қандай гўзал моҳир табиат,
Лекин эрксиз ҳаёт ва меҳнат.
Меҳнатсевар халқи бетиним,
Ишлар, аммо узгага унум.
Золим Шангани¹, мингбоши Дутай²
Халқни талар бор-йўғин атай.
Эл яшайди ғариб, саргардон,
Олтин, кумуш ва дин ҳукмрон.
Етмагандай бу кулфат, алам,
Инглизлар суқулиб ҳар дам,
Дин сотувчи шведлар маккор,
Найрангига бўлиб мададкор,
Хитой, Ўйғур халқин қулликка
Солмоқ бўлиб, эгри йўриққа.
Бошга солди турли жафолар,
Бечора халқ — кўкси яралар.
Кўп йилларни ўтказди эвоҳ,
Тинмай чекди қалбдан ўтли оҳ.

^{1/2} Шангани, Дутай — Хитой полиция бошлиқлари.

Тонг пайтида қушлар ғазалхон,
Сабза, бахмал водийлар бустон.
Бетни силар мармар ҳаволар,
Хаста қалбга бериб даволар.
Баланд күпприк тагида шұх соў —
Торим¹ оқар. Қирғоқда чирой.
Дұст йүлини кутиб неча кун,
Үч йұловчи құйғанлар шу тун;
Кутмакдалар азиз меҳмонни —
Шоир Фурқат, дұст-қадрдонни.
Шариф охун², Бек³ учрашдилар,
Ҳасратлашиб қуюқ ҳол-ахвол,
Муштоқ диллар бұлды күп хушқол.
— Бизлар учун тебратиб хома⁴,
Хинд элидан ёзибсиз нома.
Хатингизни олиб аҳли дил,
Муштоқ бұлдик сизга ою йил.
— Раҳмат дұстлар, бу хил илтифот,
Сизлар билән үтсии деб ҳаёт,
Хипид элидан Тажалли шоир,
Соф қалбіда мұхаббат зоҳир,
Ҳамроҳ бұллиб менға тун ва күн,
Иұл жабрини тортиб жигархун,
Ұз юртида күрмайин роҳат,
Бой, киборлар айлаб ҳақорат,
Кувғин қылди узоқ Деңлидан,
Қариндош ва дүсти элидан.
Шариф охун Фурқатга қараб,
Камтарлық-ла очди сұзга лаб:
Деди:
— Бошга құяр әлимиз,
Хамоҳангдир яқин дилимиз.
Хитой, Үйфур, битта дастурхон,
Бир оила, асрий қадрдои.
Паноҳ тортиб бизга ким келса,
Ұзига дұст, яқин деб билса,
Аямаймиз бу азиз жонни,
Қутлуғ кулба, боғу майдонни.

¹ Торим — Еркентдаги дарё.

^{2/3} Шариф охун, Бек — Фурқаттинг дұстлари.

⁴ Хома — қалам.

ҚОРҒАЛИКДА

Баҳор, ҳар ён ёзилган сабза,
Охуларда шұхлик ва ғамза.
Фунчаларнинг лабида күлгү,
Қүшлар тонгда тарқ этгай үйқү.
Соя солар зумрад япроқлар,
Еллар эсар, титрар, үйноқлар.
Гул, райхонга тұлған чаман, бое,
Олтип фасл, қаңдай гүзәл чө!

Шу гулшашиниг сайрида Фурқат,
Чеҳрасида ҳузун ва ҳасрат.
Үтиради хомуш ва таңхо,
Құлда таңбур, оқ урап наво.
Яиги ёзған юрак сатрини,
Фурбат, алам, оғир гардини
Құшиқ қилди ёниқ ва жұшқини,
Хижрон гамини, яралы ишқини.

«Биродарлар, менинг бошимға түшгап бу нечук савдо?
Қарорим йүқ, қуюн яиглиғ на менде маңылду маъво.
Биёбопи тахайюрда қолиб мен вола-ю таңхо,
На ёру ҳамдамим бордир, на құлда ҳосил дүниә,
Замона пурхатар дүшман, адабсиз дүст бенарво».

Ғам пардасин үйшар бармоқлар,
Эвоҳ, қайды қолди үртоқлар.
Юксалади үтли фифони,
Юртниң эслаб қийналар жоши.
Құз олдидан үтар Фаргона,
Кел деб, гуллар тутар Фаргона.
Мұқимишшынг файзли ҳужраси,
Шириң суҳбат, шеърий кечаси --
Жонли сурат үтади аста,
Сиқилади, күнгли шикаста.
Хаёл қочди узоқларға гоҳ,
Дүстларига бұлғандай ҳамроҳ.
Олған бұлар Завқий косасини,
Гоҳ лоланинг иссиқ бұсасини.
Сиғдирмайин үз ватанига,
Үз үйніга ва чаманига
Бой-киборлар, жирканч бир тасынр,
Құз олдидан үтади бир-бир.

Яна «Түф»¹ деб сесканар, қайнар,
Ғазабланар ва күнгли айнар.
Эсга тушар Тошкент оқшоми,
Дилдан кетмас дүстлари номи.
Гимназия ва томоша боғ,
Кенг хиёбон, ранг-баранг чироқ.
Бари бўлур шунда намоён,
Тўлқинланар умид ва армон.
Тинмас танбур баланд фарёди,
Эсга тушар дўстларин ёди.
Фарқ бўлади созин авжига,
Фарқ бўлади хаёл мавжига:
Тушунчасин қийнар ҳаяжон,
Шу чоқ пайдо бўлди Қомилжон².
Қарши олди ҳурмат-ла Фурқат,
Қилди унга юракдан ҳасрат.
— Қоронгиликда³ қолибман ёлғиз,
Ёру улфат мендан хабарсиз.
Сигмай қолди ҳеч ерга бошим,
Аlam бўлди ҳар дам маошим.
Турмуш оғир, йўл топмаганлар,
Бахти мендек ҳеч чопмаганлар,
Бу үлкада юпун беҳисоб,
Чекар экан доимо азоб.
Бой, амалдор «бу одам» демас,
Қашшоқ ғамин ҳеч кимса емас.
Нега келдим, бўлдим овора,
Тополмайин дардимга чора.
Фурқатнинг бу ҳоргин ҳолига,
Ўртоқлашиб ғам, малолига
Деди:— Ортиқ ғам чекманг, шоир,
Бўлманг асло бу ерда дилгир.
Ёркентдаги бир неча аҳбоб
Сизни ўйлар, чекар изтироб.
Ҳозир бизнинг Уйғуристонда,
Турли манзил, боғу бўstonда,
Инглиз ва шведлар — ётлар
Ёзган бунда қора қанотлар.
Докторликни қилиб касбу кор,

¹ Бу ерда шоирнинг Фарғона бой ва амалдорларига қарши ёзган «Түф» шеъри кўзда тутилади.

² Қомилжон — Ёркентдаги Россия фуқаролари бошлиғи.

³ Ёркент уездидаги бир қишлоқнинг номи.

Бұғмоқдалар әркимиз маккор.
Топиб келган янги дин — найранг,
Бу ҳийладан күплар ҳоли танг.
Хитой, уйғур халқын әркига,
Чанг солмоқда бойлик, күркига.
Келдим бирга Ѓеркент кетай деб,
Дүстлар арзи ҳолин этай деб...
Бу таклифни тинглагач Фурқат,
Үқиб берди жұшқын шеърий хат:

«Биз инстиғно эли қичқирмоғон маъвоға бормасмиз,
Агар чандики хирман айласа дунёға бормасмиз.
Агар лаб ташна қолсак фильмасал сахрои оламда,
Маломат зоҳир этса мавж урган дарёға бормасмиз.
Умид этгонимиз аксар саодат бутаи ҳақдин,
Агарчи мис эрурмиз қіммати тиллоға бормасмиз.
Биз эллар — фақр әлимиз, парча нонға сабр айлармиз,
Фараз дунё учун Искандару Дороға бормасмиз.
Әмасдур ончи асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,
Вале кетгунча жуз андишаи фардоға бормасмиз».

Қомил деди:— Борсангиз агар,
Турмушингиз қийналмай үтар.
Фазлингиз зўр, эй ҳозиқ — табиб,
Софлик бўлар эл учун насиб.
Дард аҳлига қилсангиз даво,
Сизни ҳеч ким унутмас асло.

ТАЪҚИБ

Кучсиз шамол, кўк юзи булут,
Ҳаво айнаб учар чақмоқ үт.
Қўчалар жим, йўловчи сийрак,
Ёмғир қуяр, ҳар ён сув, кўлмак.
Қўлларида ушлаб соябон,
Икки киши келади чаққон.
Қадам ташлар, атрофда кўзи,
Чеҳрасида ғазабнинг изи.
Серҳаракат, енгил ва шовқин,
Катта оқ уй олдига яқин
Келдилар-да тек туриб узоқ,
Тингладилар, сокит ҳамма ёқ
Шу чоқ эшик очилди бехос,

Сирли хона, киборларга хос.
Қарши олди Бернард деған чол,
Аста сұраб билди ҳол-ақвол.
Катта бир зал, ашё мұхташам,
Ерда алғон-қашқари гилам.
Үй тұрида уч-тұртта киши,
Хаяжонда, ортиб ташвиши,
Кілмоқдалар дам-бадам май иүш,
Конға тұлған күзлари сархуш.
Келгувчига Дедсон¹ тик қараб,
Дақшат билан очди сүзга лаб:
— Нима бұлды биз берган фармоч,
Токай Фурқат кезади омон.
У күрсатған дори ва даво,
Күплар учун бұлибдур шифо.
Шоир әмиш, олим забардаст,
Күпчиликка әмиш ҳамнафас.
Севар әмиш қашшоқ беморлар,
Хизматида неча дүст-әрлар.
Келар әмиш ҳамма қошиға,
Күяр әмиш ҳамма бошиға,
Бало бұлыб келди бу Фурқат,
У келди-ю бизга йүқ ҳурмат.
Бизнинг фармон ва бизнинг тадбир,
Меңнат ахлар қылолмай асир,
Инглизлар сири бұлды фош.
Бу ақволга ким берар бардош?
Биз биламиз құшни улуғ рус
Хитой халқи ва уйғурға дүст,
Бермоқдалар ҳар ишда кумак,
Күрсатмоқда дүстликда ўриак.
Бизлар каби бу кең тупроқни,
Элни қамраб, қуллик тузоқни
Солмоқ учун фикри йүқ асло,

¹ Инглиз ва швед врачлари. Юкорида номлари ёзилған инглизлар XX асрнинг бошларыда Синьцзян вилоятини босиб олиш мақсадида суқылғио қириб, миссионерлек ишнин олиб борадилар.

«Қашқартта босмахона қуриб, медиаткани халқни заһарлап, уйғур билан хитой халқи үргасидаги дүстликни бузуб, диний жаңажал чиқарып учун рисола — китоблар босиб чиқарадилар. Инглизларнинг бирлаштан миссионерлек ташикоти кейинги пайтда Америка разведкасига хизмат килади, тескаричи-гоминданчилардан малад олиб туради». (Синьцзян вилоятининг «Олғы» газетаси, 1948 йыл, декабрь сөні.)

Хизмат қилиб ошнога ошно.
Мақсадимиз йүлига оқча
Түкдик талай, қани бир боқса?
Бизлар берган сирли ниқобни
Нега йиртдинг,
Бергии жавобин?
Гарри шу чоғ оғир сүроққа
Довдиради, боқиб ҳар ёққа.
— Дедсоң, жаноб, кечинг гұноҳым,
Тун-куп Фурқат әди ҳамроҳым,
Үзимни бир гариб-мусулмон —
Шаклида мен шоирга ҳар он
Күрсатдым-да, хизматни қилдим,
Дори-дармой мирини билдим.
Шогирд бўлиб Фурқатга гүё,
Ётиб қолдим ҳужрада танҳо.
Ҳатто менга ортиб ишончи,
Ташлаб кетди ҳужрапи баъзан,
Сайр этгани дала, тоғ, чаман.
Топдим бир кун қулайроқ фурсат,
Иш бошладим, курсатиб «хизмат»,
Бир-икки хил дорига заҳар
Қўшиб қўйдим, гүёки заъфар.
Ҳеч ким билмас ҳатто исидан,
Мазасидан, лаззат, аксидан,
Топшириқни бажардим аста,
Шу чоқ шоир кенг Сўгат¹ раста
Кириб кўрди, бўлди хабардор,
Шунда юрак бўлди беқарор...
Ваҳим билан вужудим титраб,
Ололмадим ўзимни ўнглаб.
Ортди шунда Фурқат гумони,
Шубҳа билан қийналди жопи,
Ранги рўйим кўрди ва шошди,
Асаблари қийналди, тошди.
Татиб курди дорини бир-бир,
Маълум бўлди ёвузлик ва сир.
Чидолмайин қилди ҳақорат,
Тушди менга оғир бир ҳолат.
Маҳкам тутди шу чоқ қўлимни,
Билолмадим ўнгу сўлимни.

¹ Фурқат табибчилик дўкони очган жой.

Келиб қолди Комил оқсоқол,
Қочмоқ учун менда йүқ мажол.
Олиб борди күплашиб илдам,
Руслар турган хонага қадам —
Құйдим, шу дам үзни унудим,
Ва даҳшат-ла лахта қон ютдим.
Үтирганлар бирдан тутоқди,
Ваҳший күзлар ёнди ва боқди.
— Үчир товшинг, Гарри, ортиқ бас,
Йүқдир сенга эркинлик нафас.
Бир оғиздан дедилар:

— Ұлим!

Жамиятдан шу қатъи ҳукм,
Үз юртингга кетасан албат,
Сенинг учун тайёр қонли акт.
Топшириқни қилолмадинг ҳал,
Ишинг күрар унда трибунал.
Бу ҳукмни тинглади, үзин —
Тутолмайин, тирнади юзин.
Боғладилар оёқ-құлини,
Ертұланинг очиб йүлини,
Юқоридан захга ташланди,
Яна қызғин суҳбат бошланди.
Дедсон жаноб жуда ҳам ғамғыз
Деди:— Бизга тор бўлмоқда Чин.
Бизлар очғаң шифохоналар,
Сирли уйлар за кошоналар
Мақсадимиз йўлида хисмат —
Қилолмади, халқда йўқ рағбат.
Катта-кичик севгисин тортган,
Табиблика шуҳрати ортган —
Фурқат учун қўйган кишимиз —
Фош қилинди бутун ишимиз.
Бу ишга тез чора топмасак,
Очилган сир устин ёпмасак,
Қувлар шаксиз Хитой шаҳридан,
Боғ ва бўстон, зилол наҳридан,
Сўзга чиқди Юба деган зот;
— Бу эллардан қувилмоқ уят!
Яхшиси шу шоир Фурқатни,
Топиб бир кун қулай фурсатни,
Бўғиши керак, ўлдириш керак,
Хаёт гулин сўлдириш керак.

Хәётидан қолмасин бир из,
Докторликда иш күрайлик биз.
Тадбир излаб қора ииятлар,
Сирли, ёвуз, разил иллатлар,
Май ўрнида қадаҳларда қон
Шимирмоқни истаб беомон,
Эшик очган Бернард — маккор чол:
— Тұхтанг,— деди,— бу гаплар хаёл.
Фурқат деган олим бир шахсни,
Үлдирмоққа қылсақ биз баҳсни,
Бу йүл билан бұлмагай асло,
Бошимизга тушар зүр бало.
Кечагина құлымиз билан
Ва тадбirsiz йұлымиз билан,
Фош қилинди бутун сиrimiz,
Максадимиз, яшірин фикримиз.
Шу фурсатда уни үлдирмоқ,
Құз косасин қонға тұлдирмоқ,
Бермас асло яхши натижа,
Жаноблар, бу беҳуда режа.
Чунки биздан күрап бутун халқ,
Биздан хүнин сұрап бутун халқ,
Фурқат бунда рус фуқароси,
Руснинг яқин чин ошноси,
Бағрии очган катта юрт Хитой,
Фурқат учун берган иссиқ жой.
Қараб турмас бу хил аҳволга,
Бошимизни соладир шолға¹.
Бу фикрдан қилинг андиша,
Оёғимиз чопади теша.
Зални босди оғир бир сукут,
Халқа-халқа тутунлар булут,
Давом этди чол, уқтириб сүз,
Атрофига ташлаб ёвуз күз:
— Фурқат ётган ҳужра — дүконга,
Қимматбаҳо дори-дармонга,
Яхиси шу: қўймоқ керак ўт,
Алангада исинсин бу юрт.
Тасодифан ўт кетди десин,
Тангри қаҳри хұп етди десин.
Ұзи күриб, бор-йўғи барбод —

¹ Шол — жазо таҳтаси.

Бұлса, ҳеч ким уни қилмас ёд.
Құплар хурсанд өзіннің сүзидан,
Керак таъқиб Фурқат изидан.
Юракдаги бу сирли тутун,
Бажарилсін,— деди,— яқин кун.

ФАЗАБ ВА НАФРАТ

Наҳор вақти ҳужрада ёлғиз
Фурқат тикиб китобларга күз,
«Алқонун»ни варақлар узоқ,
Устоз Сино бұлиб шамчироқ.
Табобати, маърифатига,
Хәёт йұлы, шұхрат отига
Шу өз келди буқчайған бир чол,
Етаклаган набира, беҳол...
Дардин қылды Фурқатға изҳор:
— Даво қилинг, атаганим бор.
Фурқат күлди:

— Қилай парвариш,
Менинг учун чекманғ күп ташвиш.
Чолни күрди:— Қонингиз ғолиб,
Айтинг, боқди сизни қай табиб?
Дардингизни дерлар хафақон,
Жоним билан қиласын дармон.
Чол асабий, күзіда йүқ нур,
Аlam сиққан, күнгли беҳузур.
— Қандай қилай, үзимга душман --
Бұлдым, ҳар өз күйналади тан.
Инглизга бордим давога,
Ёвуз бұлиб мен бенавога.
Дори берди, ошди ҳарорат,
Оғирлашди мендаги ҳолат.
Лайрлдим мен охир күзимдан,
Бехабарман бутқул үзимдан.
Фурқат бұлди бу гапдан маъюс,
Чол ҳолига чекиб күп афсус;
— Инглизга борманғиз зинҳор,
Улар жосус, душман ва беор.
Хитой юртін келган талашга,
Ендиришга ва үт қалашга.
Табиб сүзин тинглаган бемор,
Дикқат билан бериб эътибор.

Бир китобча олди ёнидан,
Тұлиб-тошиб ҳаяжонидан:
— Хасталарга буни инглиз
Тарқатмоқда, эмасдир бежиз.
Фурқат олди шошиб китобни,
Босолмай куч ва изтиробни,
Нафрат билан қилди юз пора,
Хатто унга қилмай наззора:
— Бу китобни ўқимоқ — гунох,
Иулдан урар, ташламанг нигох.
Чолға берди дори ва дармон,
Деди:— Кулбам очиқдир ҳар он.
Шифо истаб, ким келса агар,
Бұлолмайман ундан бехабар,
Узатаман күмак құлини
Ва изләйман соғлиқ йүлини.
Бемор бұлди Фурқатдан күп шод,
Унұтмайман, деди, умрбод.
Фурқат унниг мамын тусига
Боқиб, бир гап келди әсига:
— Гузардаги косибининг ҳоли
Қандай, унниг ахли ағли?
Үч күн бұлди күролмай қолдим,
Беморлар күп, югурдим, толдим.
— Сиз сұраган Барат бечора,
Дарди оғир, тополмай чора,
Үй ичиси билан қусиб қон,
Боски бүғиш, қийнар беомон.
Құли қисқа, ҳеч ерга етмас.
Бало, ҳасрат бошидан кетмас,
Ҳар дақика күтмоқда үлем.
— Тұхтанг, бобо, борайин шу зум.
Иzlай унниг шифо йүлини,
Тұсай дарду бало йүлини,—
Дея Фурқат чекди изтироб,
Көтө, Барат сорига шитоб.

* * *

Харәба уй, күпдан үчган шаш,
Барат ётар тортиб дард-алам,
Совуқ хона, турмуши хароб,
Бола-чақа үзүндігін, бетоб,

Ичай деса, иссиқ оши йүқ,
Қути үчган, рұзғори қуруқ.
Хаста Барат лахта чүғ-оташ,
Нафас сиқар, күнгли айнар, ғаш.
Томирини ушлади Фурқат,
Зотилжамдир, үтмасин фурсат.
Наштар уриб олай жиндеқ қон,
Омон қолур шунда азиз жон.
Ишга тушди, диққат-ла бокди,
Парвонадек жонини ёқди.
Дармон қылди, баҳш этди мадор,
Дамлар үтди, күз очди bemор.
Хорғин Барат сұзлади аста:
— Раҳмат табиб, мендек шикаста
Холин сұраб, шоир камтарин...
Фурқат деди:— Эй, дилга яқин,
Сиз кабилар дүстим доимо,
Хәёлимдан чиқмайсиз асло.
Фикримдасиз, ашъоримдасиз,
Мүнгли, жүшқин, шұх торимдасиз.
Кайда ғарип бұлса улфатим,
Сизлар билан ортар ҳурматим.
Сиз кабилар ҳар ерда ҳамроҳ,
Бұлай дерман ҳолидан огоҳ.
Дард қүйнида ётган жигархун
Барат бұлди табибдан мамнун.
Турди дори, кафур қайнатиб,
Фурқат қолди шу оқшом ётиб,
Бир неча кун бұлди хабардор,
Шифо топди охири bemор.
Занжир, қамчи ва таёқлардан.
Фазаб үти, ким айтар, сұнар;
Бу қонлардан гул-лола унар.
Кимки бұлса нияти ёмон,
Йул бермангиз, ҳайдангиз шу он!

ҰТ ИЧИДА

Күнлар үтди, беҳисоб күнлар,
Инглизлар, ёвуз құзғунлар
Хитой, уйғур әркига чангал —
Солмоққа пайт пойлар ҳар маҳал.
Иккі халқының дүстлигін бузыб,

Низо, жанжал йұлларни тузиб,
Чиқарди күп рисола, китоб,
Маърифатни қилдилар хароб.
Заңар солди йұқсил ошига,
Турли жафо солди бошига.
Етимларга гүё меҳрибон,
Бошин силаб бермоқ булиб нон,
Асир қилиб қувди Ватандан,
Қашқар, Еркент, гұзал Хутандан.
Бу ҳасратта қақшаб оналар,
Ҳажр үтига күйиб ёнарлар.

Сұгат сарой. Одамлар тиқин,
Йиғилганлар узоқ ва яқин.
Хонасида үтирап Фурқат,
Шариф охун, Бобожон улфат.

* * *

Туш пайтида бир күн гузаргоҳ
Шовқин бұлды ва Фурқат ногоҳ
Боқса; кимдир чекмакда фарәд,
Аёл товши:

— Инглиздан дод.
Тупроқ сочиб келар бошига,
Халқ йиғилди унинг қошига.
Фазаб билан қайнар оломон,
Одамлар күп, күча, том, майдон.
Фурқат үқдек отилди, чопди,
Дод деган халқ тұдасии топди.
Ота йиғлар, оналарда зор:
— Токай ётлар беради озор,
Қани бизнинг азиз боламиз,
Хазон бұлди гулу лоламиз.
Тұполон зүр, йүқ зарра бардош,
Абдуқодир¹ күпчиликка бош.
Дадил туриб қилди у хитоб:
— Инглизлар бермоқда азоб,
Докторлиги сохта, ишонманг

¹ Халқпарвар киши. Инглизларга қарши күтариլған бир тұполонда ұлдирилған. («Олға» газетасы, 1948 йыл, «Нимшахид» маколасидан.)

Макр, ҳийла сүзига қоиманг!
Заңарланди беҳисоб бемор,
Үлдирмоқда күпларни беор.
Эркингизни олиб қул қилиш,
Күчингизни сотиб нул қилиш,
Айирмоқчи бизни Хитойдан,
Она-ватаи ва гүзал жойдан.
Боқманг сира китобига ҳеч,
Дүстлик деган хитобига ҳеч.
Бу маккорлар тұдасин қувинг,
Оғиз-бурнин қон билан ювинг.
Халқдан овоз:— Йұқолсин, кетсин,
Қайга кетди боламиз, айтсин!
Абдуқодир үт бұлиб қайшаб,
Түполончы тұдага қараб:
«Болангизга онг-маърифатни,
Бермоқ бұлиб маданиятни,
Мактаб очди, номи «Танжу тов!»¹
Хақиқатда бизга бұлиб ёв,
Үч күн бұлды юз чөглик үғлон,
Қул сифатида кетди Ҳиндистон².
Булар кучин согтар инглиз,
Ғурбатларга отар инглиз.
Бұшроқ келсак бор-йұғимизни,
Қийнар әлу уруғимизни.
Нотиқ гапи тугамасданоқ,
Халқ құтарди тош, кесак, таек.
Кучли тұлқин оқди, құзгалди,
Душманларни излаб йүл олди.
Абдуқодир зүр қадам ташлаб,
Борар халқни олдинга бошлаб,
Оловланган халқнинг ғазаби,
«Болам»,— дейди күпнінг талаби.
Етлар очган шифохонаға,
Сирли макон —«давохона»ға,
Етиб борди алам учқуни,
Етиб борди ғазаб жұшқини.
Фурқат деди:

— Қани у Бернард?

¹ Ұрумчидан очилған инглизлар мектаби.

² Шу мактабда үқиған халқ болаларнинң ишкі кучи сифатида Англияға жүнатилишига ишора.

Токай бизни бүгәр қайғу дард?
Топиб берсін фарзандимизни,
Мадоримиз, дилбандимизни.
У дедсонлар нашр этган китоб
Күйдирілди шу өзек беҳисоб.
Абдуқодир солди ҳайқириқ,
Кетсін ётлар, қани, ушла, йиң!
Шовқиң-сурон үрлади күкка,
Халқ бостириб бораради тикка
Қызыб кетди ұжум, тошбүрон.
Девор, эшик, дераза вайрон.
Тұпалонга дов бермай юрак.
Бир нечаси қочди бедарак.
Ночор Дедсон күринди танқо,
Таҳқир этиб халқни беҳаё
Күзларида ёнарди олов,
Деди:

— Бизлар сизга әмас ёв.

Халқдан овоз:

— Ұғлимизни топ!

Йұқол, етар,

бас, оғзашғын ёп!

Дедсон шошди, халқа қылди дүк,
Ұзин сақлаб чиқарди бир ўқ.
Абдуқодир тортди оғир «ох»,
Күксин ушлаб ийқилди погох.
Ваҳим билан тұзды оломон,
Аскар келди бир зумда шу он.
Халқни сақлаб тартибга солди,
Жиноятчи Дедсонни олди.

Шапған деди:

— Тарқалинг тезроқ,

Давлат қилар бу ишни суроқ.
Халқ үзининг яқин йұлдоши,
Ҳар бир ишда асл сирдоши —
Айрилдилар Абдуқодирдан,
Әрк йұлида бир баҳодирдан.

Фурқат деди:

— Қонли можаро

Дүстимиздан қылса ҳам жудо,
Құрқманг сира ёт оёқлардан,
Дори-дармон, китоблар уюм,
Бахмал гилам, ұжра күп сұлим,

Деворларда ашъор ҳуснихат,
Кашмир қизи, ранг-баранг сурат.
Қизғин гурунг. Үқилур девон,
Шоир Фурқат жүшқин ғазалхон,
(Шеърхонлик этарди давом).
— Кеча бир шеър ёзгандим, тамом —
Жудоликдан қилур ҳикоя,
Ғамларига йўқ ҳеч ниҳоя:

МАҚТУБ¹

Тилар эрдим саҳар тавфи чаман эсган саболардин,
Саломим еткуриб келтур хабар деб ошнолардин.
... Келиб бу шаҳрға кўп оюй ийллар ўтди дарвоқи,
На келди ошнодин хат, на хешу ақраболардин.
... Ватанинг ишиёқин тортарам ғурбат ғами бирлан
Туруб эрдим қутулмай ғуссау ранжу инолардин.
Баногоҳ келди шавқ омизлиғ манзума мактубинг,
Ишорат айлаган зимнида ҳар хил муддаолардин.
Ўқуб ул дам они бўлди оқарғон кўзларим равшан,
Сиҳифа эзиб эрдинг магарким тўтиёлардин.
Демишсан Мухий, Завқий саломат, шукур хуш бўлдим,
Худо қилғой саломат асрарон ҳар хил балолардин.
... Менинг ҳолимни сўрсаки Ёрканд шаҳри-ла сокинман,
Баҳамдиллоҳ, бўлиб мамнун ҳама завқу сафолардин.
Хўтан оҳулариdek онча саргардон бўлибдурман,
Сочи мушки Хито рашики хаёли дилраболардин.
Худо бермиши ики фарзанд Нозимжон, Ҳокимжон,
Қачон бўлғай кўнгул узмоққа бу кўзи қаролардин.
Ва гарки қиблагоҳимнинг мулоқатиға шойиқман,
Вале бордур гила андек амак бирла тағолардин.
... Олиб ёдиға, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.

Шариф охун, қилсангиз сафар,
Фарғонамга етказинг хабар.
Сурасалар кечган кунимни,
Ҳеч тонги йўқ узун тунимни,
Шодликдан бенасиб, деб айтинг,

¹ Бу хат шоирниш қўқонлик дўсти Тошболтуга ёзилган.

Хаста қалбга табиб, деб айтинг.
Айтинг, бунда адашганлигим,
Ҳажр ўтида ёндошганлигим.
Тошболтуга барчасин баён,
Сўзланг, Фурқат зору саргардон.
Дўстларини эслаб субҳу шом,
Йўллади денг, юракдан салом.
Кезмакда денг ижод боғида,
Дўст юртида, дўст қучофида.
Инглизлар жабрини сўзланг,
Юрагимни очинг ва бўзланг.
Кунлар келар, ўз диёрини
Кўтар, албат, дўсту ёрини.
Учмаган денг, жудолик ғами...
Давом этди ижод шеърий баҳс,
Майин оқди қўшиқ ва нафас.
Оқшом чўкди. Ой кўтарди бош,
Гуё кўкда иш бошлаб наққош,
Юлдузларнинг жилвасин чизди,
Сомон йўлин бир ипга тизди.
Ой мўралаб, деразадан гоҳ,
Ошиғига қилгандай нигоҳ,
Кузатади шоир суҳбатин.
Кўз-кўз қилиб ўз латофатин.
Шеърий йиғин ўтса ҳам неча,
Фурқат foят мамнун бу кеча.
— Шариф охун, саломат қайтинг,
Бу хатимни дўстларга элтинг.
Сўнгги кеча ва сўнгги фурсат,
Шариф охун сўради рухсат.
— Келмадилар Тажалли устоз,
Борайми ё мен ўзим пешвоз.
Бермоқчилар совға Кўқонга,
Шоир Рожий, кўп қадрдонга.
— Фурсат бўлса бир озроқ кутинг,
Хабар олинг, ё эрта ўтинг.
Келмакка сўз берган Тажалли,
Кўришамиз келадур ҳали.
— Биз кетайлик, ўтмоқдадир дам,
Йўл жабдуғин қилмоқ керак жам
Шариф охун, дўсти Бобожон
Хайрлашиб кетдилар шу он.

Кулба сокит ва шоир танҳо,
 Ўтиради бир оз бепарво,
 Бола-чақа ташвиши бир дам
 Упугандай тин олди шу дам.
 Тажаллидап бўлмади хабар,
 Борадурман эрта тонг саҳар.
 Уйга борсам фурсат ўтди, кеч,
 Шунида қолмай, ваҳим тун бетинч.
 Ўчди бирдан токчадаги шам,
 Қоронгилик босди, оғир гам,
 Ўрнин тӯшаб хаёлга ботди,
 Турли ўйлар малолин тортди.
 Ухлаб кетди, тонгдан йўқ дарак,
 Ой уфқда, юлдузлар сийрак.
 Кўчалар бўш, кўринмас одам,
 Ит ҳуради узоқдан ҳар дам.
 Қоронгида паст-баланд ўйлар
 Манзараси хунук туюлар.
 Шарқ тарафда, кўча бошида
 Сугат сарой чап ёнбошида
 Пайдо бўлди икки-уч соя,
 Қандай ёвуз ва қандай гоя?
 Ким билади! Худди сув илон,
 Үрмалайди излаб қай макон.
 Бир зум ўтди ивир-шивир сўз,
 Жуда қўрқинч, ёнар ваҳший кўз.
 Юба аста боқди ичкари,
 Эшик, дарча беркилган бари:
 — Фурқат ухлар бехабар, ёлгинз,
 Бошла ишини, Том Самсон, бўл тез!
 Тонг отмоқда. Ўтар йўловчи,
 Қўрган айтар «шубҳали овчи».
 Бажар тезроқ, қатъий топшириқ!
 — Босиб кириб отайми бир ўқ?
 — Сақлан! — деди Юба қалтираб,—
 Отиш бўлмас, чиқар катта гап.
 Ўт қўямиз, соврилар кули,
 Хазон булар ҳаётин гули.
 Жамият ва Дедсон амри шу,
 Фурқат ўлса бизнинг иш мангу.
 Тунов кунги ҳалқининг исёни,

«Болам» деган зору фифони
Ҳаммамизни солди ташвишга,
Бормай қолди құлимиз ишга.
Бу чиқишлиар боиси — Фурқат,
Тажалли ва Мансур Ҳидоят!¹
Шулар бари кураш бошлаган,
Бизга қарши қадам ташлаган,
Қараб турма, бұл, ишпи бажар,
Кимса биздан топмасин хабар.
Хаяжон-ла атрофни пайқаб,
Икки соя юрди авайлаб.
Үйга яқын бордилар тикка,
Бензин сочди дарча, әшикка.
Құллар титраб гугурт чақдилар,
Үйни бутуп үтга ёқдилар².
Үз ишини бажарған ёвуз,
Сирли тунда йүқолди беиз...
Ут ёнмоқда, кучли алайга,
Ут ёпишди покиза танга.
Шуъла сочиб ёнмоқда олов,
Мудҳиш кечә үтмасди бирор,
Фурқат чекди мунгли бир фарёд:
— Келинг, дүстлар, берингиз имдод!
Аччиқ тутун босди ҳар ённи.
Ут қоплади сарой, дуконни.
Гир-атрофдан йиғилди күп халқ,
Қани Фурқат, тутун ичра гарқ,
Қапи юрак дардин табиби?
Қани шоир, шуми насиби?
Құплар үтга уриб үзини,
Иzlар дүсти ва ёлғизини.
Етиб келди Тажалли елдай,
Ут атрофи, оломон селдай,
Сув сепади, аланга баланд,
Тажалли бу даҳшатни писанд —
Қилмай, үзин шуълаға отди,
Ут ичидан Фурқатни тортди.
Ва күтарди багрига босиб,

¹ Инглизларга қарши чиқувчилардан бири.

² 1905 йилларда швед ва инглизлар рақобати билан құйылған үтда Фурқаттнинг табибылиқ дүкони ёнади. («Гулхан» журналы, 1958 йил, 10-сон).

Мудҳиши үлим олдини түсиб.
Фурқат беҳуш ва локин ҳаёт,
Иғилган халқ бахш этди најжот.
Оғир экан унинг тақдиди,
Ёт қўлларнинг жирканч тадбири
Бор-йўғини қилдилар барбод,
Хонумони бўлмади обод.
Учай деса куйган қаноти,
Фурқат куйган, айрилиқ оти,
Қалби — олов, қалами — оташ,
Боқиши — лутф, алами — оташ...

* * *

Оғир йиллар карвони узоқ
Манзил босди, янграб қўнфироқ,
Буронларнинг мудҳиши гирдоби.
Беҳисоб жон алам, азоби.
Ўчмас ҳаёт китобига банд,
Ҳар саҳифа, ҳар бобига банд.
Довулларнинг ғазабкор қаҳри,
Қалбга аччиқ ништардай заҳри,
Тушунчалар чигални барбод,
Этолмади кўплар чекиб дод.
Зулумотда кечди шу олам,
Эрк йўлинин тополмай одам.
Қуёш йўлин кутиб бир умр,
Қон ва оғу ютиб бир умр,
Шоир Фурқат ўт қучоғидан
Қутулса ҳам ўт димогидан
Кетмай асло қоврилиб ўтди,
Дарбадар ва соврилиб ўтди.
Қайга олиб борсин бошини,
Қашшоқликда топиб ошини...
Меҳнат билан тебратиб рўзғор,
Ўтказди кўп ёзу қиши, баҳор.
Кенг Ёркентда ҳаёти тамом
Бўлди охир, дустлар субҳи-шом,
Куйладилар ғамгин куй, достон,
Мозорига: «Фурқат қадрдон»—
Деб ёздилар бир лавҳа мангуву,
Изҳор этиб муҳаббат, туйғу.
Бу муҳаббат яшар умрбод,
Номи мангув этилади ёд.

И з о ҳ л а р

Тажалли — дүстүм Faфур Фуломнинг ёзинича (Муқимий, «Танланган асарлар» 1942 йил, 165-бет), бу шоир асли деҳлилик бўлиб, исми Мазҳар Ҳусайнхон ўғли; ўз юргидаи бадарга қилиниб, Кашимирга келади. Шоир Фурқат билан учрашиб, кўп вақт бирга бўлади. Сўнгра Ёркентга бирга кетиб, умрининг охиригача Фурқат билан бирга яшайди.

Зоид ҳожи Миразим ўғли тошкентлик; Шайҳантаҳур даҳа, Шўртепа маҳаллада яшаган. Фурқатнинг яқини дўсти, 1891 йилда у Фурқат билан бирга чет эл саёҳатига кетади. Арабистон, Юнонистон мамлакатларида бўлиб, сўнгра Ҳиндистонга келади. Бомбей, Кашмир шаҳарларида уч-тўрт йил туриб, ота касби—кўнчилик қилади. Ҳинд бойларининг кўпчилик корхоналарида ишлаб, дўсти Фурқат ҳолидан хабардор бўлиб туради.

Зоид ҳожи Миразим ўғли 1933 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган.

ШОИР

ҚОРА БУЛУТ

Ез чилласи, нафасни
Бұғар қарорат.
Табиатда ҳасратли
Бұғық бир қолат.
Күплар кезар овора,
Йүқ саранжоми.
Баъзиларнинг құлида
Бол тұла жоми.
Икки бошли бургутнинг
Оғир сояси
Элнинг бошига тушган,
Йүқ ниҳояси.
Гұшалардан келади
Хазин бир фарёд.
Бой, боёнлар кезади
Сармаст, күнгли шод.
Оғир ғамга бурканган
Вайрона бу юрт.
Феруза құкни босган
Қоп-қора булут.

ОҚШОМ

Тулкин уриб оқмоқда
Пастда телба сой.
Сой жильвасида үйнар.
Күкда сузган ой.

Чириллайди тинмасдан
Тунги ҳашарст.
Табиат йифлагандай
Аlamli,
 хайхот...
Сой бүйини ёқалаб
Келар бир соя.
Тебранар, пасту баланд
Унга бир поя.
Тун даҳшатин ортирган
Қаби мажнунтол,
Қорайиб күринади
Қирғоқда яққол.
Ғуломни күриш билан
Қушдек талпиниб,
Оҳу каби кўзида
Учқунлар ёниб —
Гавҳар бошлади унга
Аста арзи-ҳол.
— Бунча ҳам зориқтириш...
Қолмади мажол.
Ғулом олди бағрига,
Бошлади ўгит:
«Етар, жоним, бир нафас
Ҳасратни унут.
Тўкма ёшинг, жудолик
Тушмагай асло.
Юр, кетайлик ахтариб
Бу дардга даво.
Қайга сифар ғариб бош,
Сендан айрилиб.
Қалдирғоч қанотидай
Қаддим қайрилиб.
Борарга маконим йўқ,
Етимлик эзган,
Қариндош-уруг юпун,
Барчаси безган.
Узоқ кетма бахш айла
Майнингиҳинг.
Умидим шул: бўлайин
Мангу ҳамроҳинг».
Ғулом тутди Гавҳарнинг
Қўлидан аста.

Икки вафоли дилдор
Ва дил шикаста —
Изламоққа кетдилар
Нажот йўлини.
Ғам-гуссалардан озод
Ҳаёт йўлини.

ФУРБАТ ҚУЛБАСИ

Эгри-бугри кўчалар·
Ойли туи сокит.
Севгани-ла йўл босар
Паришон йигит.
Жин кўчанинг бошида
Хароба бир уй.
Оқар эди шу уйдан
Шикаста ҳол куй.
Дераза, тўйнукларда
Чироқ шуъласи.
Куринар бир ғарифнинг
Ёлғиз қулбаси.
Етишдилар хонага
Икки дўст шу чоқ,
Табаррук останага босдилар оёқ.
Шоир Завқий ўлтирап,
Қўлида ёниқ соз.
Ҳар пардасида титрар
Ҳазин бир овоз.
Қўзида умид акси,
Нуроний соқол.
Чеҳрасида ҳорғинлик,
Боқар пурмалол.
Суҳбат кетди ўртада
Қизғин бир нафас.
Эл-юртнинг ташвиши,
Оғир кундан баҳс.
Ғулом сўзлар, қалбига
Тўлган изтироб.
Қийнамоқда борлиғин
Минг турли азоб.
Завқий боқар маъноли
Үнга дам-бадам:
— Сўзла, ўғлим, келтирди

Қандай бир алам?
Сұзла, кимлар баҳтингга
Солмоқчи чангал?
Кимлар касбу корингга
Бермоқда халал?
Кимлар синдиримоқ истар
Жүшқин торингни?
Тортиб олмоқчи қимлар
Севган ёрингни?
Йигит очи сұзға лаб,
Күзида оташ.
Деди:— Устоз, юракка
Тұлди ҳасрат, гаш.
Оқ пошонинг амри деб
Бою боёнлар
Эзмакда камбағални,
Дилда фифонлар.
Мардикорга олмоқда,
Одам қадри пул.
Пулсизлар сотилмоқда,
Бой аҳлиға қул.
Обид шайтон мени ҳам
Солиб домига,
Қарзимнинг бадалига,
Ұғлин номига
Хатта солдирди сұзлаб,
Кетаман узоқ.
Йиғлаб арз этсам, ҳеч ким
Солмагай қулоқ.
Йұл күрсатинг, отахон,
Қайға урай бош.
Қочайми ұзға юртға,
Қолмади бардош.
Мен кетсам ҳасрат билан
Қолар уй ичи,
Менсиз қандай кечади
Кундузи, кечи?
Мен кетсам қолар йиғлаб
Вафоли ёрим.
Йигитлигим қувончи,
Умр баҳорим.
Гуломжоннинг сұзини
Тинглаб оҳиста

Завқий деди:— Дадил бұл,
Бұлма шикаста.
Юқ күтарған юзага
Чиқадир албат.
Бунинг учун тортмагин
Үғлим, күп ҳасрат.

Бу күнлар бошимизда бир сақоб үлса ажаб әрмас,
Мунаввар зимнида бир офтоб үлса ажаб әрмас.
Бу давлат сув юзинде бир хубоб үлса ажаб әрмас,
Муқаррардир, замона инқилоб үлса ажаб әрмас.

Завқий шеърин тугатди,
Қалбда ҳаяжон.
Ташқарыда құзғолди
Ғовур-тұполон.
Лайғоқчи Обид шайтон
Құққисдан кириб,
Үтирганларни тутди
Бирдан ёпирилиб.
— Тутинг, жаиоб, пошшога
Итоатсизни.
Күрнамак ишдан қочган
Бу уятсизни.
Енидаги жононни
Чиқарманг құлдан.
Сибир қилинг, Завқийни
Хибс этинг шу он.
Күпни йүлдан чиқарған,
Нияти ёмон.
Тили наштар, бизларни
Лайлаб ҳақорат,
Тинчлигимизни доим
Қылмоқчи горат.
Полиция үйнатыб
Ваҳший күзини,
Тұкиб солди зақарлы,
Таҳқи्र сузини.
Гулом билан ёрини
Қылдилар асир.
Құрқинч түннинг бағрида
Үтди талай сир.
Үтакетған зулматга
Қылолмай тоқат,
Шоир қалбига тушди

Оғир жароҳат.
Үқиди ғазаб билан
Үтли ашъорин.
Чертди шунда аламли
Қалбининг торин.

БАХТ САДОСИ

Авроранинг залпида
Октябрнинг садоси.
Россияни ларзага
Солди янгроқnidоси.
Халқлар жангга қўзғолди
Доҳий Ленин бўлди бош.
Олға деб йўл курсатди.
Партиямиз — зур қуёш.
Нажот йўлини топди
Тубанда қолган одам.
Ҳақсизликлар тугади,
Йўқолди қайфу-алам.
Ленин тутган байроқда
Кўринди иқболимиз.
Акс этди бахтли ҳаёт,
Ёрқин истиқболимиз.

ДУСТЛАР

Ҳаёт қайноқ депода,
Саноқсиз одам.
Дастгоҳларнинг жарангги,
Иш қизгин ҳар дам.
Болғалардан учмоқда
Учқунлар — юлдуз.
Бутун цехлар чароғон,
Гўёки кундуз.
Депонинг ён бағрида
Оддий бир хона.
Атрофида қуролли
Эрлар мардона.
Дадил қадамлар билан
Кузатар навбат.
Келдилар Фулом, Завқий,
Қўлларида хат.

Рұхсат сұрағ ичкари
Кирдилар шу өзі.
Петров очиқ юз билан
Очди кенг құчоқ.
Сұңг Завқийга дер Петров:
— Хүш, қандай хабар?
Сизнинг учун ташвишда
Дұстлар кеч-сақар.
Кекса Завқий күп ҳорғин,
Күзіда газаб.
Күрган-білғанларини
Айтди битталаб:
— Уч күн бұлды, душманнинг
Изига түшдім.
Күзлаған мақсадимга
Охир етишдім.
Мухториятчи аблак —
Бир тұда сотқин
Тошота қишлоғига
Құйған махфий ин.
Элни талаб, күп уйни
Қылғанлар вайрон.
Фарзандидан айрілган
Она йиғлар қон.
Отрядлар билан душман
Изини топдім.
Хабар билан ревкомга
Югурдім, чопдім.
— Раҳмат! — деди Завқийга
Петров қувониб.
Тошота қишлоғига
Барча отланиб —
Тун ярмида армия
Юриш бошлади.
Ер-күкка ларза солиб
Қадам ташлади.
Күчалар бүш, паст-баланд,
Мұдхыш зулумот.
Елиб борар пишқириб
Тұда-тұда от.
Үқтін-үқтін келади
Узоқдан фарёд.
Жабрдийдалар йиғлар,

«Босмачидан дод!»
Қишлоқларнинг йўқолгаи
Файзи, сурори.
Қўпларнинг тинчи кетган,
Роҳат-ҳузури.
Етдилар Тошотага,
Ҳали тонг узоқ.
Қозининг қўргонида
Қўринди чироқ.
Командир амри билан
Бошлиши ҳужум.
Қўргонни қуршаб турди
Армия бир зум.
Бойқушлар уясини
Барбод этмоққа,
Петров билан Ғуломжон
Бордилар тикка.
Завқий юрди чап ёқдан,
Ёв инин излаб.
Пистирмалардан ўтди
Одимин тезлаб.
Шу чоғ қўргон олдида
Отилди бир ўқ.
Тўрт тарафдан бошланди
Қучли ҳайқириқ.
Ичкарига кирдилар
Ёнган ўт каби.
Куршаб олди армия
Зўр булут каби.
Қўлга тушиб исломнинг
Пешволари.
Ёт ўлка малайлари·
Раҳнамолари.
Шийпоннинг ёнидаги
Хужрадан овоз —
Эшитилди қўққисдан.
Ғамли, мунгли роз.
Ғулом борди яшиндай,
Пистирма қочди.
Дўстлари билан сирли
Хужрани очди.
Чироққа ўзин урган
Парвона каби,

Уч қыз чиқди паришон,
Девона каби.
— Гулом ака!!— деди-ю
Бири йиқилди.
Севинчидан бұғзига
Нафас тиқилди.
Не күз билан қарасин,
Севгани Гавҳар
Қүш боласи сингари
Талпинар, титрап.
Петров деди:— Бұлдингиз
Чинакам озод.
Октябрдан етишди
Сизларга мадад.
Оналик ҳуқуқингиз
Қуёшдек яшнар.

* *
*

Петровнинг кўксига
Шоир қўйди бош.
Тонг ёришиб, уфқдан
Балқарди қуёш.

ҰЛМАС ҚҰШИҚ

I

Қекса тоғлар тошиға
Хамза ёзар олтин хат.
Юрагида жүш урган
Шодликлари қатма-қат.

Хамза ёзган хатида
Коллективнинг аҳди бор.
Меҳнатсевар эрларнинг
Истиқболи, баҳти бор.

Юксакдан чиқиб қуёш
Шу хатга ташлар нигоҳ.
Фақат уни күролмай
Қора кучлар чекар оҳ...

Сой ёқаси майсазор,
Қизил байроқ ҳилпирад;
Кенг водийлар бағрига
Хеч туганмас нур сепар.

Хамза истар, шу байроқ —
Чүқілардан олсин жой.
Шоирга құшилишиб
Чапак чалар ел ҳам сой.

Хамза билан кезади
Водийлар бүйлаб баҳор.

Бирга құшиқ айтади
Тоғлардан оқсан анҳор.

Қояларга чиқади,
Лола, гуллар ҳамсоя.
Құтлаб гүзал баҳорни,
Күйлар шеър бенихоя.

Құшиқ айтиб булбуллар
Дуторига бұлар жүр.
Аста оқар жар ёққа
Шоир шеъридан сурур.

Тинглаган бұлар сойлар·
Тинглаган бұлар шамол.
Құшиққа бүйнин әгар
Сув бүйіда мажнунтол.

Тинглаган бұлар тоғлар,
Құшилар садаф булоқ.
Тинглаган бұлар майин
Арчазордаги ирмоқ.

Оқшом чұқар водийга,
Тинглар сузгун боқиб ой.
Хамза құшиғин әлтар
Узоқларга кумуш сой.

Тұманга буркалғандай
Пастда мозор. Ҳар ёғи —
Құринар мушук күздай,—
Шайхлар ёққан чироги.

Құтос думли қора түғ
Тебранмас, туар сокит.
Баъзан ҳуриб құяди
Үлакса қидирған ит.

Қоронғи ҳужралардан
Циқар садо, дер: «Әхү!»
Вайрона күлбалардан
Оқар мудҳиши зүр құрқув.

Гулханлар ўчиб қолган;
Оқмоқда қора тутун.
Давра олган бир неча
Заъфарон юз, күзи хун.

Қаргалар ўйин қилас
Нураган пештоқларда.
Дин китобин чанг босган,
Ётади равоқларда.

Хунук бўлиб кўринар
Қоп-қора тунда мозор.
Боқсанг қалбингга ботар
Ранжу малол ва озор...

II

Баҳор юрар етаклаб,
Қўшиқлар айтиб Ҳамза.
Булбуллар чертади тор
Кўрсатиб турли ғамза.

Шоҳимардонда кезар
Қўклами ning шод нафаси.
Табиат чиройига
Ортиб дилнинг ҳаваси.

Қўшиқ айтиб келади
Чўққилардан шалола.
Шабнам билан тўп-тўлик
Қирдаги ёқут лола.

Қуёш ҳар ёққа сочган
Аямасдан зар тигин.
Шоҳимардонда бугун
Ўтмоқда катта йифин.

Меҳнатсевар эр, аёл
Тўпланганилар беҳисоб.
Тетик Ҳамза миибарда
Элга қилас сўз — хитоб:

— Артель тузамиз, дүстлар,
Бу сүз Ленин ғояси.
Бу сүз мазмуни улуғ,
Йүқдир ҳеч ниҳояси.

Олтин каби тупроққа
Ётлар бұлмасин эга.
Сиз яратган бойликни
Ұзгалар олар нега?

Топган-тутганингизга
Чанг солар токай мозор!
Инсоний ҳуқуқингиз
Нечун бұлар хокисор?!

Роҳат күрмай бир умр
Шайхларга қул үзингиз.
Кошоналарга токай
Чүри бұлар қизингиз?

Ленин ёқди мангуға
Бахтимиз чироғини.
Ленин құпорді буткул
Бошдан бало тоғини!

Давлат келтирап бизга
Коллектив тузум, ҳаёт.
Меңнатингизга шерик
Бұлолмас бир ҳовуч ёт.

Қорли тоғлардан оққан
Сизницидир зилол сув.
Зумрад водий, чаман бое
Сизницидир шу бол сув.

Чаманга соя солар
Токай мозор ялови?
Тенг яшаш құлға кирап
Енса исён олови!

Тоғларии күттаргудай
Бизда мардлик, бизда күч.
Текинхұрлардан нега
Ололмаймиз ҳақ ва ўч?

Күнглиңгиздан тарашланғ
Мавхумот құрқусини.
Чин раҳнамо деб билинг
Ол байроқ ёғдусини.

Шу байроққа ёзилған
Ерқин истиқболимиз.
Эрк ва ҳуқуқимиз,
Саодат-иқболимиз.

Шу байроқнинг мазмуни
Меҳр, вафо, муҳаббат.
Ленин берган шу байроқ
Келтиради мангу баҳт.

Шоирни тинглар ҳамма,
Умид ёнар күзида.
Оlam-жаҳон маънолар
Жаранглайди сўзида.

Қорли тоғлар бошини
Эгиб солғандак қулоқ.
Чуввос солиб оқмоқда
Қўшилишиб сой, булоқ.

Ҳамза сўзлар кўпларнинг
Юраги, истагини;
Орзусини суратлар,
Умиди, тилагини.

«Артель бўламиз!» дея
Бир оғиздан садолар
Севинч билан янгради,
Тўлди тоғлар, самолар.

III

Кўкда ой булут билан
Ёпиб олган юзини.
Қора туман беркитган
Юлдузларнинг кўзини.

Кўксувнинг ҳайқириғи
Кўнгилга солар даҳшат.
Тунда мозор гумбази
Кўринади баҳайбат.

Баланд-паст тош ичидан
Чириллайди ҳашарот.
Қушлар кетган ётоққа,
Сайр этади ёрқанот.

Кўринар уч-тўрт соя
Қора тунда ӯрмалаб.
Нажот кутиб мозордан,
Ётар тошини ялаб.

Хонақоҳда ёнмоқда.
Бурқсиб нурсиз бир шам.
Тўпланган аҳли мозор,
Кўзларида ғазаб, нам.

Бошлар қуйи солинган,
Ер чизиб босган сукут.
Бири дер:— Мардлар шоҳи,
Мадад қил, қўлимиз тут.

Йиллаб қилдик изингни
Кўзимизга тўтиё.
Сақладинг бошимизга
Ёғилса ранжу бало.

Бало ўз ичимиздан
Чиқди, бир зўр аланга.
Ёндириб кул қилмоқчи,
Ёпишиб азиз танга.

Куйдириб совурмоқчи
Бутун хону-монимиз
Ер билан яксон бўлди
Иzzатимиз, шонимиз.

Бизнинг айшу роҳатга
Қароллар бўлди зар ёв.

Эрта-индин құритар
Изимизни беаёв.

Оёқяланг тұпланди,
Хамза унга мададкор.
Құлдан кетади бир кун
Богу бўстон, чаманзор.

Ғам, хаёл гирдобида
Үлтирсак кўтармай бош.
Пок сийнамиз эзади
Бало тоғи оғир тош.

Ғазабига чидолмай,
Бири турди лахта чўғ:
— Мен киришай бу ишга,
Мадад берар азиз туғ.

Ҳамзами ё бошқасин
Сўлдирай умид гулин.
Раҳна солай, маҳв этай,
Топмасин ҳаёт йўлин.

Тор кўринсин уларга
Кенг водий — Шоҳимардан.
Қорли тоғлардан тушган —
Анҳорлардан оқин қон...

Қора туннинг бағрида
Ўтмоқда мудҳиш сирлар.
Мақсадига етмоқчи
Кўзи қон, қалби кирлар.

Тунлар оғир, ҳар нарса
Қўрқинч булиб куринар.
Алланарсалар қўлга
Муздек бўлиб уринар.

Фира-шира ўтади
Соями ё тирик жон.
Қон ҳиди анқиб, гурунг —
Кетмоқдадир беомон.

* * *

*

Құшиқ айтиб, гулдуар
«Чакка томар» булоги.
Атлас каби товланар
Сабза гилам ҳар ёғи.

Садаф учқунлар сочиб,
Құшилади Құксувга.
Гүзалликни үзида
Акс эттирган күзгуга.

Муздек сойга түш уриб,
Учар узоқ қалдирғоч.
Гоҳ қилиб баланд парвоз,
Пастга боқади қийғоч.

Олтин қүёш шуъласи
Үйнар булоқ сувида.
Қўринар ранг-баранг тош
Жилва билан тубида.

Булоқ бошида Ҳамза
Шеър үқир, чалиб танбур,
Қушлар унга парвона
Қўшигига бўлиб жўр.

Сойга қўшилиб оқар,
Сойдек шўх унинг сози.
Водий бўйлаб жаранглар
Шоир — Ҳамза овози.

Қорли чўққилар баъзан
Тортадир хаёлини.
Чўққилардан ҳам юксак
Кўрар истиқболини.

Қалбига шеърдай оққан
Ёр севгиси баҳона.
Шод кунларни басталаб,
Куйлар майин тарона.

Күклам чиройи унинг
Нигоҳни этиб мафтун,
Шу гўзаллик дунёси
Шоирни қилар тутқун.

Жим қололмас бир нафас,
Завқи қайпар дамба-дам.
Беихтиёр боқаркан:
Каршида дўсти Хотам.

Хотам турар кўп маъюс,
Қалби тўла изтироб...
Эзган каби кўринар.
Вужудини яшрин азоб.

Қошларини чимириб
Ҳамзага боқди узоқ.
Умид тўла юраги
Меҳрга тўлган, қайноқ.

Кечаги тун мозорда
Билганларин бирма-бир,
Сўзлаб берди оҳиста,
Ўтди қандай машъум сир.

Сўзлаб берди шайхларнинг
Мудҳиш қонли тилагин.
Мозор каби қоронғи,
Ифлос, ёвуз юрагин.

Қилмоқчилар кенг водий,
Боғу бўстонни пайҳон.
Кўксувга қўшилишиб
Оқсин, дерлар, қизил қон.

Гуллар ўрнини дерлар,
Қопласин чақир тикан.
Хазон шамоли билан
Соврилсин яшноқ чаман.

Шайхлар дер: «Ҳамза бизга
Зўр офат бўлиб келди.
Нафрат тошин ёғдириб,
Фазабга тўлиб келди.

Оёқ яланглар учун
Токай очар кенг қучоқ?
Пайти келди, бүғизга
Дадил қадайлик пичноқ»

Хотам сұзлар, күзида
Енар ғазаб ва оташ.
Бизнинг иқболимизга
Душман қалби чигал, ғаш.

Хотам дардин ичига
Сиғдиролмай тутақди,
Чора сўраб Ҳамзанинг
Қўзига маъюс боқди.

Қўшиқ айтади Ҳамза
Юраги созига банд.
Умид билан ҳаётга
Боқади, руҳи баланд.

Дўсти Хотамни тинглаб,
Бўлиб ундан миннатдор.
Деди:— Кураш олови
Сўнмагай, йиллар ёнар.

Тош, кесак отган билан
Қуламас юксак тоғлар.
Тўртта қузғун сайридан
Хазон бўларми боғлар?

Ҳайқирган сойга томчи
Заҳар кор қилмас асло.
Писанд қилмай мавж уриб
Оқар, кетар бепарво.

Ижодкор халқ орзу
Мушкулларни қилур ҳал.
Душманнинг тебраниши
Ва эркига бермас гал.

Довул, бурон қўзғалса,
Чидолмас бир ҳовуч пар.
Тингла, дўстим Хотамжон
Биздадир, ютуқ, зафар!

IV

Сойнинг шўх сувларидай
Оқиб кетмоқда кунлар.
Чиройи мафтун этар,
Мармардек кумуш тунлар.

Коллектив ҳаёт учун.
Ташланмоқда зўр қадам.
Тоғларни қўпоргудай
Гигант қадам мустаҳкам.

Ер ва ҳақ сўраган эл
Қуёш йўлига боқди.
Поёнсиз далаларга
Зўр тўлқин бўлиб оқди.

Ҳамза борар олдинда,
Дўстларим чеҳраси шод.
Тақир ер, шу боғларни
Ўзингиз қилинг обод.

Хукумат чўзар сизга
Доим кўмак қўлини.
Топиб олинг, пайтидир,
Энди ҳаёт йўлини.

Ўз ифодасини топсин
Фикрингиз, қарорингиз.
Бир жон ва бир тан бўлиш
Қалбингиз, шиорингиз.

* * *

*

Учиб қолди мозорнинг
Пештоқларида зоғлар.
Гир айланиб ўзига
Тинч бир маконни чоғлар.

Қабр тошларига бош
Қўйган бир тўп қора куч.
Даҳшат билан қир томон
Оқди, тошли бўлиб ғуж.

...Ҳамза борар олдинда
Бургутдай ёзиб қанот.
Кұрсатар: шу ерларда
Яшнайди эркин ҳаёт!..

Дүстларимнинг күзида
Ёнар умид ва ғуур.
Мавж урмоқда күпларнинг
Қалбіда севинч, суур.

Коллектив ҳаёт кучи
Босмоқда тоғ ва тошни.
Хақ сұраб мулкдорлардан,
Күплар күтарған бошни.

Шоҳимардонни тутди,
Бирдан кучли ҳайқириқ.
Шайхлар чиқарди фарёд.
Дер:— Батракни ур ва йиқ!..

Бошланиб кетди бирдан
Кураш, талаш, тошбүрон.
Пайт пойлаб ташланди
Оч бүрилар, күзи қон.

«Тутиңг, уринг Ҳамзани,
Күпни йүлдан оздирған;
Шайхлар учун бемаҳал
Қоронғи гүр қаздирған.

Мозор тошлари билан
Вужудини парчаланг.
Шоҳимардон қучоги
Батракларга келсин танг!»

Бемаҳал тупроқ қучди
Нечалар бұлыб беҳол.
Қора қонга беланди —
Гул, лола, сабза, ниҳол.

Шоирни ушладилар
Сийнасига уриб тош.

Оёқ остида қолди
Шикастланган азиз бош.

Душманлар хуружидаң
У вақтсиз юмди күзни;
Дүстларга қылди хитоб:
«Курашинг!» деган сұзни.

Ишга тушди, қайралди
Занг босған ханжар-пичоқ.
Ҳамза очди сұнг дамда
Қора тупроққа құчоқ.

Ғазаб жүш уриб оқди,
Қызыб кетди кураш, жанг.
Шоирнинг қони билан
Сой қирғоғи лола ранг.

Тинди бир нафас унинг
Құлдаги үйноқ сози.
Лекин мангы тинмади,
Құшиғи, ҳур овози.

Шайхлар ўз қилмишидан
Түшиб ахволи тангга,
Кураш ўти күч олди,
Шуъла сочиб алана.

Аста-секин суприлди
Чаманлардан ёт оёқ,
Водий бүйлаб нур сочди
Артель күтарған байроқ.

«Үртоқлар» колхозида
Ҳамза гүё кезар шод.
Шеър ўқир, тинглар барча,
Хар дақиқа қилиб ёд.

Сойга құшилиб оқар
Сойдек шүх үйноқ сози.
Ұлка бүйлаб жаранглар
Шоир Ҳамза овози.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАРДА

I

Виқор билан күхна Кремль,
Құчоқ очди янги дунёга.
Ол байроқнинг шуъласи — қандил
Каби порлар, үйнар самода.

Ёлғиз хона. Доҳий серташвиши.
Россиянинг үйлар тақдирин.
Бошида бор оламжағон иш,
Тузмакдадир режа-тадбири.

Құз үнгидан үтар Туркистан
Босмачи, оч бүри галаси.
Ёвуз душман топмасин омон,
Халқлар олсин эркин нафасин.

У истайди халқлар бошида,
Порлаб турсин мураббий қуёш.
Құнгли доим дүстлар қошида,
Үзи ғамхұр ва үзи йўлдош.

Тафаккури саир этар узоқ,
Хәёлида ёрқин келажак.
Тунлар оғир, үчмайди чироқ,
Тонгга қадар бедор ва сергак.

Деразадан боқади юлдуз,
Кабинетда үйнар шуъла — нур.

Бесаранжом үлтирап ёлғиз.
Рұхи баланд, қараши магрур.

Аллакимни кутгандай шу он,
Үқтін-үқтін әшикка боқар.
Тушунчаси чексиз бир уммон,
Улка бўйлаб жўш уриб оқар.

Хона сокит, жиддий ҳаракат,
Зеҳниятин сарф этган ишга.
Мард Фрунзе келди шу фурсат,
Доҳий рухсат берди киришга.

Фрунзени қучоқлаб устоз,
Кўзларига қаради мамнун.
Жой кўрсатди самимий эъзоз,
Кўнгли беҳад очилиб гулгун.

Чўнтағига солиб қўлини,
Хона бўйлаб кезди бир нафас.
Қелажакни, ҳаёт йўлини
Ўйлаб қилур ўз-ўзи-ла баҳс.

Хона сокит, боқар маънодор,
Атрофига югуртирап қўз.
Ташвишини айлади изҳор
Ва ўргага ташлади гап-сўз.

— Ҳаммаёқда ёнмакда олов,
Ут ичида қолди мамлакат.
Ўз бахтидан ажралган зўр ёв
Чеккаларда бошлар ҳаракат.

Инқилобий ишимиз барбод,
Қилмоқ истаб бошламиш хуруж.
Чет үлгадан топиб, дўст-авлод,
Бизга қарши тўпладилар куч.

Бахтимиэга заҳарли панжа,
Урмак бўлиб Деникин, Колчак.
Эрк деб бошин кўтарган қанча,
Топтамакчи ҳаммасин олчоқ.

Үт ичидә күхна Туркистон
Чекмакдадир хұрлық изтироб.
Истибдодға қарши зүр исән
Күтардилар кутиб офтоб.

Хаяжонга солиб дилларни,
Кезмакдадир ҳарён шум оёқ,
Ва қулликка солиб әлларни,
Ҳоким бўлмак истаги мутлақ.

Дашт, саҳрода ва кошонада,
Инглизлар юрмакда изгиб.
Улфат бўлиб турли хонада,
Омолини қилмоқда тарғиб.

Босмачини асил үғил деб,
Қайраб берди қулига қилич.
Бизга ғамхўр яқин бир дил деб,
Ишга солди, локин режа пуч.

Тезроқ боргин, дўстим Туркистон,
Ёвуз режа бўлсин тор-мор.
Душманга ҳеч бермагил омон,
Мазлумларга бўлиб мададкор.

Боргил тезроқ, қуёш бўлиб бор,
Парчалансин, чекилсан зулмат.
Шон-зафарга сен бош бўлиб бор,
Супурилсан фитна ва иллат.

Боргил дўстим, сен баҳор бўлиб.
Яшнаб кетсан далалар, боғлар.
Йўлларингга интизор бўлиб,
Кутмакдадир яқин ўртоқлар.

Ҳаво бўлиб ва сув бўлиб бор!
Ташна лаблар абадий қонсин!
Жабҳаларда турғил барқарор,
Қутирган куч юраги ёнсин.

Сабрсизлик билан кутмакда,
Дўстлар учун зўр баҳт бўлиб бор.
Ташвиш билан куни ўтмакда,
Мехру вафо, чин аҳд бўлиб бор.

Шулар ғами узун түнларда,
Күзларимдан қочирди уйқу.
Құлини тут оғир күнларда,
Қамрагашда кулфат ва құрқув.

— Эшитамаи, севимли устоз! —
Деб, Фрунзе Ленини құлини.
Олди ҳурмаг күрсатиб эъзоз.
Ва күтарди дохий күнглини.

Партияning ишончин албат
Оқлагайман умрим борича.
Сиздан олиб илхом ва қудрат,
Курашаман кундузу кеча.

Сор бургутдай қоқаман қанот,
Енгилмас куч бўлиб бораман.
Йўл кўрсатинг, тузалгай ҳаёт,
Жабҳа бўйлаб тўлиб бораман.

Социалистик улуғ Ватани
Ёвдан тоза қилмагунимча,
Ўлтириш йўқ, баҳш этай танни,
Қўлга кирап эзгу тушунча.

Бу жавобдан бўлди мамнун, шод,
Кўзларида умид тўла нур.
Фрунзени қучоқлаб устод,
Харитани кўрсатди мағрур.

Поёни кенг қолоқ Туркистон,
Қовжираган чўллар, саҳролар,
Сен кезажак бекат ва макон,
Бари яққол азим дарёлар.

Баланд тоғлар, довонлар ошиб,
Ёнdir душман қароргоҳини.
Ҳужумкор бўл, уммондай тошиб,
Қўлга олгил сирли роҳини.

Юксак Помир, кенг баҳмал Олой,
Йўлларингда ястанган Чотқол.
Ивирсиган ёвуз бир талай,
Барчасини топ, ур, ўчингни ол.

Аму кечиб, Қизил арвотнинг,
Йўлларида ёқ дўстим, машъал.
Барханга кўм, ҳар қандай ёвнинг
Тақдирини ўзинг қилгил ҳал!

Харитада юрар йулини,
Кўрди аниқ улуғ саркарда,
Хайрлашди, доҳий қўлини
Олди, жўнар эрта саҳарда.

II

Куз фаслининг илиқ оқшоми,
Туркум булут сузар самода.
Аҳли суҳбат, май тўла жоми,
Ялтирайди мармар ҳавода.

Катта зални ёритган қандил,
Деворларда ўйнар шуъласи.
Суҳбат борар мамнун икки дил,
Авжи баланд, ўйқ ниҳояси.

Ер остидан меҳмонга боқиб,
Чет бир тилда сўзлайди аёл.
Карталарга боқиб, тутоқиб,
Яхши чиқди сиз ўйлаган фол.

Тинчланингиз, э, Бэли жаноб¹,
Бахту толе сизга бўлур ёр.
Душманингиз келтиролмай тоб,
Оёқ остда албат бўлур хор.

Фурбат аро сизни йўллаган,
Давлатингиз бўлур ҳукмрон.
Фоянгизни ҳар чоқ қўллаган,
Дўстларингиз суражак даврон.

Фолингиз зўр, мазмуни тийран,
Яхшиликдан бермакда хабар.
Сизларники бўлур шу ватан,
Бойлик ортар ва кўпаяр зар.

¹ Англия разведкачиси.

Құшиқ айтар Бәли талтайиб,
Хурсанд бұлди чиққан фолидан.
Аста боқар мағрур илжайиб,
Тушунтурап ўз ақволидан.

Фол очувчи хотин құлинни,
Ұпид унга күрсатди ҳурмат.
Ғулгулага солиб күнглини,
Шу чоқ кимдир кирмакка рухсат

Сұради ва бұлди намоән,
Күтилмаган чоқда хонага.
Хотин деди: «Булар қадрдон»
Ва бошлади жой шоқонага.

Садриддинхон гап бошлаб аста,
Таништириди Обид чатоқни.
Күнгли бизга яқин пайваста,
Жасур одам, күрар узоқни.

Мұхторият ташкилотчиси,
Келмиш бизга, олғали имдод.
Яңги давлат чиқмасдан иси,
Большевиклар айлади барбод.

Обид чатоқ қилди арзи роз,
Чұқаевдан сұз очди маңюс,
Дүстлар қочди, лашкар поймол,
Ишлар ҳаром, чекди күп афсус.

Сигарасин мағрур тутатиб,
Меҳмонларни тинглади Бәли.
Яңги режа айтиб, юпатиб,
Иккисига берди тасалли.

Қайғурмангиз, ислом аскари —
Тоғу-тошда қайта тузилар.
Мессиянинг бордир хабари,
Қарши кучнинг йўли бузилар.

Эргаш билан Азамат, Шермат,
Қўмондонлик қилур жабҳага.

Давлатимиз қилажак ҳурмат,
Ишонади, тушмас шубҳага.

Етказамиз олтин ва қурол,
Чўзажакмиз кўмак қўлини.
Ҳушёр туринг, келмасин дарҳол
Фрунзенинг тўсинг йўлини.

Ленин амри билан саркарда,
Туркистонни келиб қўриқлар.
Қароргоҳи тоғда ва жарда,
Бошимизга ёғдириб ўқлар.

Фрунзедан унча йўқ хатар,
Бирга келур Ленин ғояси.
Халқ кутмакда эрта-кеч, саҳар,
Бу ғоянинг зўр парвонаси.

Ишга тушсин «Миллий иттиҳод»,
Ташкилотнинг фидоийлари.
Сизга боғлаб ишонч, эътиқод,
Юртнинг катта-кичиги — бари.

Авом халқни алдаб-ардоқлаб,
Бошлиб боринг тўғри жаннатга,
Лашкар ислом кучини ёқлаб,
Етасиз, денг, тинч, фароғатга.

Ўтиришнинг фурсати эмас,
Қўрбошининг боринг ёнига.
Фрунзенинг келишидан баҳс
Очиб оро киринг жонига.

Эргаш том ва Машҳад йўлига,
Одам қўйисин, қурол тўпласин.
Дини ислом туғии қўлига
Тутиб халқнинг қонин ҳўпласин.

Суҳбат етди ниҳоясига,
Мистер Бэли топширди совға.
Дини ислом ташкилотига
Бу олтинлар сарф бўлсин ёвга.

Хайрлашди ёвуз ниятли,
Эрк қуёшин түсмак бўлганлар,
Кўнгли қора ва жароҳатли,
Кўзи қонли учга тўлганлар.

III

Мусафро тонг, мармар шаббода,
Юзин очган лоларанг шафақ.
Юлдуз учган, тиниқ фазода,
Эл фароғат оғушида ғарқ.

Суронларга тўлган кўчалар
Қучоғида кезар сукунат.
Гоҳ чароғон ўтар кечалар,
Йўқликларга чекилиб зулмат.

Тонгни қутлаб қушлар фифондан
Тинмас асло, янграр навоси.
Алла узоқ бир хонадондан
Келур она меҳри садоси.

Ҳаёт қайнар, ҳарбий штабда
Кўплар бедор, ўчмас чироғлар.
Бирор ҳорғин, ким изтиробда.
Юртни тинглар, сергак қулоқлар.

Хоналарда иш кўп илк саҳар,
Аппаратда телеграфчи қиз.
«Правда» ва марказга хабар
Етказмакда яшин каби тез.

Мард Фрунзе ўлтирас бардам,
Харитага боқар синчиклаб.
План тузар, ёзар дам-бадам
Қофозларга шуқталар қадаб.

Қуюқ, ясси соқслин силаб,
Узоқларга элгади хаёл,
Халқ бахти ва ташвишин ўйлаб,
Гоҳ ғам босар, гоҳ бўлиб хушхол.

Телефон келди бехос узоқдан,
Вужудини босди ҳаяжон.
Завқи сурур у құнғироқдан,
Оққан каби бұлғанди шу он.

— Совнаркомдан — Бонч-Бруевич,
Эшитингиз, дүстим, Фрунзе.
Сұзлашмакчи сиз билан Ильич,
Езиб олинг, тинглаб шу лаңза.

— Салом, Ильич! — Фрунзе сүйлар —
Ишлар яхши, құлымиз баланд.
Душман албат четга сурилар,
Жон-жақд ила уринсин ұрчанд.

Разолатга халқни бошловчи,
Тугатилди «Миллий иттиҳод».
Хар қадамда маҳв үлди кучи,
Осиповнинг фитнаси барбод.

Сиз айтгандай чегара сұқмоқ,
Йўлин тўсдик, душман ўтолмас.
Тентиролмас энди ёт оёқ,
Жазосини бердик ҳар нафас.

Тоғу тошда қароргоҳ қурган
Босмачилар галасин тутдик.
Халқ қонига ташна, қутирган,
Илдизини топдик, қурилдик.

Бу курашда шөнли жабҳада,
Халқнинг асиł фарзанди Үроз.
Құмак берди ҳар бир лаңзада
Шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниәз.

Шулар бұлди мадор ва қанот.
Халқ тұлқини билан оқдилар.
Гузмак учун социал ҳаёт,
Йўлга машъал чироқ ёқдилар.

Туркистанда бундай азамат.
Ҳаёт учун талашғанлар күп.
Кечмишда күп тортиб уқубат,
Бахт йўлида курашғанлар күп.

Телефонда гап этмакда давом,
Ленин сүзлар күриб тургандай.
Фрунзега ҳурмат—эҳтиром,
Құлин сиқиб бирга юргандай.

— Туркистанда фикри-хаёлим,
Мен үйлайман истиқболини,
Ортиб доим қайғу малолим,
Тушунаман халқ иқболини.

Босмачидан, шу оёқлардан,
Тозаланган саҳролар, чұллар,
Рұхонийдан, бой — қулоклардан
Озод бұлған адирлар, йұллар.

Сувга сероб, яшиаб кетсин деб,
Пул беришга айладик қарор.
Кенг уфқа боғлар етсин деб,
Гулласин деб абадий баҳор.

Хаёлимда узоқ Туркистан
Ва илмисиз қолган әллари.
Энди бұлсин маърифатга кон,
Келажаги, ёрқин йиллари.

Шуни үйлаб· бир гуруҳ олим
Күндиридим, халқ бұлур баҳраманд.
Шулар бориб тарқатур билим,
Фикри-зикрим шу дард билан банд.

Энди боринг Бухоро сари,
Меҳнат аҳлини сабр косаси
Тұлиб-тошган, эзилган бари,
Күкка ўрлар әрк деган саси.

Ағдарилсин амир тахтидан,
Асоратнинг занжирин узинг,
Эл қувонсин кутган баҳтидан,
Озод ҳаёт йўлини тузинг.

Инқилобнинг ёниб учқуни
Тез орада олур аланга,
Халқлар муштоқ озодлик куни
Қачон келур деяр Ватанга.

Октябрнинг қуёши кулсин,
Асрий қуллик чеккан улкада.
Хазон боғлар гулларга тўлсин,
Токай қолур юрт кўланкада.

Доҳий сўзин тинглаб қўмондон,
Бухорога тошқин сел каби
Борамиз дер кўтариб исён,
Виждан амри ва халқ талаби!

Штаб бедор, кўнгиллар бедор,
Тун уланур кумуш саҳарга.
Инқилобий армия тайёр,
Зафар учун узоқ сафарга.

IV

Асрларнинг ғам-ғуссасини
Ўз кўксига сифдирган шаҳар.
Мазлум халқнинг дард-қисссасини
Эшилтиргил, тезроқ бер хабар.

Амир, беклар қонли қамчиси
Ҳеч аёвсиз ўйнаб бошингда,
Қуримади кўз ёш томчиси,
Чиройингда, заҳар ошингда.

Ер-сув бутун бегоналарда,
Ҳукм сурди қуллик, асорат.
Кўплар юпун, вайроналарда,
Бор-йўқлари таланганд, форат.

Сулув қизлар, асир, канизак,
Айрилганлар севган ёридан.
Сурма эмас, қонлидир киприк,
Мунг оқади уд, сеторидан.

Олтин-кумуш бунда ҳукмрон,
Гадолар кўп ҳарён дарбадар.
Зулм, ваҳшат эзар беомон,
Ишсизлар кўп, кезар кеч, саҳар.

Лабиҳовуз мармар лабида
Ташналиқдан ўлганлар қатор.
Күйиб-ёнган сув талабида,
Бир томчи сув учун кўплар зор.

Ҳар ён қақроқ, ёнмакда оташ,
Ловуллаган ғазаб-аланга.
Ҳақ-ҳуқуқ деб бошланган кураш,
Исён ўти сифмас жаҳонга.

Изтиробда бугун кўхна юрт,
Инқилобнинг қуёши шуъла
Сочди, бойлар тушига тобут
Кирмакдадир, ҳар ён ғулгула.

Амир тахти қалтираб, титраб,
Кутмакдадир қулаш соатин.
Ёғилмоқда нафрат ва ғазаб,
Халқ йўқотган ўз фароғатин.

Ҳафта бўлди, Когонда ҳаёт
Қайнамоқда, олган бошқа тус.
Замбараклар ёзгандай қанот,
Кузатмакда армия маҳсус.

Депода иш ва суръат қизғини,
Ишчи отряд қамраган штат,
Эрк, озодлик сўзлари ўқтин
Янграмоқда, кураш, инқилоб.

Бухоронинг нураган, юксак
Деворлари тумандан аранг
Қўринади, узоклардан арк.
Сарбозлар кўп, маъюс, ҳоли танг.

Маҳкамланган ҳамма дарвоза,
Кўплар кезар сўқмоқ йўллардан.
Мард Фрунзе келмиш овоза,
Жой олмишдир яқин диллардан.

Ола-ғовур ва ҳарбий ҳолат
Ҳамма ёқда сурмакда ҳукм.
Бой амалдор қалбдан жароҳат,
Яраланган, кутмакда ўлим.

Кунлар иссиқ, ёқимсиз ҳаво,
Самум каби қуритар тинка,
Ҳарбий штаб олдида пайдо
Бұлды бирдан икки күланка.

Қелувчилар кирди ичкари,
Соқчиларга құрсағач ҳужжат.
Фрунзениң бундан хабари
Бұлмиш, булар бердилар бир хат.

Фрунзениң хатига, амир
Ғазаб билан ёзмишdir жавоб.
Бухоро деб бұлманг күп дилгир,
Бизни дея чекмангиз азоб.

Дүст бўлиш йўқ, сиз билан асло.
Инглизлар бизга қадрдон,
Ташвишимиз чекиб доимо,
Уйимизни тўрида меҳмон.

Мустақиллик шулар қўлида,
Қилиб бизни мангу ҳимоя,
Мақсадимиз диннинг йўлида,
Шариатдур биз севган ғоя.

Талабингиз бизларга кетмас,
Ғамхўр бұлманг, жаноб қўмондон.
Бухорога қўлингиз етмас,
Биз ўзимиз озод ва омон.

Жавобим шу: элчини ҳурмат
Билан солинг қайта изига,
Бизлар учун чекмангиз заҳмат,
Қулоқ солинг қўшни сўзига.

Бу жавобдан Фрунзе мамнун
Булолмади қақшаб асаби.
Чалкаш гаплар ва саёз мазмун
Таъсирида ортиб ғазаби.

Разил турмуш, эски дунёning,
Сўнгги қолдиқ намояндаси.
Халқ бошига битган балонинг
Сабабчиси ҳамнафс бандаси.

Тузук маъно олмай сүзингдан,
Жавобингдан қалбга тушди ғаш.
Тақдирингни кўргил ўзингдан,
Халқ ғазаби бўғар ва оташ!

Деб, Фрунзе кўрсатиб ҳурмат,
Элчиларни узатди шу он.
Саркотибга қоллириб бир хат,
Шошиб кетди армия томон.

* * *

Ҳафта бўлди, ҳаёт узгача,
Қуршалганди бутун Бухоро.
Жабҳа сергак, кезар тонггача,
Халқ амрини қилмоқчи бажо.

Музайиқа нақшдор бир хона,
Товланади лоларанг гилам,
Мистер Бэли ғазабдан ёна,
Сўзламакда ҳоргин, дамба-дам.

Ҳожи Ҳилол ғамгин ва хомуш,
Ўлтиради ёниб бетоқат,
Обид чатоқ йўқотгандай ҳуш,
Кечирмакда оғир бир ҳолат.

Садриддинхон Бэли сўзини,
Кесиб бирдан айлади давом.
Таъқиб этиб маккор кўзини,
Деди:— Жаноб, бу фикрингиз хом.

Тамом бўлди энди Бухоро,
Биз ўйлаган ҳаёт бўлмайди.
Амирликка қарши фуқаро
Ҳарён исён, нажот бўлмайди.

Халқ қўзғалиб ҳар бир нафасда,
Бек, амалдор изига тушган.
Фақат бизлар қолдик қафасда,
Изтироб-ла, юраклар жўшган.

На Фарғона ва на Қўқандаги
Тузолмадик миллий бир давлат.

Жар солғанди бутун жаҳонга,
Пучга чиқди бутун ҳаракат.

Қани Эргаш, Ислом лашкари,
Тоғу тошда от ўйнатганлар?
Халқ ҳукмидан маҳв ўлди бари,
Меҳнат аҳлин қонин тўкканлар.

Давлатингиз кўмагидан ҳеч,
Иш қилолмай бўлдик овора.
Қурол-яроғ кутиб эрта-кеч.
Ўз кўксимиз доғладик ёра.

Фароғатни кўрмайин асло
Бухорога бош урдик эвоҳ,
Аҳволимиз тангдир доимо,
Ким бўлади бизлардан огоҳ?

Сув юзида мисоли ҳубоб,
Амир тузган катта салтанат,
Ўз қаҳрига тортмишdir гирдоб,
Қочиш учун топилмас фурсат.

Ҳеч ким бизга бўлmas мададкор,
Ажал ҳайдаб келмишdir жаноб.
Їўлимизга зиндан ёки дор,
Тайёрламиш ҳукми инқилоб.

Мистер Бэли турди тебраниб,
Қайфли кўзда ёнарди олов.
Қўли пахса кимнидир яниб,
Деди:— Бизни тўсолмайди ёв.

Муфти жаноб бўлсин кўнгил тўқ,
Қўрқманг, амир бизни ташламас.
Бирга қочсак, мақсад йўл-йўриқ,
Равнақ топур ҳар чоқ, ҳар нафас.

Чет элларда сизни қўлловчи,
Топилади ишга ҳам ривож.
Туркистонни олишга кучи,
Етар албат, тузар таҳт ва тож.

Ўзингизни тутинг, жаноблар!
Нажотингиз мистер қўлида.

Асаб қийнаб бүлманг хуноблар,
Сиз яшарсиз дүстлар күнглида.

Дея эшик ёнига бориб,
Йүклар шу он малай Пұлатни,
Иигит кирди югуриб, ҳориб,
Хайрон бүлди күриб ҳолатни.

— Амрингизни айтинг, тақсирлар,
Бошим билан қилайин бажо!
— Бунда қолсак очилур сирлар.
Аркка етказ, бүлгил раҳнамо.

— Хұб, десаңгиз, қолинг сүнгти туң,
Хозир нотинч бутун күчалар,
Қайнаб тошган шаҳримиз бутун
Ким амалдор кезар нечалар.

Фрунзенинг мард йигитлари,
Қамраганмиш шаҳар деворин,
Қанот қоқиб сор бургутлари,
Сарф айламиш куч ва мадорин.

Извошчикни құшайин шу дам,
Аммо юриш туғдирар гумон.
Маслаңат шу: дам олинг хуррам,
Эрта саҳар әлтайин чаққон.

V

Қоронғулик пардаси бирдан,
Тушди ҳарён, кезарди даҳшат,
Гумбур овоз узоқдан, қирдан,
Шуъла учеб чекилди зулмат.

Сентябрнинг порлоқ тонгида
Регистонда юз очди шафақ.
Армиянинг ҳужум, жангиды,
Күмаклашды жасур мазлум халқ.

Тұп зарбидан тұзиб ҳавода,
Куюн каби түзон тош-тупроқ.

Юлдуз бўлиб ўқлар самода.
Учиб тушар яқин ва йироқ.

Суронларга тўлди кенг саҳар,
Амир тахти ёнмакда олов,
Урра товши умид ва зафар
Бахш этмакда, мажақланиб ёв.

Илгарига босинг, ўртоқлар,
Мард Фрунзе овози баланд.
Хилпирасин қўлда байроқлар,
Душман бўлсин таслим, сизга банд.

Ланг очилди ҳамма дарвоза,
Еприлди армия бутун.
Арк олинди, деган овоза,
Байроқ тикди қўмондон бугун.

Товланмакда байроқ қуёшда,
Тонг пайтида Бухоро таслим.
Мағлуб бўлди қонли курашда,
Душман, аммо тайёр, бетиним.

Бой, амалдор хонаси вайрон,
Ҳар қадамда чироги учди.
Бутун зафар, ғалаба, фармон,
Озод халқнинг ҳукмига кўчди.

Эшик қоқди тонг чоғи Пўлат,
Кутиб олди бир туда меҳмон.
Қўлда қурол, енгил гранат,
Буни кўргач барчаси ҳайрон.

Афандилар қўзғалманг, зинҳор,
Тақдирингиз бўлажакдир ҳал.
Ватанфуруш хоин бекарор,
Кутмакдадир сизларни ажал.

Ҳаяжонга тушдилар шу чоқ,
Мистер Бэли тезда ўқ узди.
Бошқалар ҳам ўқталиб пичоқ,
Пўлат оғзин қонга тўлдирди.

Хат-ҳужжатни олдилар қўлга,
Қочиш учун ахтардилар йўл.

Йұл йүқ саҳро, шаҳарга, чұлға,
Отряд билан үралган үнг, сүл.

— Қимирламанг,— деди командир,
Вақтингиз күп, жаноблар, шошманг.
Хаммасини титкилаб бир-бир,
Деди кулиб,— ҳаддан күп ошманг.

Тозаланди душман уяси,
Халқ сафарбар әрта-кеч ва шом,
Ҳар шубҳали одам сояси
Топилгуси жанг этар давом.

Қуёш тикка сочмакда шуъла,
Лабиқовуз тұлқинида нур,
Қайноқ ҳаёт авжда, бирйұла,
Зафар құчган, лабларда сурур.

Регистоннинг устида байроқ
Товланади, мисоли офтоб.
Ленин тузган дарсликдан сабоқ
Олган халқлар тузди инқилоб.

Бу инқилоб зүр асрий орзу,
Халқ қалбіда үчмас муҳаббат.
Тахт ағдариб яратыб ғулу,
Эллар олди құлига зұр баҳт.

VI

Когондаги депо хонаси,
Ҳарбий штаб тун-кун мунаввар.
Аскар билан зич айланаси,
Шиорларга ёзилған зафар.

Құргонларни нишонга олган
Бронепоезд турипти ҳорғин,
Душманларни қақшатыб толған,
Салобат-ла олмакдадур тин.

Ҳаракат зұр, күчалар гавжум,
Штаб томони бир тұда отлиқ

Еңіб келар, үйнар бетиним,
Отдан тушди Фрунзе бошлиқ.

Шов-шув баланд ва ҳаёт қайноқ,
Хоналарда ишлар аппарат.
Бош құмандон Ленинга шу чоқ,
Рапорт берди ва йұллади хат.

— Аппаратда Фрунзе ҳозир,
Рапортини тинглағыз, устоз,
Халқ юрагин сұzlай бирма-бир,
Қанот қоқиб айласин парвоз.

Салом сизга озод эллардан,
Ёру дұстдан оташин салом!
Миннатдор халқ құвноқ диллардан,
Кечирмакда гұзал, тинч айём.

Бор дедингиз, кездим Туркистан,
Саҳро-адир, биёбонларни,
Мажақланди душман беомон,
Ошиб үтдим төг-дөвонларни.

Куни кеча күхна Бухоро,
Құлға олди әрк байробини,
Қүёш сочди бошидан зиё
Ва иргитди бало тоғини.

Инқилобнинг зұр тұлқинида,
Файзулладек жасур йигитлар,
Мадад берди халқ оқимига,
Парвоз этди асил бургутлар.

Бой-амалдор күтариб қурол,
Халқ қайтадан бұлсın деб гадо.
Халқ абадий бұлсии деб қарол,
Құча-күйда зору бенаво.

Чет эллардан олиб күч-мадад,
Меңнат ақлин қийнаб беомон.
Душманлик ва күрсатиб ҳасад,
Оқиздилар дарё-дарё қон.

Уя қўймоқ бўлдилар яна,
Кошонага, чаман боғларга.
Маллисонлар¹ топиб бошпак
Қароргоҳни қуриб тогларга.

Бор, дедингиз, кездим Туркистон,
Бунда дўстлар бўлди мададкор.
Асрий қуллик мангуга пинҳон,
Ҳар қадамда топдик зафар ёр.

Далаларда кезмакда баҳор,
Халқлар қонур ирмоққа. сойга.
Халқлар энди бўлмас интизор.
Зар сочувчи қуёшга, ойга.

Тоғларида ўйнашар оҳу,
Ҳар тонг келур тиниқ булоққа.
На сайёд бор, на даҳшат, қўрқув,
Ҳордиқ олур баҳмал ўтлоқда.

Бор, дедингиз, кездим Туркистон,
Халқ сиз билан доим ҳамнафас.
Мададкори партия ҳар он,
Қелажагин ёрқин кўрган, бас.

Рапорт берди, тинглади устоз,
Мард Фрунзе бардам ва тетик.
Ленин деди, қилдинг сарафroz,
Асил сафдош, жасур большевик.

¹ Англия генерали.

МУНДАРИЖА

Давр ардоқлаган шоир. Л. Қаюмов 5

1923—1930

Комсомол	: 9
Роҳатдир яшашим	: 10
Кутганда	: 11
Синглимга	: 14
Ғалаба марши	: 16
Ер ишлаганники	: 17
Құшчи ашуласи	: 18
Фарғона	: 19
Менинг түйғуларим	: 20
Денгиз құчоғида	: 21
Тузалған ұлкага	: 22
Шоир	: 24
Танбурчи қызға	: 25
Бұйысув бүйларида	: 26
Мен әрк қизи	: 27
Нимага	: 28
Бир қыз күйларкан	: 29
Исән алангала	: 30
Құйинг, үйнасих	: 31
Ленинсиз тұрт йил	: 32
Әй, қалам	: 33
Қонли из	: 34
Көч кириш	: 35
Ишчи ашуласи	: 36

Чұллар куларкан	: 37
Чопиқда	: 40
Зарбдор қиз	: 41

1931—1940

Қүёш ва меп	: 44
Совет Армиясига	: 45
Узбекистон учун	: 46
Тоғ сувлари	: 49
Шеърим	: 50
Ез кечалари	: 51
Хайр, Арашон	: 52
Булоқлар ёнида	: 54
Севгим	: 55
Она сұзи	: 57
Теримча қизга	: 59
Катта Фарғона каналига	: 60
Дарға	: 62
Днепр бүйларидә	: 66
Елла ҳаёт тұлқини	: 68
Ленин Октябріга	: 69
Конституцияга	: 71
Қушлар	: 72
Қадрдонлар	: 73
Денгиз	: 75

1941—1950

Илгарига, ўртоқлар	: 76
Юрак алансаси	: 77
Үч ол	: 78
Күнлар келар	: 80
Ҳамшира қизга	: 81
Менинг совғам	: 82
«Сөвги бор...»	: 83
Сөвги құшынғы	: 84

1951—1962

Рус халқынға	: 85
Сувчи	: 86
Қизларнинг дафтариға	: 87
Кутиш	: 88

Тошкент тонги	90
Москвам	91
Халқ истаги	92
Улуғ партиям	93
Ўқитувчимга	95
Ленин («Асос солди янги дунёниг...»)	96
Россиям	97
Она	98
«Ихтиёрим бўлсайди, эркам...»	99
Озодлик кўйчисига	100
Софиниш	101
Қуёш қадар баҳт	102
Майли	103
Ёшлиқ	104
Волга хотираси	105
Ленин шанбаликда	107
Ленин («Кремлда...»)	108
Она алласи	110
Ғанимат дамлар	111
Олтин куз	112
Ленин келди	113
Яшнаган шаҳар	115
Ога фахри	116
Довюрак Гагарин	117
Баҳорни қаршилаб	118
Уч рубоний	119

1962—1972

Қорақум каналига	120
Қардош туркман халқига	122
Сирдарә	123
Қўзлар	125
Улуғ программа	127
Кетма	128
Шундан бери	129
Шоир Шевченкога	130
Жавод Кўчиевга	131
Гул («Саҳрода...»)	132
Қалдирғоч	133
У қараш	135
Кўчалар	136
Янги йилни қутлаб	138

Ер ва инсон	139
Кўл бўйида	142
Рассомга	143
Севинч ёшлари	144
Юрак бу	145
Навоийга	146
«Кечмишни ўрганиш...»	147
Номинг билан	148
Зухро юлдузига...	149
Юрак тутуни	150
Гул («Узоқ тун...»)	152
Сени излаб	153
Бизнинг овоз	154
Тафаккур	156
Разливдаги чайла	157
Тошкент оқшоми	159
Пахтазор қўшиғи	160
Онамга	162
Мағурурлик ҳақида	164
Она табиатга	165
Сувчи	166
Ҳаёт китоби	167
Ёшлик ҳақида	168
Ер шари	170
«Үлмак қонун, йўқдир, хавфим ҳеч»	171
«Узун соchlарингга...»	172
«Илтифот шуми...»	173
Қозоқ дўстларимга	174
Ҳаёт нашъаси	176
Тақдир	177
Ҳайкал	178
Хотира	179
Булбул	180
Уруш бўлмасин	181
Қўёш қасидаси	182
Ёзмиш	184
Эй сабо	185
Нима бўлди	186
Орзу билан	187
Рубоийлар	189
Чиқди	190
Зинҳор ўйланма, ўйланма	192

Достонлар

Ғурбатда Фурқат	194
Шоир	232
Үлмас құшиқ	241
Оловли йилларда	254

На узбекском языке

ГАЙРАТИ

Избранные произведения в двух томах

Том I Стихи и поэмы

Редактор М. Аҳмедов

Рассом А. Визель

Расмлар редактори Н. Галиев

Техн. редактор Э. Сайдов

Корректор Н. Султонова

Босмахонага берилди 17/IV-73 й. Ўосишга руҳсат этилди 3/IX-73 й. Формати 84×108^{1/2}. Босма л. 8,75. Шартли босма л. 14,50. Нашр л. 9,67. Тиражи 10000. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 201—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлари, полиграфия ва китоб саводиси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент Полиграфкомбинатида № 1 қозогига босилди. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. 1973 йил, заказ № 1887. Ўаҳдаси 1 с. 44 т.

Үз2
F 17

Ғайратий.

Танланган асарлар. Икки томлик. 1 т.
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
I т. Шеърлар, достонлар. Кириш сўзи Л. Каюмов. б. 5—8.
1973. 280 б.

Гайрати. Избранные произведения. В 2-х т. Т. 1.

Ушбу томга шоирнинг турли даврларда ёзилган шеърларидан намуналар.
«Фурбатда Фурқат», «Оловли Йилларда» каби бир қатор достонлари кири-
тилди.

1c.44r